

ПРЕЗИДЕНТГА МАКТУБЛАР



320
1741

32/545.1)

ПРЕЗИДЕНТГА МАКТУБЛАР



2031149

06.01.2013

20141-19

ТОШКЕНТ «МАЪНАВИЯТ» 2013

УЎК: 323(575.1)

КБК: 66.3(5Ў)6

П-84

«Президентга мактублар» китобининг янги — учинчи жилди бўлган ушбу тўпلامдан мамлакатимиз ва чет эл фуқаролари, хорижий давлатлар етакчилари, атоқли сиёсат ва жамоат арбоблари, илм-фан, маданият, адабиёт ва санъат намояндалари томонидан давлатимиз раҳбари Ислон Каримов номига 2009—2013 йиллар давомида келган хатлардан намуналар ўрин олган.

Китоб Ўзбекистон Президентининг ана шу ўта мураккаб даврдаги ғоят масъулиятли ва самарали фаолияти ҳақида, мамлакатимиз эришаётган тарихий ютуқ ва марралар халқимиз ҳамда кенг халқаро ҳамжамият томонидан юксак эътироф этилаётгани ва қўллаб-қувватланаётгани тўғрисида атрофлича маълумот беришга, бу борадаги тасаввурларни кенгайтиришга хизмат қилади.

П-84

Президентга мактублар / муҳаррир
М. Қаршибоев. — Тошкент: «Маънавият»,
2013. — 240 б.

КБК: 66.3(5Ў)6

П 4702620204-08
M25(04)-13

ISBN 978-9943-04-215-5

© «Маънавият», 2013

СЎЗБОШИ ЎРНИДА

Ҳурматли китобхон, сизнинг эътиборингизга ҳавола этилаётган ушбу китоб «Президентга мактублар» тўпламининг учинчи жилди бўлиб, унинг биринчи жилди 2006 йилда, иккинчи жилди эса 2009 йилда нашрдан чиқарилган ва кенг жамоатчилик ўртасида катта қизиқиш уйғотган эди.

Кўлингиздаги учинчи жилднинг мазмун-мундарижаси ҳақида фикр юритганда, аввало жаҳон миқёсида иқтисодий-молиявий инқироз давом этаётган ўта оғир ва мураккаб бир даврда Ўзбекистоннинг ўз мустақил тараққиёт йўлидан қатъият билан ривожланиб, дунёдаги санокли давлатлар қаторида барқарор ўсиш суръатларини сақлаб қолаётгани, бу ўз навбатида халқимизнинг ҳаёт сифати ва даражасининг яхшиланиши, онгу тафаккурининг юксалиши, халқаро майдонда Ватанимиз обрў-эътиборининг ошиши учун мустаҳкам замин бўлаётгани китобдан жой олган мактубларда ўз аксини топганини таъкидлаш лозим.

Албатта, хат эгаларининг ёши, касби, жамиятдаги ижтимоий ўрни ва мавқеи турлича. Уларнинг орасида оддий мактаб ўқувчисидан тортиб кўпни кўрган, ҳаёт синовларида тобланган тажрибали

инсонларгача, ишчи ва муҳандислар, деҳқон ва фермерлар, тадбиркор ва ишбилармонлардан тортиб қурувчи ва меъморлар, шифокор, муаллим ва мураббийлар, илмий-ижодий соҳа вакиллари, ҳарбийлар, хорижий давлатлар фуқаролари, атоқли давлат ва сиёсат арбобларигача борлигини кўриш мумкин. Айни вақтда уларнинг барчасини она Ватанимизга бўлган меҳр, эл-юртимизнинг фидокорона меҳнати билан қўлга киритилаётган натижалардан қувониш, фахрланиш ҳисси, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятига ҳурмат-эҳтиром ва юксак ишонч туйғуси бирлаштириб туради.

Хат муаллифлари навқирон йигит-қиз ёки мўътабар оқсоқол, пири бадавлат кексалар бўладими, бундан қатъи назар, уларнинг барчаси мамлакатимизда бўлаётган ўзгаришларни нафақат қўллаб-қувватлаши, балки айни шу тараққиёт йўли тўғри ҳамда барча режа ва дастурларимизни амалга оширишнинг асоси, пойдевори экани, айни шу йўл билан ўз олдимизга қўйган эзгу мақсад-муддаоларимизга эриша олишимизни чуқур англаши китоб саҳифаларида алоҳида сезилиб туради.

Энг муҳими, мактуб муаллифлари Ўзбекистон Республикаси Президенти тимсолида халқимизга, Ватанимизга энг самимий ва олижаноб туйғулари, миннатдорлик сўзларини ифода этади.

Шуни қайд этиш жоизки, муаллифларнинг оиласи, маҳалласи, қишлоғи, ўзи таълим-тарбия олаёт-

ган билим маскани ёки меҳнат қилаётган жамоа-сида юз бераётган ўзгаришлар ҳақидаги фикр-мулоҳазалари асносида бамисоли бугунги Ўзбекистоннинг умумий тараққиёт манзараси, барча соҳа ва тармоқларда эришаётган ютуқ ва марраларимизнинг миқёси ва кўлами, уларнинг миллионлаб юртдошларимизнинг ҳаётига қандай ижобий таъсир кўрсатаётгани янада яққол намоён бўлади.

Бу мактубларни ўқир эканмиз, бетакрор диёримиз тимсолида бамисоли мусаффо осмон бағрида кенг қанот ёзиб, парвозга кўтарилаётган, биз учун тинчлик-осойишталик, файзу барака, бахту саодат рамзи бўлган афсонавий Ҳумо қушини тасаввур этамиз. Ҳар бир хат юртимиздаги барча ислоҳот ва ўзгаришлар аввало инсон учун, унинг манфаатлари учун амалга оширилаётгани, халқимизнинг неча асрлик орзу-интилишлари бугунги ҳаётимизда ўзининг амалий ифодасини топаётганининг далили бўлиб, ушбу китобнинг катта қизиқиш билан ўқилишига хизмат қилади.

Ўзбекистон билан яқин ва самарали ҳамкорлик қилиб келаётган ривожланган хорижий давлатлар раҳбарларининг Президентимизга йўллаган мактубларини ўқир эканмиз, мамлакатимиз эришаётган ютуқлар бугунги кунда халқаро миқёсда юксак эътироф, ҳурмат ва эътибор топаётганига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз. Буларнинг барчаси биз барпо этаётган келажаги буюк давлатнинг реал бел-

ги-аломатлари, ҳаётимизда акс этаётган амалий намунаси ва ҳаётбахш натижалари сифатида, ҳеч шубҳасиз, муқаддас юртимиз заминида яшаётган ҳар қайси онгли инсон учун чексиз гурур-ифтихор бағишлайди.

Ўйлаймизки, мазкур тўплам Ўзбекистон Президентининг истиқлол тарихимизнинг кейинги ўта мураккаб давридаги ғоят масъулиятли ва самарали фаолияти ҳақида, халқимиз қўлга киритаётган тарихий ютуқ ва марралар, юртдошларимизнинг жамиятимиз ҳаётида амалга оширилаётган ўзгариш ва янгиланиш жараёнларига дахлдорлик ҳисси, фуқаролик позицияси, дунёқараши қанчалик ўсиб, ривожланиб бораётгани тўғрисида атрофлича маълумот бериш, бу борадаги тасаввурларни кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

МИННАТДОРЛИК ХАТЛАРИ

Мамлакатимиз Президентини номига келаётган мактубларнинг катта қисмини миннатдорлик хатлари ташкил этади. Юртдошларимиз ўз оиласи, меҳнат жамоаси, маҳалласи, шаҳар ёки қишлоғида юз бераётган ўзгаришлар, қувончли воқеалар ҳақида фахрланиб, ғурурланиб фикр юритар экан, аввало диёримизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, Ватанимиз равнақи, халқимиз фаровонлигини ошириш, ҳар бир инсоннинг қобилият ва имкониятини рўёбга чиқариш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, ёшларимизни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш борасидаги кенг кўламли ишлар бунга замин бўлаётганини алоҳида мамнуният билан таъкидлайдилар. Буларнинг барчаси учун улар ана шу йўлни ўз вақтида энг тўғри йўл сифатида танлаб, изчиллик билан амалга ошириб келаётган давлатимиз раҳбарига чуқур миннатдорлик билдиришади.

Она юртга, унинг мард ва донишманд етакчисига самимий меҳр туйғулари билан йўғрилган, кўплаб ҳаётий мисоллар келтирилган бундай мактубларни ўқир эканмиз, мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳот ва ўзгаришлар ҳақиқатан ҳам инсон учун, унинг манфаатлари учун хизмат қилаётгани, ҳар бир

оила ҳаётига беқийёс таъсир кўрсатаётгани, уларнинг эл-юртимиз қалбидаги орзу-интилишлар билан нақадар уйғун ва ҳамоҳанг эканини юрак-юракдан ҳис этамиз.

Шу маънода, бу хатларни «Биз ким эдигу ким бўлдик?», «Истиқлол бизга нима берди?» деган саволларга энг тўғри, энг ҳаққоний жавоб сифатида тушуниш, қабул қилиш ҳар томонлама ўринли бўлади, деб ўйлаймиз.

Қалбида халқимиз, Ватанимизга меҳр ҳисси бўлган ҳеч қайси инсон бу хатларни ҳаяжонланмасдан, тўлқинланмасдан ўқий олмайди.

**Ассалому алайкум, мухтарам
Ислом Абдуғаниевич!**

Мустақиллик йўли — шараф ва машаққатларга тўла зафар йўлидир. Бу йўлнинг шонли ибтидоси ва буюк ижодкори бор.

Сизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобингизни, таъбир жоиз бўлса, шонли ибтидо манзаралари, деб атамоқ даркор. Шонли ибтидога асос солган буюк ижодкор эса, ҳеч шубҳасиз, Сизнинг ўзингиздир.

Мен китобни бир муаллима, ўша долғали дамларнинг гувоҳи сифатида зўр иштиёқ билан ўқиб чиқдим. Тан олишим керакки, Сизнинг мустақиллик остонасида амалга оширган буюк ишларингиз қудрати ва залворини китобни ўқигач, янада те-ранроқ англадим.

Айтиш жоизки, Сиз молия вазири, Давлат режа қўмитаси раиси лавозимларида ишлаган пайтингиздаёқ Ўзбекистонимизнинг буюк келажаги, мустақиллиги хусусида ўйлагансиз, нафақат ўйлагансиз, балки Сизнинг тафаккурингизда бу борада ўзига хос режалар пишиб етилган. «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобини ўқиган киши табиий тарзда шундай хулосага келади. Маз-

кур китобдан ўрин олган ҳар бир нутқ, маъруза, интервью ва мурожаатларингизда бу ҳақиқат яққол сезилиб туради.

Мисолларга мурожаат қиламиз: *«Яна бир масала. Биз турли объектлар қуриш ҳақида гапирамиз, айни пайтда, мен ўйлайманки, бу масала замирида бир муаммо мавжуд. Гап шундаки, биз кадрларни олдиндан тайёрлаб бормаймиз. Айтиш керакки, касб-ҳунар ва техник таълимда ҳамма ишлар, йўналиш нуқтаи назаридан ҳам, тармоқлар бўйича кадрлар тайёрлаш юзасидан ҳам ҳеч ўзгармасдан қолмоқда. Қишлоқда биз фақат механизаторлар тайёрлаймиз, ёшларни эртага жойларда қандай мутахассисларга эҳтиёж пайдо бўлишини ҳисобга олмасдан, ўқита-верамиз».*

Сиз бу мулоҳазаларни Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинишидан саккиз йил муқаддам айтган эдингиз. Энг муҳими, миллат тақдирига дахлдор бундай фикрлар Сизда бирдан пайдо бўлмаган. Демокчиманки, Сизнинг бугун рўёбга чиқаётган орзу-режаларингиз, ғоя ва лойиҳаларингиз генезиси — илдизларини аслида XX асрнинг 70-йиллари охири, 80-йиллари бошидан изламоқ зарур. Чунки, Сиз Президент сифатида халқимизни бошлаб бораётган ижтимоий-сиёсий, молиявий-иқтисодий, маънавий-маърифий йўл шу қадар мустаҳкам ва ишончлики, бу ҳол мазкур шонли йўл тўғрисида Сиз бир неча ўн йиллар ол-

дин ўйлаб юрганингиздан далолат беради. Шу муносабат билан бир орзумни Сизга очиқ-ойдин айтмоқчиман. Биз ҳозир Ислоом Каримов феноменини Сиз амалга оширган буюк ишлар мисолида ўрганмоқдамиз. Албатта, бу жараён ҳам ўта муҳим ва унинг моҳиятини чуқур англашга барчамиз бурчлимиз.

Айни пайтда бошқа бир муҳим масалани ҳам ўрганишимиз, тадқиқ қилишимиз шарт. Гап Сизнинг шахсингизда намоён бўлган улкан давлат арбобига хос фазилатларнинг дояси бўлмиш улуғвор маънавий жасоратнинг қандай шакллангани ҳақида бормоқда. Ҳеч бир муболағасиз, Ислоом Каримов феноменининг тарих саҳнасига чиқиши — фавкуллода ҳодиса.

Эътироф этиш керакки, Амир Темурдек забардаст сиймодан сўнг Ўзбекистон тупроғида бундай ҳодиса кузатилмаган эди.

Ўз даврида бутун дунёни ўз сиёсати ва салобати билан лол қолдирган Михаил Горбачёв Сизнинг шахсингизда мужассам топган виқор ва шижоат қошида бежиз ҳайратга, аниқроғи, таҳликага тушмаган. «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобининг ҳар бир саҳифасида шу фикрни тасдиқлайдиган қанчадан-қанча ёрқин мисоллар мавжуд. Демак, такрор-такрор таъкидлайманки, бу китоб наинки юртимиздаги барча ташкилот ва муассасаларда синчиклаб ўқиб-ўрганилиши за-

рур, балки унга улкан илмий тадқиқотлар объекти сифатида ҳам қаралмоғи лозим.

Яна бир истак шуки, саҳифаларида долғали даврнинг беқиёс ҳақиқатлари жо бўлган бу ноёб китоб жуда тезлик билан Шарқ ва Ғарб тилларига таржима қилиниши мақсадга мувофиқ. Токи жаҳон жамоатчилиги билиб қўйсинки, 1991 йилнинг 1 сентябри Ўзбекистон мустақиллигининг расмий эътирофи, холос. Тарихий ҳақиқат шуки, Ўзбекистонимиз аслида 1989 йилнинг 23 июнидан эътиборан ўзини мустақил ҳис эта бошлаган.

Яна айрим мисолларга мурожаат қиламиз: *«Аҳолининг соддалиги ва ҳеч нарсани тушунмаслигига умид қиладиган замонлар ўтиб кетди. Буни қарангки, қишлоқдан келган одамларни шаҳарда ишга олмайди, лекин республикамизнинг ташқарисидан келганларни ишга олади».*

«Нима учун маҳаллий миллатга мансуб кишилар ўртасида муҳандис-техник ходимлар йўқ? Мен бу савол ҳаққоний савол, деб ҳисоблайман».

Юқоридаги икки фикр 1989 йилнинг 24 июнида очиқ-ойдин янграган бўлса, қуйидаги сўзлар 1990 йилнинг 24 мартада ғурур ва ифтихор билан айтилган: *«Президент институтининг жорий этилиши — республикамиз учун суверенитет ва давлатчиликда принцип жиҳатдан янги босқичга ўтилишини билдиради. Чунки шунчаки эмас, балки ҳақиқий*

давлатчилик ҳокимиятнинг бундай тузилмасини қўлга киритиш имкониятига эга».

«Ўзбекистон ССР мустақил ва тенг ҳуқуқли республика сифатида бошқа республикалар билан сиёсий, иқтисодий, илмий ва маданий алоқаларни ўзаро эркин ҳал қилади. Бу алоқаларни дўстлик ва ҳамкорлик, ўзаро ҳурмат ва тотув қўшничилик муносабатлари асосида янада мустаҳкамлаб бораверади».

Яна бир эътирофга молик жиҳат. Жонажон Ўзбекистонимизнинг йигирма йиллик мустақил йўли ўша суронли йилларда, яъни 1990 йил 5 июнда матбуотда чоп этилган «Ўтмишдан сабоқ чиқариб, келажакка ишонч билан», деб номланган маърузангизда аввалдан аниқ-равшан кўрсатиб ўтилган. Маърузадаги VI бўлимда ҳозирги ҳаётимизнинг барча томони, бугунги жамиятимизнинг ҳар бир соҳасидаги ўсиш суръатлари қандай бўлиши 20 йил наридан туриб омилкорлик билан кўрсатиб берилгандек. Шу боис ушбу маърузани Ўзбекистон мустақиллигининг келажак концепцияси, деб атасак, арзийди.

Ниҳоят, 1990 йилнинг 20 июнида Мустақиллик декларацияси эълон қилинди. Тарихий аҳамияти жиҳатидан мислсиз бўлган бу ҳужжат Сизнинг республикамиз раҳбари сифатида бир йил давомида амалга оширган барча ишларингизнинг мантиқий якуни бўлди. Ҳали-ҳануз бу ҳужжат матнини ҳаяжон билан ўқийман. Унинг кириш қисми менга деярли ёд бўлиб кетган.

**«Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси
Олий Совети:**

*Ўзбек халқининг давлат қурилишидаги тарихий
тажрибаси ва таркиб топган бой анъаналари,
ҳар бир миллатнинг ўз тақдирини ўзи белги-
лаш ҳуқуқини таъминлашдан иборат олий мақсад
ҳақи,*

*ҳар бир кишининг фаровон ҳаёт кечиришини таъ-
минлашни олий мақсад деб билган ҳолда,*

*Ўзбекистон халқларининг келажаги учун тари-
хий масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда,*

*халқаро ҳуқуқ қоидаларига, умумбашарий қад-
риятларга ва демократия принципларига асосланиб,*

*Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси-
нинг Давлат мустақиллигини эълон қилади».*

Китобда Ислом Каримов шахси келажакни кўра биладиган донишманд сиёсатчи сифатида ҳам ёрқин намоён бўлган. Катта ёшдаги кишиларнинг ёдида бўлса, собиқ СССР парчалангач, унинг ўрнида қандай тузилма шаклланиши борасида қизғин баҳс-мунозаралар қилинган. Бошқа сиёсатчилардан фарқли ўлароқ, Сиз собиқ иттифоқдош республикаларни бугунги бирлашган Европа қиёфасида кўришни истагансиз. Китобдан ўрин олган қуйидаги хулоса фикр-мулоҳазаларимнинг яна бир исботидир: *«Бизнинг нуқтаи назаримиз шундан иборат эдики, биз ўз ҳудудимизда барча масалаларни тўла-тўқис ҳал этиш ҳуқуқига эга бўлган мутлақо*

эркин, мустақил давлатлар – республикалар бўлишимиз керак».

Йиллар ўтади ва фараҳбахш даврлар силсиласи аро Сизнинг ҳаётбахш ғояларингиз ҳам бошқа халқлар ва давлат арбоблари томонидан яқдиллик билан қўллаб-қувватланиб, чин маънодаги реалликка айланажак!

**Муқаддамхон Иззатуллаева,
Халқ депутатлари Наманган
шаҳар кенгаши депутати,
Наманган шаҳридаги
25-мактаб ўқитувчиси**

2012 йил 20 март

**Ассалому алайкум, ҳурматли
Ислом Каримов!**

Ушбу миннатдорлик мактубини ёзаётган мен — оддий аёл, уй бекаси, тўрт нафар фарзанднинг онаси, Фарғона вилояти, Қўқон шаҳри, Гуллола 5-тор қўчаси, 4-уйда истиқомат қилувчи, 1957 йилда туғилган Дилором Шодмонова бўламан.

Мактубим аввалида Сизни Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллик байрами билан чин юракдан муборакбод этаман. Илоҳим, умрингиз узоқ бўлсин, доимо соғ-саломат бўлинг. Оилангизга, фарзандларингиз ва набираларингизга, юртимизга доимо бош бўлиб юринг, деб Оллоҳдан сўрайман.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, мен азиз ва муътабар мустақиллигимиздан ҳамда Сизнинг ўғит ва маслаҳатларингиздан, яхшиликка ва эзгуликка даъватингиздан руҳланиб, кўп нарсаларни ўргандим ва амалда бажаряпман, деб ўйлайман.

Менинг ота-онам, қайнонам ва қайнотам, турмуш ўртоғим ва ўзим ўрта маълумотли, оддий ишчи, деҳқон бўлганмиз. Мана, мустақиллигимиз шарофати билан ҳамда Сизнинг ёшларга ғамхўрлигингиз туфайли бизнинг оилада катта ўзгаришлар

бўляпти. Шулар ҳақида Сизга хат ёзиб, хурсандчилигимни бирга баҳам кўрмоқчиман.

Менинг икки нафар қизим, икки нафар ўғлим бор. Уларнинг уч нафари олий маълумотли бўлишган. Шу кунларда кичик ўғлим ҳам институтни тамомлади.

Яна бир хушxabарни ёзмасам бўлмайди. Яқинда «Матиз» русумли автомашина сотиб олдик. Энг асосийси, оиламиз билан қураётган янги иморатимиз ҳам салкам битиб қолди. Ҳовлимиздаги мевалар ҳосилга кирди. Буларнинг ҳаммаси юртимизнинг тинчлиги ва ҳаётимиз фаровонлиги натижаси, деб биламан.

Мен мустақил Ўзбекистоннинг Президенти Ислом Каримовни яна бир бор байрам билан муборакбод этаман.

Оллоҳдан Сизга соғлиқ, саломатлик тилайман.
Ҳурмат билан:

**Дилором Шодмонова,
Фарғона вилояти,
Кўқон шаҳри**

2011 йил 15 июнь

**Ассалому алайкум ҳурматли
Ислом Каримов!**

Мен бир она сифатида Сизни кириб келган 2013 йил билан чин юракдан табриклайман. Бу йилни «Обод турмуш йили» деб номлаганингиз мени жуда хурсанд қилди. Оллоҳга шукурлар айтиб, Сизни доимо дуо қилиб, бу йил ҳам ўтган йилдагидек ба-ракали, тинчлик йили бўлсин, деймиз.

Энди 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни, ар-миямизнинг 21 йиллиги билан ҳам Сизни — Олий Бош Қўмондонимизни табриклайман. Сизга куч-қувват ва омадлар тилайман.

Менинг ўғлим Маҳмудов Бахтиёр ҳам ҳарбий эди. 40 йил Ватани ва халқига ҳалол хизмат қилиб келаётган эди. Шафқатсиз ўлим биргина ўғлимиз-ни бағримиздан олиб кетди. Бу йил 63 ёшга тўлган бўларди. Менинг акам ҳам, укам ҳам йўқ. Шу ўғлимнинг даврида даврон суриб юрган эдик. Ота-си 86 ёшда, мен 81 ёшда ёлғиз қолдик. Оллоҳ раҳ-матиға олган бўлсин ўғлимизни. Энди бахтимизга Сиз омон бўлинг.

Сизни яна бир бор 30 январь — таваллуд ку-нингиз билан чин юракдан табриклайман ва Сизга чинордек умр, тоғдек куч-қувват, булоқ сувидек

тиниқ ва тинч ҳаёт тилайман. Оилангиз билан соғ ва саломат бўлиб, юз ёшдан ҳам ошиб юришингизни Яратгандан сўраб қоламан.

Сизни телевизорда кўрганимда, маърузаларингизни тинглаганимда жуда хурсанд бўлиб, ғойибона бағримга босиб, доимо юзингиз ёруғ бўлиб юринг, деб эртаю кеч дуо қилиб қоламан.

Ғойибона опангиз:

**Собира Маҳмудова,
Тошкент шаҳри**

2013 йил 8 январь

**Ассалому алайкум, қадрли
Ислом Абдуғаниевич!**

Юз йиллар давомида амалга оширилиши мумкин бўлган ишлар Сиз бошчилигингизда қисқагина – 20 йил давомида амалга оширилганини кўриб, мен миннатдорлик хати ёзишга жазм этдим.

Мен Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманидаги Сайроб қоракўлчилик хўжалигида 1953 йилдан бошлаб бош чўпон бўлиб ишладим, сўнгра ўзим бир отар кўйдан кўпайтириб, махсус сур қоракўл кўйларига ихтисослашган ферма ташкил қилдим ва шу фермага 1993 йилга қадар бошчилик қилдим. 1993 йилда пенсияга чиқиб, Қашқадарё вилоятининг Нишон туманидаги собиқ Ҳамза хўжалигига – қариндошларим олдига кўчиб келдим.

1990 йили республика қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг қурултойида Сизнинг ёнингизда ўтирганман. Шунда Сиз менга сўз бердингиз. Мен минбарга чиқиб, республикада чўпонларнинг фарзандларини армиядан олиб қолишни таклиф қилдим. Шунда Сиз менинг таклифимни маъқуллаб, бу киши тўғри гапни айтди, эртага чўпоннинг қўлидан таёгини ким олади, албатта фарзанди-да, дедингиз.

Мен Қашқадарё вилоятига қариндошларимникига келганимда улар фахрланиб гапиришарди.

«Бизнинг обком бова бир ўзи хўжалигимизга келиб, шарт-шароит билан танишди, хўжалигимиз шу пайтгача қонуний хўжалик эмасди, бошқа хўжаликларнинг ишонч хати билан керакли техника ва бошқа материалларни олардик. Обком бова хўжалигимизни бош планга киритди, энди қонуний хўжалик бўлдик. Бизга яна уйлар, янги йўллар қуриб берди. Вилоятимиздан «пахта иши» деб қамалганларни турмадан чиқариб, ота-онаси, оиласи бағрига олиб келяпти», деб гапирар эди. Сиз республикамизга бош раҳбар бўлганингиздан кейин мен бу фикрларга яна минг карра ишондим.

Қадрли Ислом Абдуғаниевич, Сиз юртимизга бош бўлганингиздан кейин мамлакатни ойдин йўлга, яъни мустақиллик йўлига олиб чиқдингиз. Биз ўз тилига, ўз пулига, ўз худудига, ўз армиясига эга бўлган, ер юзидаги барча мамлакатлар билан борди-келди қиладиган тенг ҳуқуқли мустақил Ўзбекистон Республикасига айландик.

Сизнинг Тошгузар – Бойсун – Қумқўрғон темир йўлини қурдирганингизни кўриб, ҳамон ҳайратланаман. Мен бир вақтлар ўша тоғларда қўй боққанман. Агар ўша пайтлари менга шу ерлардан поезд йўли ўтади, дейишса, бу латифангни бошқа бировга айт, дер эдим. Автомобиль йўллари кенгайиб, ойнадек ялтирашини айтмайсизми! Ҳар сафар шу йўлдан ўтганимда, илоё, Юртбошимнинг умри узоқ бўлсин, ишларига Оллоҳ ривож берсин, деб дуо қиламан.

Айниқса, кейинги йилларда қурилган коллежлар, спорт иншоотлари, бозор ва гузарлар, аҳоли учун маданий-маиший бинолар, муқаддас зиёратгоҳларнинг таъмирлангани ва қайта қурилгани бу – Сизнинг меҳнатингиз, мустақиллигимизнинг шарофати, албатта.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Оллоҳ Сизнинг умрингизни янада зиёда қилсин. Сиз туфайли, мустақиллик шарофати билан республикамиздан минг-минглаб кишилар муборак ҳаж сафарига бориб, ҳожи мақомига эга бўлиб қайтишди. Ана шулар қаторида Оллоҳ менга ҳам 2008 йили ҳаж сафарига бориб, ҳожи бобо бўлишни насиб айлади.

Сиз бошчилигингизда мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларни кўриб, мен қандай қилиб миннатдорлик хати ёзмайин? Нафақат мен, балки республикамизнинг барча ёшу қариси Сиздан бир умр миннатдор.

Сизга Оллоҳдан узоқ умр тилаб, беш вақт намазда юртимизга тинчлик ва хотиржамлик сўраб, Сизнинг ҳақингизга дуода бўлаётган:

**Ҳақназар ҳожи Ҳаққулов,
Қашқадарё вилояти,
Нишон тумани,
Истикбол қишлоғи**

2011 йил 12 ноябрь

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов жойларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислоҳотларнинг бориши, бунёдкорлик ишлари, кенг қамровли ўзгаришлар билан танишиш мақсадида 2009 йил 16 октябрь куни Фарғона вилоятига ташириф буюрган эди. Президентимиз ўшанда Қўқон шаҳрида бўлиб, Ўзбекистон Қаҳрамони, машҳур халқ устаси Абдуғани Абдуллаевнинг ҳол-аҳволини сўраб-суриштирган ва унинг беморлигини эшитиб, тегишли ёрдам кўрсатиш юзасидан топшириқлар берган эди.

Абдуғани Абдуллаев бундай юксак эътибордан миннатдор бўлиб, Юртбошимизга қуйидаги мактубни йўллаган эди.

**Ассалому алайкум, муҳтарам
Ислом Абдуғаниевич!**

Ҳар бир инсон дунёга келиб, ҳаёти давомида бошидан ҳар хил кунларни ўтказади. Бирда хурсандчилик ҳамдам бўлса, бирда ташвиш йўлидан чиқади. Бирда кулса, бирда кўнгли нимадандир эзилиб йиғлаши мумкин. Кеча мен ҳам йиғладим. Лекин аламдан эмас, дард азобидан эмас, аксинча, хурсандчиликдан, қувонганимдан йиғладим. Юртимиздаги ҳар бир инсонни ўзига қадрдон бил-

гувчи, бирини ўз иниси, бошқасини туғишган синг-
лисидек кўргувчи Сиздек азиз, меҳрибон, бағрикент
инсонни Ватанимизга бош қилгани учун Тангрига
беҳисоб шукроналар айтдим. Оила аъзоларимиз,
фарзанду набираларимиз, шогирдларим билан ҳа-
қингизга дуолар қилдик.

Иссиқ жон эканмиз, гоҳо бемор бўлиш бор.
Хасталик мени тўшакка михлаган, ҳоритган кун-
лар бўлди. Шукур, шифокорларимиз эътиборини
ҳар куни сезиб турибман. Фарғонага келиб, биз-
нинг Қўқон шаҳрига ташриф буюриб, мени сўраб-
суриштирганингиз, беморлигимни эшитиб, тезроқ
оёққа туришим учун тегишли топшириқлар берган-
ингизни эшитиб, мен каби бир устага кўрсатган
эъоз ва эътиборингиздан бошим кўкка етди.

Хонадонимиз остонасидан Сизнинг топшири-
гингиз билан Тошкентдан энг тажрибали шифо-
корлар кириб келганида, улар тимсолида Сизнинг
меҳрингиз, эътиборингиз кириб келди. Кўзимга нур
югурди, юрагимга дармон, бармоқларимга мадор
кирди. Бундай меҳрга жавобан мен, Худо хоҳласа,
яна усталар сафига қайтаман.

Мен ёшлигимдан Фарғона ёғоч ўймакорлик
мактаби етакчиси, Ўзбекистон халқ устаси Қодир-
жон Ҳайдаровга шогирд тушдим. Таниқли уста эта-
гини тутиб, миллий меъморлик сирларини, анъана-
ларини ўргандим. Ватанимиз истиқлоли мен каби
минг-минглаб усталар учун янги имкониятлар очди.
Сизнинг ғояларингиз, Сиз чизиб берган тарҳлар

асосида юртимиз устазодалари билан Имом Бухорий мажмуасида, Тошкентдаги Хотира майдонида қилган ишларимиз умр дафтаримизнинг энг ёрқин саҳифаларидир. Ҳар гал телевизор экрани орқали ушбу иншоот ва зиёратгоҳларни кўрганда, тўлқинланиб ўтираман.

Ҳурматли Ислоҳ ака!

Илоҳим, халқимиз, фарзандларимиз бахтига ҳамиша соғ-омон бўлинг. Юртимизни Яратган ёмон кўзлардан асрасин. Менга кўрсатган эътиборингиз ва меҳрингиз учун яна бир қарра қатта раҳмат, ташаккур.

Ҳурмат ва эҳтиром билан:

**Абдуғани Абдуллаев,
Ўзбекистон халқ устаси**

2009 йил 17 октябрь

Муҳтарам Ислон Абдуганиевич!

Сизни «Ватан ва халқ мангу қолади» деб номланган янги асарингиз нашр этилиши муносабати билан кўп сонли китобхонларимиз номидан чин дилдан қутлашга ижозат бергайсиз.

Мазкур китобингиз она Ватанимизда яшаётган ҳар бир фуқарони теран мулоҳаза юритишга ва мустақиллигимизни асраб-авайлашга даъват этадиган манба сифатида кутубхоналаримиз жавонларидан муносиб ўрин эгаллади.

Янги йил арафасида ушбу китоб ҳамда «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарингизнинг иккинчи нашри учун берилган қалам ҳақини Республика марказий кўзи ожизлар кутубхонасининг моддий-техник базасини ривожлантиришга йўналтирганингиз ҳақидаги хабар жамоамизни тўлқинлантириб юборди. Оллоҳ назари тушган Сиз каби азиз инсон — Президентимизнинг кутубхонамизга бўлган меҳри ва эътиборидан кўксимиз тоғдек кўтарилди. Бундай беқийс ғамхўрлик учун Сизга самимий миннатдорлигимизни изҳор этамиз.

Шахсан ўзингиз саховат кўрсатиб, замондошларимизни эзгу ва савоб ишларга мунтазам чорлаб келаётганингиз халқимиз учун юксак ибрат мактабидир.

Бизга юборилган қалам ҳақингиздан кутубхонамиз учун энг замонавий компьютерлар харид қилдик. Эндиликда улар кўриш имконияти чекланган фуқароларни замонавий усулда ахборот билан таъминлаш учун хизмат қилади.

Муҳтарам Ислоҳ Абдуғаниевич!

Сизга озод ва ҳур Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши, халқимизнинг фаровон, осуда ҳаётини таъминлаш, бутун дунёда мамлакатимиз обрў-эътиборини янада юксалтириш йўлида олиб бораётган улут ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз.

Мустақил юртимизни буюк келажак сари бошлаб боришингизда Сизга Оллоҳдан узоқ умр, кучқувват, ғайрат-шижоат тилаб қоламиз.

Сизга юксак эҳтиром ва чексиз ҳурмат билан:

**Баҳодир Алқаров,
Республика марказий кўзи
ожизлар кутубхонаси директори,
Тошкент вилояти,
Қуйичирчиқ тумани**

2011 йил 17 январь

**Қадрли Президентимиз
Ислом Абдуғаниевич Каримов!**

Сиздек оқил, меҳрибон ва жонкуяр Юртбошимиз борлигидан фахрланиб яшаймиз. Оллоҳга минг бор шукурки, юртимиз тинч ва осойишта. Сиз, яъни юртимизнинг отаси ҳамиша биз — халқингиз фаровонлигини ўйлайсиз. Бухоро шаҳридаги Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳига ташриф буюриб, бу ерда қилган тинчликни сақлаш ҳақидаги даъватингиз бизга тоғдек далда бўлди. Қўшни қирғизистонлик ўзбекларга кўрсатган ёрдамларингизнинг ажру савобини Оллоҳ таоло ўн баробар зиёда қилиб берсин.

Илоҳим, умрингиз Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳидаги тут дарахтидек узун, мартабангиз ўша ердаги миноралар каби баланд бўлсин. Сизга ва оилангизга бутун оиламиз номидан тансиҳатлик, тинчлик ва осойишталик тилаймиз.

Сизни чин дилдан ҳурмат қиладиган фуқаронгиз:

**Мавжудахон Аҳмедова,
Марғилон шаҳри, Маориф
маҳалласи, Зарафшон кўчаси,
14-«А» уй**

Азиз Юртбошим, муҳтарам Ислом бобо!

Сизга доим миннатдорчилик хатлари ёзаман, бироқ тортинчоқлигим боис, уларни жўнатолмаيمان. Раҳматли Саттор бобомни яхши танийсиз. У кишига қилган яхшиликларингиз сира ёдимдан чиқмайди. Бобом Иккинчи жаҳон уруши ногирони эди. Эсимда, тириклигидан ва шундай дориламон кунларни кўрганидан чексиз қувонарди. Айниқса, бобомга «Жасорат» медали берилган кун сира ёдимдан чиқмайди.

Ислом бобо, Сиз онамга, бизнинг оилага кўп яхшилиқ қилгансиз, бунинг учун бир умр Сиздан миннатдормиз. Етимликнинг энг оғир дамларида, уй-жойсиз қолганимизда ёрдам қўлини чўздингиз. Сиз туфайли яхши инсон бўлиб камолга едик. Мана, бугунги кунга келиб учинчи китобчам нашр этилиш арафасида. Ҳозир шунчалик хурсандманки, буларнинг ҳаммасига Сизнинг меҳрибонлигингиз туфайли эришдим, десам, адашмайман. Ўзингиз таъкидлаганингиздек, кўп нарса ниятга боғлиқ.

Ислом бобо, болаларимни юртимизга фойдаси тегадиган инсонлар қилиб тарбияламоқчиман. Худ-

ди дадасидек Ватан ҳимоячиси бўлсин, Сиздек оқил инсон бўлсин. Қани энди, Сизнинг қўлингизни тутиб, юрагимдаги барча туйғуларимни изҳор этсам, қалбимдаги гавҳардек ёниб турган сўзларимни гапириб берсам.

Ниятим шу, умрингиз узун, мартабангиз улуф ва зиёда бўлсин.

Ҳурмат билан:

**Нилуфар Бекмуродова,
Тошкент шаҳри,
Шайхонтоҳур тумани,
Янги Белтепа мавзеси,
20-уй, 61-хонадон**

2011 йил 4 май

Муҳтарам Ислом Абдуганиевич!

Сизга фуқаронгиз сифатида иккинчи бор мактуб ёзмоқдаман. Бунинг сабаби – биринчи мактубим «Президентга мактублар» китобида чоп этилгани мени ғоятда тўлқинлантириб юборди. Қувончдан бошим осмонга етди.

Мен оддий фуқаро сифатида мамлакатимиз бўйлаб сафардан олган таассуротларимни Сизга юрагим тўлиб ёзиб юборган эдим. Ана шу таассуротлар иккинчи бор хат ёзиш, халқимизга қилаётган яхшиликларингизни яна бир карра эътироф этиб, самимий миннатдорлик билдиришга чорлади. Буни ўз бурчим, деб билдим.

Бу аснода, аввало, Сизнинг халқимиз маънавиятини юксалтириш йўлидаги астойдил ҳаракатларингизни таъкидлашни ният этган бўлсам, иккинчидан, Юртбоши сифатида юртимиз, халқимиз келажаги йўлида куйиб-пишиб қилаётган меҳнатларингизни мамнуният билан эслашдир. Сиз ҳеч кимдан кам бўлмаган миллат эканимизни тез-тез эслатиш, қадриятларимизни улуғлаш натижасида нафақат катталарни, балки болаларимизни ҳам комилликка етакламоқдасиз. Айтайлик, биргина менинг хатимни инобатга олишингиз мени юрт фаровонлигини таъминлаш, юртдошларимизнинг

Бугунги қутлуғ ўзгаришларни ҳис қилишлари орқали маънавиятини бойитиш йўлида кўп ишлар қилишга ундади. Аввало, қўл урган ишларимни янада ривожлантиришга катта туртки бўлди. Масалан, «Обод маҳалла йили»да қабул қилинган давлат дастурига мувофиқ равишда чиқиндихонага айланиб кетган ташландиқ жойни обод қилиб, у ерда маҳалла гузари қурган эдик. Бу йил ушбу гузарни ҳақиқий маънавият марказига айлантирдик. Бу ерда Сизнинг асарларингиздан иборат алоҳида китоб жавони ташкил қилдикки, бу ишимизнинг таг-заминида гузарга келган каттаю кичик — барча ана шу китобларни ўқиса, ўзига тегишли хулоса чиқариб олса, яхшиликка, янгиликка интилса, деган мақсад бор.

Бундан ташқари, марказимизда маҳалламизнинг намунали оилалари, спортчи ёшларимиз эришган муваффақиятлар ҳақида ҳикоя қиладиган алоҳида кўرғазмалар мавжуд. Маҳалламиздан Иккинчи жаҳон урушида иштирок этган ва қишлоғимизда яшаб ўтган яхши инсонлар тўғрисида махсус фотоқўрғазма ташкил қилганмиз, у ерга ташриф буюрган кишилар Бўртепада қандай одамлар яшаб ўтгани, бугунги ёшлар нималарга қодир экани ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлади. Бу эса юртимиз маънавияти юксалишига хизмат қилади, албатта. Ишимиз билан танишган Республика Маънавият тарғибот маркази Фарғона вилояти бўлими раҳбарлари ва кўпчилик яхши баҳо бердилар.

Мен вилоятимиздаги кўплаб коллеж ва мактаблардаги учрашувларда қатнашаман. Жумладан, туманимиздаги ихтисослашган лицейда ўқувчилар билан учрашувда болаларимизнинг диққатини бир нарсага қаратдим. Лицейга кириб борар эканман, кенг, ёруғ ва жуда ҳам шинам хоналар, ўқув лабораториялари, компьютер хоналари, тўғриси, мени ҳайратга солди. Спорт залидаги жиҳозларни кўриб, кўз қувонади. Яна бир бор тўлқинланиб, хурсанд бўлиб Сиздек Юртбошимизга қайта-қайта раҳматлар айтдим.

Шунинг учун учрашувнинг бошида – саломаликдан кейиноқ болаларга ўзимиз ўқиган шароит ҳақида, хусусан, синфхоналарнинг қоронғилиги, иситиш учун ёқилган печнинг тутуни кўзни ачиштиргани, стадион, спорт зали бўлмагани тўғрисида гапириб, ўқувчиларга: «Қани, айтинг-чи, болалар, бизнинг давр билан сизларга яратилган шароит орасида қанча фарқ бор? Буни сизларга ким қилиб берди?» деган саволни бердим. Болалар, албатта, Сизнинг номингизни баралла тилга олдилар. Бундан гоят хурсанд бўлдим.

Мен мустақилликнинг биринчи кунларидан бери Сизнинг серқирра фаолиятингизни кузатиб, ундан ўзимга қувват олиб келаман. Ўн саккиз йилки, Бўртепа маҳалласи оқсоқолиман. Шу давр ичида маҳалламиз намунали маҳаллалар қаторида бўлиб келмоқда. Бу – маҳалладошларимиз билан биргалликда Сизнинг халқ олдига қўяётган талабларин-

гиз, айтганларингизга мос ҳаракат қилишимиз натижаси, деб ўйлайман.

Оиламиздагилар ҳам шунга интилади. Оиламиз катта — йигирма тўрт жонмиз. Олти ўғил, икки қиз, тўрт келин ва ўн икки набирамнинг ҳаммаси аҳил-иноқ яшашга ҳаракат қилишади. Ўғилларимнинг бири ҳарбий хизматчи, яна бири ҳуқуқ-тартибот идораси ходими, икки нафари спорт соҳасида — Ўзбекистон чемпиони. Яхшиларни тан олиш, интилганни қўллаб-қувватлаш — Сизнинг талабингиз.

Юртимизда қишлоқ спортини, айниқса, қизлар спортини ривожлантириш ҳақидаги талабларингизни қўллаб-қувватлайман.

Хуллас, қай соҳага қараманг, Сизнинг ғамхўрлигингиз, ташаббусларингиз ифодасини кўраимиз.

Сизга ва оила аъзоларингизга Оллоҳдан узоқ умр, тансиҳатлик тилайман.

Чуқур ҳурмат ва эҳтиром ила:

**Муҳаммадали Боймирзаев,
Фарғона вилояти, Олтиариқ тумани,
Бўртепа маҳалла оқсоқоли**

2010 йил 20 апрель

Бу хатни ёзишимдан мақсад шуки, икки укам ҳарбий хизматдан сўнг, Президентимиз томонидан яратилган имтиёздан фойдаланиб, ўқишга кирди.

Биринчи укам – Салимов Баҳром Салим ўғли 1990 йилда туғилган. У 2008 йили умумий ўрта таълим мактабининг 11-синфини биташиб, 2009 йил февраль ойида муддатли ҳарбий хизматга чақирилди. Хизматни аъло даражада ўтаб, тест синовларидан муваффақиятли ўтиб, олий ўқув юртига ўқишга кириш учун 25 фоизли Президент имтиёзини қўлга киритди. 2011 йил Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Тошкент Олий ҳарбий техника билим юртига ўқишга қабул қилинди. Ҳозирги кунда ушбу даргоҳнинг 2-босқич курсанти.

Иккинчи укам – Салимов Ислонжон Салим ўғли 1992 йилда туғилган. 2010 йили умумий таълим мактабини намунали хулқ билан биташиб, 2011 йилда муддатли ҳарбий хизматга чақирилди. Мудофаа вазирлигининг десантчилар қисмида хизмат қилиб, хизмат давомида «Жанговар тайёргарлик аълочиси» ҳамда «Парашютчи» кўкрак нишони билан тақдирланди. У 2012 йили Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясига тест синовларини топшириб, Президент имтиёзи

ёрдамида етарли балл тўплаб, ўқишга кирди. Ҳозир-
ги кунда 1-босқич тингловчиси.

Укаларим ўқишни битириб, албатта Ватанимиз-
га, халқимизга нафи тегадиган, йигитлик қасамё-
дига содиқ ҳолда ҳалол меҳнат қилиб яшайдиган
инсонлар бўлишига ишонамиз.

Муҳтарам Юртбошимиз Ислом Абдуғаниевич,
ёшларга яратаётган бундай имкониятлар учун Сизга
қанча ташаккур айтсак, шунча оз. Халқимиз осо-
йишталиги йўлида қилаётган саъй-ҳаракатлардан
чарчаманг.

Биз оиламиз, қариндош-уруғларимиз, маҳалла-
миз, қолаверса, бутун Ўзбекистон халқи номидан
Сизга соғлиқ-саломатлик, узоқ умр кўришингиз-
ни, бардам-бақувват бўлиб юришингизни чин
кўнгилдан Оллоҳдан сўраб қоламиз.

**Тошкент вилояти, Юқоричирчиқ
тумани, Султонравот даҳаси,
Чумчуқжар кўчаси, 59-уйда
истиқомат қилувчи фуқаро
Гултаева Саида ҳамда
ота-онам Гултаев Салим ва
Абдуллаева Раҳима номидан**

Ҳурматли ва азиз Ислом Абдуганиевич!

Аввало, соғлиқларингиз яхшими? Сизнинг саломатлигингиз доимо яхши бўлишини, умру ризқингиз зиёда бўлишини Оллоҳдан сўраб ўтирган қизларингиз қатори қизингиз Зилолахон.

Менинг Сизга хат ёзишимдан мақсад — Сизни 2012 йил — «Мустақкам оила йили» билан чин қалбимдан табриклайман. Сизга узоқ умр, соғлиқ-саломатлик, оилангиз билан тинч-тотув яшашингизни Оллоҳдан тилайман.

Сизнинг қатъиятингиз, тинимсиз меҳнатингиз туфайли халқимиз тинч-тотув, баҳамжиҳат яшамоқда. Бунинг учун Оллоҳга беадад шукроналар айтаман.

Сизни кўролмай кетган раҳматли отажоним, меҳрибоним номидан ҳам табриклайман. Отажоним Сизнинг суратингизга термилиб, бу дунёдан ўтиб кетдилар. Сиз ҳақингизда менга нималарни сўзлаб берганини эшитсангиз, бу дунёда армоним қолмас эди. Афсуски, хат орқали ҳаммасини ёзиб улгуролмайман.

Отажоним билан туғилган йилингиз, ой ва ҳатто кунингиз ҳам бир хил экан. Отажоним, меҳрибонимнинг қон босими ошиб, инсульт бўлиб, учинчи босқичда шол бўлиб, тилдан ҳам қолиб, 7 ой ётиб қолдилар. Шундай азобли кунларни кўриб,

юрак-бағрим эзилди. Шунинг учун ҳам Сизга хат ёзишга қарор қилдим.

Президент бўлиб биринчи сайланган кунингиздаёқ отажоним Сиз ҳақингизда ажойиб сўзларни менга гапириб берганди. Афсус, мен ёшлигимга бориб, безътибор бўлган эканман. Энди ўйлаб қарасам, ҳаммаси тўғри экан.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, менинг Сизга ёзаётган бу хатим иккинчиси. Биринчи ёзган хатимни жавобсиз қолдирмаганингиз учун жуда ҳам кўп раҳматлар айтаман.

Менинг соғлиғим ҳозир жуда ҳам яхши. Бошимнинг оғриғи анча йўқолди. Андижонимиз шифокорларига ҳам раҳматлар айтиб, ташаккур хатимни ёзиб қолдириб келдим.

Мени оиламга, уч нафар фарзандим ёнига қайтарганингиз учун раҳматли отам дуолар қилиб, суратингизга термилиб, вафот этдилар. Шунинг учун ҳам Сизга ўз миннатдорлигимни хат орқали ёзишга қарор қилдим. Худо хоҳласа, хатим кўлингизга етиб борса, меҳрибон қалбингиз янада меҳрга тўла бўлишини Худодан сўраб қоламан, деб ташаккур билдириб, қизингиз:

**Зилолаҳон,
Андижон вилояти, Улуғнор
тумани, Мингбулоқ қишлоғи**

2011 йил 27 декабрь

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Сиз, азиз Юртбошимизни Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма йиллиги билан ўзим ва оилам номидан чин қалбимдан табриклайман.

Сизнинг берган маслаҳатингиз ва амалий ёрдамингиз билан Андижон шаҳри таниб бўлмас даражада ўзгарганини бугун бутун дунё кўриб турибди.

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Мен ҳам бир дўппидўз сифатида ўз оилам билан «Ўзбекистон» кўчасини айланиб, томоша қилиб, ана шу бунёдкорликдан фахрланиб, Сизга ва шу беқиёс қурилиш ва ободончиликда иштирок этган барча кишиларга офаринлар айтдим. Шу билан бирга, ана шу ишлардан тўлқинланиб, Сизнинг яна ҳам буюк ишларнинг бошида бошингиз омон бўлиб юришингизни Оллоҳдан сўрадим.

Илоҳим, олтин бошингиз омон бўлсин, арзимас совға — азиз бошингизга кийиб юринг, деб ўзим тиккан дўппини Сизга туҳфа этдим.

**Азизахон Жўрабоева,
Андижон тумани,
Терактаги маҳалласи**

**Ассалому алайкум, мухтарам Юртбошимиз
Ислом Абдуганиевич!**

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 20 йиллик улуғ айёми саналган 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни байрами муносабати билан, биз, Наманган вилояти, Чуст шаҳри, Сабзозор маҳалласи, Янгиер кўчаси, 5-уйда истиқомат қилувчи Ҳожиматовлар оиласи Сизни, барча Ўзбекистон халқини, унинг жасур ва мард ўғлонларини табриклаймиз.

Сизнинг ишларингизга улкан зафарлар тилаймиз, Оллоҳдан ҳамиша биз фарзандларингиз бахтига юз ёшга кириб, тетик ва бардам бўлиб, Ўзбекистонимиз тинчлиги ва фаровонлигини, бунданда гуллаб-яшнашини таъминлаб, доимо соғлом юришингизни тилаб қоламиз.

Мен бир сирни айтсам, Ўзбекистонимиз мустақиллиги шарофати билан 2000 йили катта ўғлим Тошкент Олий умумқўшин командирлари билим юртини аъло баҳолар билан тамомлаб, ҳозирги кунда майор унвонида она Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қиляпти. Иккинчи ўғлим эса 2002 йили ана шу ҳарбий билим юртини тамомлаб, катта лейтенант сифатида ҳарбий хизматини давом эттирмоқда. Учинчи ўғлим мустақиллик йиллари-

да дунёга келиб, вояга етди. Ҳозирги кунда Термиз шаҳрида Куролли Кучлар сафида ўз йигитлик бурчини адо этмоқда. Бир нафар қизимнинг фарзанди — неварам Тошкент ҳарбий лицейининг 5-синфида ўқимоқда.

Муҳтарам Ислоҳ Абдуғаниевич!

Мен Ўзбекистонимдан, Ватанимдан, фарзандларимдан фахрланаман. Чунки ҳаммаси ботир ва мард йигитлар. Ўз меҳнати, аъло ўқиши, намунали одоб-ахлоқи билан Ўзбекистонимизга хизмат қилмоқда ва бундан кейин ҳам бор куч ва имконияти билан хизмат қилади, деб Сизни ишонтираман ва ўзим ҳам бунга қаттиқ ишонаман.

Шуни айтишим керакки, фарзандларимнинг отаси Чернобыль АЭСда содир бўлган машъум фалокатни бартараф этишда қатнашган, иккинчи гуруҳ ногирони. Мен оилам ва фарзандларимдан жуда ҳам миннатдорман.

Мактубим сўнггида шуни таъкидлайманки, майор, катта лейтенант, оддий аскар, ҳарбий лицей ўқувчисининг онаси ва бувиси сифатида доим фахрланиб юраман.

**Нодирабегим Иноятова,
Наманган вилояти, Чуст шаҳри,
Сабзор маҳалласи,
Янгиер кўчаси, 5-уй**

2012 йил 10 январь

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Абдуғаниевич Каримовга**

ТАШАККУРНОМА

Мен хурсандчилигимни ичимга сиғдиролмасдан, Сизга ушбу ташаккурномани ёзмоқдаман. Ватанимиздаги тинчлик, тотувлик, аҳиллик, бирдамлик учун, унинг эртанги порлоқ келажagini халқимизга очиқ-ойдин кўрсатиб берганингиз учун Сизга ташаккур.

Кунларнинг бирида қўлимга бир китоб тушиб қолди. Унда ёзилишича, инсонларга Оллоҳ таоло томонидан қилган яхши-ёмон амалларига қараб подшоҳ ато этиларкан. Яратганга шукроналар айтиб, бу ҳикматли сўзларнинг маъноси нечоғлиқ теран экани ҳақида ўйладим. Оллоҳдан Юртбошимизнинг умрини узоқ қилишини, соғлиқ-саломатлик беришини, халқ учун тинмай меҳнат қилиб, жон куйдириб қилаётган ишларига мададкор бўлишини сўрадим.

Элнинг хурсанд, эртанги кунига ишонч билан қараган инсонларини кўрсам, кўнглим кўтариларди. «Бу — менинг Ватаним, бу — менинг элим!» дея ҳайқиргим келади.

Мен нима учун Сизни ота дейишимнинг сабабини айтайми?

1999 йили ота-онам оғир аҳволда, ўлим тўшагида ётишарди. Беш нафар фарзанди атрофида кўзларидан мўлт-мўлт ёш оқизиб ўтиришарди. Онамнинг гапига қулоқ солдик: «Фарзандларим, сизларни Оллоҳга, шу эл-юртга, бағрикенг халққа топширдик, илоё, бахтларинг тўкис, топганларинг тилло бўлсин». Онам катта акамга: «Ука-сингилларингни хафа қилма, эл-юртингга хиёнат қилма, шунда сизларни ҳеч ким лаънатламайди, етимликни юзларингга солмайди, укаларингни ўқситма», деди. Ўшанда менинг сал ақлим кирган эканми, йиғлаб ташқарига чиқиб кетдим. Бориб телевизорни қўйдим-да, Сизнинг гапларингизни эшитдим. Бу сўзлар ҳали-ҳануз қулоқларим остидан кетмайди: «Бутун Ўзбекистон болалари – менинг фарзандларим, мен уларни ҳеч кимга хафа қилдириб қўймайман, уларни бағримга босаман». Сиз яратган шароит сабабли ака-ука, опаларим ҳозирги кунда кўпчилик ҳавас қилгудек даражаларга етдик. Менинг бу гапларим чин дилдан, Отажон, Сизга Ватанимизда ҳукм сураётган тинчлик-тотувлик учун, меҳрибонлигингиз, кўришмаган бўлсак-да, оталарча меҳрингиз учун каттадан-катта раҳмат.

Мен бир сирни билдим: бахт – неъмат экан, шу Ватанда яшаётганлар шу ерда туғилганлари учун

бахтли экан. Отажон, илоё, дунё тургунча туринг. Ота-онам вафот этишган бўлса ҳам, бу элда мен етимлик нималигини сезмадим, буни ҳам Сизнинг фазилатингиздан деб биламан.

Сиз «Ватан менга нима берди, деб эмас, мен Ватанга нима бердим, деб яшаш керак», деган эдингиз. Биз ака-укалар аҳил-иноқ бўлиб ўсдик, аҳилликда, бирдамликда ҳикмат кўплигини тушуниб етдик. Бирсўзлик, ғамхўрликни Сиздан ўргандик, ҳар бир гапингизни ўзимизга шиор қилиб олганимиз бизни юксак чўққиларга олиб чиқди. Тўғри, ота-онамининг вафоти бизни карахт қилиб қўйди, аммо биз тушкунликка тушмасдан, фақат олға интилдик, ҳаракат қилдик.

Аввалги хатимда товуқ фермасини сотиб олганимизни ёзган эдим, ҳозир бу ерда уч кишини иш билан таъминладик, қурилиш ишларини бошлаб юбордик. Ишдан чарчаб келсам, фарзандларим Фотима ва Зуҳра олдимга югуриб чиқади, шунда бутун чарчоғим чиқиб кетади. Биздек ота-онасидан эрта етим қолган 5 нафар болага хаёлида ҳам йўқ шароит яратиб, уларни эл корига ярайдиган инсон қилганингиз учун бу сўзларни кўзимда ёш билан, чин қалбимдан ёзмоқдаман.

Ҳаётда қийинчиликка дуч келганларга қарата айтаман: «Ҳар ишнинг бир ҳикмати бор. Қатъийлик, меҳрибонлик, жасурлик, ғамхўр бўлишни, эртанги кун, Ўзбекистоннинг порлоқ келажаги учун

яшашни биздан ўрганинг, биз буларнинг ҳаммасини Юртбошимиздан ўргандик. Ҳаракат қилган инсон бу элда хор бўлмайди».

Оллоҳдан Сизга, оилангизга тинчлик-тотувлик, соғлиқ, омонлик тилаб қолувчи фарзандингиз:

**Ғанижон Исоқов,
Андижон вилояти,
Марҳамат тумани**

2010 йил 21 июль

Ассалому алайкум, мухтарам Президентимиз Ислом Абдуганиевич!

Сизни Наврӯз айёми билан табриклайман. Сизга ва оила аъзоларингизга сиҳат-саломатлик, бахт тилайман.

Мен – Шукурова Нилуфар Бухоро давлат университетига қарашли ахборот ресурс марказида етакчи кутубхоначи бўлиб ишлайман. Зиёли оилада туғилганман. Хўжайиним – Шукуров Умид Бухоро нефтни қайта ишлаш заводида ҳуқуқ бўлимининг бошлиғи лавозимида ишлаб келади. Икки нафар фарзандимиз бор. Худога беҳад шукурки, оиламиз тинч, ўзидан тўқ. Мен жуда бахтли аёлман.

Сизга хат ёзишимдан мақсад – яқинда Бухоро нефтни қайта ишлаш заводида янги асарингиз муҳокама қилиниб, дискда ёзилган «Мустақиллик арафасида ёхуд шўроларнинг сўнгги талвасаси» ҳужжатли фильмини томоша қилиб келган хўжайинининг ҳайратини кўриб, қизиқиб қолдим. У киши «Нилуфар, бу фильмни оилавий кўришимиз керак. Болаларимиз қандай ҳаётда яшаб турганимизни билсин», дедилар. Дискни оилавий томоша қилдик. Фильмдаги воқеаларни кўриб, рости, йиғлаб юбордим.

Мен Сизни доимо ҳурмат қилиб келганман. Лекин фильмни кўриб бўлиб, биринчи айтган гапим шу бўлди: «Умид, биз етим эмасмиз, дадамиз оламдан ўтган бўлса ҳам, бизнинг отамиз борлигини энди билдим».

Бизнинг бахтли, фаровон ҳаётимиз учун Сизга раҳмат дегим келди. Биз тинч ҳаётда яшаб, маза қилиб, кечалари хотиржамгина ухлаб турганимиз учун Сизга беҳад раҳмат. Сиз менинг отам тенги одамсиз, Сизни эртаю кеч дуо қиламан. Сиз билан бирга ишлаб, бизнинг тинчлигимиз учун курашиб келаётган барча азиз инсонларга бош эгиб, таъзим қиламан. Бизнинг бахтимизга доим соғ-омон бўлинг! Биз Сизни жудаям яхши кўрамиз.

Сизга яна бир нарса учун раҳмат айтмоқчиман. Менинг дадам, полковник Раҳимов Шамси Абдуллаевич Бухоро вилоят Ички ишлар бошқармасида масъул лавозимда ишлаганлар. Лекин 1983 йили Гдлян ва Иванов каби кимсалар томонидан қилинган ноҳақ айбовлар туфайли дадам 14 йилга озодликдан маҳрум қилинган эди. Мустақилликка эришганимиздан сўнг дадам озодликка чиқдилар. Дастлаб амнистияга тушдилар, кейинчалик ноҳақлик қурбони бўлганлари исботланиб, тўла оқландилар. Мусодара қилинган нарсаларимиз қайтарилди (пул тариқасида). Дадамга етти йиллик иш ҳақи тўлалигича қайтарилди. Лекин соғлиғини Россия турмасида йўқотиб келган экан. 2003 йили дадамдан айрилиб қолдик. Ҳозирги кунда онам дадам-

нинг пенсиясини олиб келмоқда. Бу — 420 минг сўм бўляпти. Мана шуларнинг ҳаммаси Ўзбекистонимизнинг мустақиллиги шарофатидан, деб биламан. Бунинг учун оила аъзоларим номидан, онам номидан Сизга катта раҳмат дейман.

Доимо бошимизда омон бўлиб, соғу саломат давлатимизни бошқариб юринг!

Сизга чексиз ҳурмат билан фарзандларингиз:

**Нилуфар, Умид, Парвиз, Фарзона,
Бухоро шаҳри,
Файзобод кўчаси, 133-уй**

2012 йил 12 апрель



Тошкент шаҳри. Маърифат маркази




Бутун Ўзбекистон болалари – менинг болаларим!

*Ўзбекистон
болаларига*



Янги уй муборак бўлсин, сизга, оилангизга буюрсин!

*Шайхона
маданияти*




Аждодлар хотираси азиз ва муқаддас.

*Президентга
мақтублар*



Ўз донимиз, ўз беминнат нонимиз бўлганига не етсин!



Самимий суҳбат



Хирмонга барака, фермер ука!



Бундай замонавий корхонанинг келажаги – сиз каби юксак билимли
ва малакали ёшлар қўлида.

**Ассалому алайкум, Президент
Жаноби Олийлари!**

Сизга бу хатни Сурхондарё вилоятининг Узун туманидан ёзмоқдаман. Қимматли вақтингизни олаётганим учун олдиндан узр сўрайман. Сизга ва оила аъзоларингизга Худодан узоқ умр, соғлиқ-саломатлик, ишларингизга ривож тилайман.

Сизнинг раҳнамолигингизда тинч-осуда ҳаёт кечираётганимиз, фарзандларимиз учун яратилаётган кенг имконият ва ғамхўрликлар учун самимий миннатдорлик билдирамиз.

Ушбу хатни бир воқеа асосида ёзаяпман. 2001 йилда оиламизда қиз фарзанд туғилди. Орзу-ҳавас билан, исми жисмига монанд бўлсин деб, Гулнорахон қўйдик (расмларини юбораяпман). Туғуруқхонадан соғ-саломат чиққан фарзандим кейинчалик қандайдир, тушунарсиз касалликка чалиниб, бетоб бўлиб қолди. Гулнорахон қизимни даволатиш учун қилган ҳаракатларим самарасиз яқунлангач, 2002 йилнинг январь ойида Сиздан ёрдам сўраб мурожаат қилган эдим. Ёзган хатим инобатга олингач, вазият ижобий томонга ўзгарди. Қизимнинг Тошкент шаҳрида икки мартаба операция қилиниб, шифо топишига имкон яратилди.

Ҳозир Гулнораҳон қизим 10 ёшда, мактабдаги синфдошлари орасида энг фаол ўқувчилардан бири. Унинг ҳар бир ҳаракатида Сизнинг кўрсатган ёрдамнингизни ҳис қилиб турамиз.

Бибигул онам ҳозир 62 ёшдалар, оилангиз учун ўз қўллари билан сурхондарёча усулда совғалар тайёрлади. Ушбу совғаларни оз бўлса-да, кўп ўрнида кўриб, қабул қилсангиз, деган илтимосим бор.

Ҳар куни Гулнораҳон қизимнинг юзида табасумни кўриб, кўнглим хотиржам бўлади. Сизга миннатдорлик сифатида минг-минг мартаба таъзим қилиб, хатимни тугатар эканман, чин кўнгилдан самимий бир ҳолатда ҳамиша навқиронлик, соғлиқ-саломатлик, узоқ умр тилаб қоламан.

Сизга ҳурмат билан:

**Мурод Лолахонов,
Сурхондарё вилояти,
Узун тумани**

2011 йил 13 май

**Ассалому алайкум, азиз Юртбошимиз
Ислом Абдуганиевич!**

Мен Сизни 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни билан чин кўнгилдан муборакбод этаман. Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, келгуси ишларингизда улкан зафарлар тилайман.

Мен бундан икки йил олдин саратон касали билан оғриб, операция бўлган эдим. Ўшанда Сизни тушимда кўрдим. Тушимда ҳаммаёқни супуриб, тозалашни буюряпсиз, шу пайт уйғониб кетдим. Буни қарангки, тушим ўнгидан келиб, дарддан фориг бўлдим.

Мен – кўнгли ярим одамман, ота-онам вафот этиб кетишган. Сиз менга отам ўрнида ғамхўрлик қилдингиз, тушимда ҳам, ўнгимда ҳам катта ёрдам кўрсатганингиз учун минг бор ташаккур айтаман. Бемор бўлганимда Сизнинг фармонингиз асосида ёрдам пули олдим. Бунинг учун Сизга ўз миннатдорлигимни билдираман.

Доимо соғ-саломат юринг, юзингиздан ҳеч қачон табассум аримасин!

**Махсуда Мамадалиева,
Фаргона вилояти, Тошлоқ тумани,
«Кўрғонча» маҳалласи
фуқаролар йиғини**

Хурматли Ислом Абдуганиевич!

Биз – Қўқон шаҳар, Туркистон кўчаси, кўп қаватли 28-«А» уйда яшайдиган бир гуруҳ фуқаролар Сизга ўз миннатдорлигимизни билдирамыз. Сиз Қўқон шаҳрига ташриф буюриб, мутасадди раҳбарларга керакли топшириқлар берганингиздан кейин бизнинг шаҳарда жуда катта ишлар амалга оширилмоқда.

Кўча ва йўлларимиз равон, маҳалла гузарлари обод бўлди, қанча-қанча иншоотлар, маданий-маиший объектлар барпо этилмоқда, янги корхона, завод ва фабрикалар ишга тушириляпти. Айниқса, шаҳримиз марказида янгитдан бунёд этилаётган катта боғ дилни яйратади. Муҳими, Қўқон халқи учун жуда кўп қулайликлар яратилмоқда. Буларнинг барчаси, албатта, Сизнинг тавсияларингиз, топшириқ ва кўрсатмаларингиз асосида амалга оширилаётганини биз яхши биламыз. Бунинг учун Сизга миннатдорлик билдириб, шаҳримиз аҳолиси номидан мингдан-минг раҳматлар айтамыз.

Хурматли Ислом Абдуганиевич!

Бизнинг уй-жойларимиз ҳам шаҳар йўллари кенгайиши, янги-янги бинолар, маданий-маиший объектлар қурилиши туфайли бузилишга тушган эди. Ле-

кин биз бундан ҳеч афсусланмаймиз. Чунки шаҳримиз янада чирой очиши учун ана шундай беқийёс бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Мана, Сизнинг топшириғингизга биноан бизлар уй-жой билан таъминландик. Ҳамма шароитлар етарли, камчиликлар йўқ. Илгари эски маҳаллада яшаганимизда гоҳ газ пасайиб кетар, гоҳо чироқ ўчиб қолар эди, йўлларимиз ҳам тор, қишда лой, ёзда эса чанг-тўзон эди.

Сизга яна бир бор кўп қаватли уйимиз аҳли номилан миннатдорлик билдирамыз. Яратганнинг ўзи Сизни паноҳида асрасин. Узоқ йиллар юртимизга бош бўлинг, чунки мамлакатимизда тинчлик-осойишталикни таъминлаб, Ватанимизнинг кундан-кунга обод бўлиб боришида Сизнинг ҳиссангиз беқийёс.

Яна бир бор Сизни дуо қиламыз. Юртимиз, халқимиз бахтига соғ бўлинг! Шаҳару қишлоқларимиз обод бўлиб, чирой очаверсин!

Ана шу улуғвор ва савобли ишларда ўзингиз доимо бош бўлинг!

Камоли эҳтиром билан:

**Онахон ая Мамажонова (85 ёшда),
Пўлатжон Эргашев, Одинахон
Юсупова, Гулсара Кавунчиева,
Мунаввар Шералиева,
Муҳаррамхон Билолова**

2011 йил 18 январь

ТАБРИК ХАТИ

Хурматли Ислом Абдуганиевич!

Сизни таваллуд топган кунингиз билан кўп минг сонли кексалар, деҳқонлар, бутун ҳазораспликлар номидан муборакбод этаман.

Хоразм деҳқонининг қон томири бўлган Тош-соқа каналини, ирригация, мелиорация тармоқларини қайта таъмирлаш, замонавий уй-жойлар, йўллар, кўприклар қуриш, шаҳарлар, қишлоқларни обод қилиш, туманимизда «Дамас» автомашинасини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, умуман, Хоразмни гўзал масканга айлантиришдек буюк бунёдкорлик ишларида Сиз, Ислом ака бош-қош бўлиб, оталарча ғамхўрлик қилаётганингизни биз юракдан ҳис қилиб яшамоқдамиз.

Давлатимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, уни ривожланган мамлакатлар даражасига кўтариш борасидаги саъй-ҳаракатингиз, тинч-осуда, фаровон яшаб, меҳнат қилаётганимиз Сизнинг тинимсиз курашингиз, фидокорона меҳнатингиз натижасидир.

Сизга Оллоҳдан меҳнатингизнинг роҳатини кўриб яшашингизни, узоқ йиллар сиҳат-саломат юришингизни тилаб, ҳурмат билан:

Аҳмаджон Юсупов,
меҳнат фахрийси,
Хоразм вилояти,
Ҳазорасп тумани
2013 йил 14 январь

**Муҳтарам Президентимиз Ислом Абдуғаниевич,
ташаққуримизни қабул қилгайсиз.**

Халқимиз фаровонлиги, юртимиз ободлиги, тинчлиги, равнақи ва гуллаб-яшнаши учун қилаётган ишларингиз, саъй-ҳаракатларингизни бугунги кунда биз оддий фуқаролар ҳам сезиб, билиб, Сизга ўз қалб истакларимизни билдирмоқчимиз.

Сизнинг 2009 йил 3 августдаги «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 1167-сонли қарорингиз билан қишлоқ жойларда янада кўркам, янада гўзал ва файзли уйлар, қишлоқларимизда қад кўтараётган замонавий биноларни кўриб кишининг баҳридили очилади.

Мен ҳам ҳавас қилиб, ана шундай уйлардан бирини Чуст туманидаги Қуйи Карнон маҳалласидан олган эдим. Ҳозирги кунда барча қулайликларга эга бўлган бундай уйларнинг қишлоқ жойларда қурилиши айти муддао бўлмоқда. Уларда яшаш учун зарур бўлган барча қулайликлар мавжуд, жумладан, ювиниш хонаси, ошхона, дам олиш хоналари, битта бинода мужассам бўлиб, биз фуқароларга бекаму кўст, узоқ йиллар хизмат қилиши шубҳасиз. Муҳими, бинолар бир-бирига мута-

носиб, йўл бўйлари гулзор бўлган бу масканлар илгари етти ухлаб тушимизга ҳам кирмаган. Албатта, оддий қишлоқ фуқароси учун бундай қулайликларнинг яратилишида Сиздек жонкуяр давлат раҳбарининг хизматлари беқиёс.

Муҳтарам Президент, Сиздан бир умр миннатдоримиз. Сизнинг одил ва ғамхўр сиёсатингиз тўғрисида ҳозир туманимизда қўли гул усталар томонидан яна кўплаб бундай намунавий уй-жойлар қурилмоқда. Уй-жойларга бўлган талаб ҳам кундан-кунга ортиб бормоқда.

Сизга доимий соғлиқ, мустақил давлатимиз равнақи йўлида олиб бораётган ишларингизда улкан муваффақиятлар, халқимиз бахтига доимо соғ-омон юришингизни тилайман.

Сизга самимий ҳурмат ва эҳтиром билан:

**Фарҳоджон Раимжонов,
Наманган вилояти, Чуст тумани,
Лабисой кўчаси, 72-уй**

2011 йил 22 сентябрь

**Ассалому алайкум, мухтарам Президентимиз
Ислом Абдуғаниевич Каримов!**

Мен икки фарзанднинг бахтиёр онасиман. Баркамол авлодга таълим-тарбия бериб келаётган муаллимаман. Сизнинг раҳнамолигингизда мамлакатимиз озод ва обод давлат бўлди.

Мен муаллима сифатида шуни айтаманки, Сиз ёшларимизга катта имкониятлар яратдингиз ва қанот бўлдингиз. Мамлакатимиз ёшларига кўрсатаётган ғамхўрлигингиз чексиз. Бундан руҳланиб, мен ҳам бор билим ва шижоатимни баркамол авлодни тарбиялаш ва камолга етказиш учун сарфлайман.

Хатимнинг аввалида мен бахтли онаман, деб айтган сўзлар замирида катта маъно бор. Миллий истиқлолимиз шарофати билан чиқараётган фармонларингиз, ёшларга яратаётган барча имкониятларингиз бизнинг оилага ҳам қувонч келтирди.

Катта ўғлим — Раҳматов Равшан Тоштемирович Самарқанд вилояти Ички ишлар бўлими ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмасида 10 йилдан буён ишлаб келмоқда. Ўғлим халқ хизматида бўлишни юксак шараф деб ҳисоблайди. Ватанига, Президентига жону дилдан хизмат қилишни муқаддас бурч деб билади.

Кичик ўғлим – Раҳматов Ҳасан Тоштемирович 2006–2007 йилларда муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, Сиз ҳарбий хизматчиларга яратган имконият билан 2008 йили Самарқанд давлат архитектура институтига ўқишга қабул қилинди. У 2012 йили шу даргоҳни битириб, шаҳар қурилиши ва хўжаликларини бошқариш мутахассислиги бўйича бакалавр дипломини олди.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, мамлакатимиз ёшларига кўрсатаётган ғамхўрлигингизни мен ҳам чин юракдан ҳис қилиб, Сизга миннатдорлик билдираман. Азиз бошингиз ҳамиша омон бўлсин.

Сизни ва барча ватандошларимни кириб келаётган 2013 йил билан чин қалбимдан табриклайман. Диёримиз осмони ҳамиша мусаффо бўлиб, она юртимиз доимо гуллаб-яшнасин. Элимиз дастурхонида тўкинлик бўлсин, эзгу ишларингизда ҳамиша омад ёр бўлсин. Ватанимиз обод, мустақиллигимиз абадий бўлсин.

**Ширин Раҳматова,
Самарқанд шаҳридаги
11-умумтаълим мактаби
ўқитувчиси**

2012 йил 17 декабрь

**Ассалому алайкум, ҳурматли Президентимиз
Ислом Абдуганиевич!**

Ушбу мактубни йўллашимдан мақсад, Сизга мингдан-миг раҳмат айтиш. Сизни доимо мана шундай тетик, мағрур ва соғ-саломат кўриб юриш биз – фарзандларингизга, халқингизга насиб эта-версин.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг қанчадан-қанча ютуқларни кўлга киритмоқда. Юртимиз ёшлари чет давлатларда ўз малакаларини ошириб, ўқиб-ўрганиб келишмоқда. Ёшларнинг таълим-тарбия олиши, касб-ҳунар ўрганиши, спорт билан шуғулланиши, уларни иш билан таъминлаш, билимларини янада ошириш мақсадида қилаётган ишларингизни кўриб турибмиз.

«Соғлом авлод – соғлом келажак», «Соғлом она – соғлом бола» шиорлари остидаги юксак та-шаббусларни, тиббиёт соҳасидаги ютуқларни кўриб қувонади киши. Спорт соҳасида ҳам юқори натижаларни кўрмоқдамиз. Янги қурилишлар, ҳашаматли бинолар ҳам миллий, ҳам замонавий тарзда барпо этилмоқда. Булар албатта мустақил-лик туфайли.

Мен — Гулнозхон Раҳмонова 1998 йили ўрта мактабни битирдим. Бир йил давомида ота-онамга уй юмушларида ёрдам бериб келдим. 1999 йилнинг 1 июль куни Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси ёнғиндан сақлаш бўлими тизимига ишга кирдим...

Эндигина буйруқ чиққан вақtlари онам раҳматлининг аҳволи оғирлашиб, реанимацияда ётган эди. Ўша вақtlари мен учун ҳам қувончли, ҳам азобли кунлар бошимдан ўтди. Онам реанимацияда ўзига келгач, отамдан биринчи бўлиб «Гулноз ҳарбий бўлдими?» деб сўраган ва бу хабарни эшитиб, хурсандлигидан йиғлаб юборган.

Худди кечагидек эсимда, менга қараб, «Сен энди ишлайсан, сингилларингни ташлаб қўйма, уларнинг доимо бошида туриб бош-қош бўлиб юр», деган эди. Кейин, орадан ҳеч вақт ўтмай, онам қўлимда жон берди. Йигирма яшарлигимда беш нафар синглим қўлимда қолиб кетди. Худди ёш гўдак оёқ чиқариб, қоқилиб-сурилиб юришга интилганидек, мен ҳам қийналиб бўлсада, сингилларимни оёққа турғаздим. Ҳалол боқдим, яхши кийинтиришга ҳаракат қилдим, ўқитдим.

Ҳатто икки марта операция тўшагида ётганда ҳам Оллоҳдан куч-қудрат, оёққа туриб, тезроқ тузалайин, деб мадад сўрадим. Минг шукурки, бу дардни ҳам енгдим. Демокчи бўлганим, ҳаётдан но-

лиш эмас, аксинча, сабр-қаноат қилиб яшашни, яхшилик сари интилишни, ҳалол меҳнат қилишни ўргандим.

Мана, ўн йилдирки, эркаклар қаторида юртимизга хизмат қилиб келмоқдаман. Унвоним сержант. Отамга ҳавас қилиб, ҳарбий соҳани танлаб адашмадим ва афсус қилмайман. Тўғри, ҳар бир соҳанинг қийинчилиги бўлгани каби бу соҳада ҳам, айниқса, аёллар ва қизларга оғирроқ, лекин мен ички ишлар ходими эканимдан фахрланаман. Қолаверса, Куръони каримда ёзилишича, «Ўт балоси, сув балосидан асрагувчи одамлар жаннати одамлар» бўлар экан, ҳа, мен ҳам шундай жаннати касб эгасиман.

Икки нафар синглимни турмушга узатдим. Ҳозирда улар фарзанд тарбияси билан банд. Уч нафар синглим вилоятимизнинг эътиборидаги масканларда юртимизга хизмат қилиб келмоқда. Одам яқинлари, фарзандларининг орқасидан яхши мақтовлар, раҳматлар эшитганида бошидан ўтказган машаққатлари, тўккан кўз ёшлари эсидан чиқиб, улар учун чеккан азобларини унутар экан.

Оллоҳимга шукур, мен етган бундай ёруғ кунлар албатта мустақиллигимиз шарофатидан. Бунинг учун Сиздан бир умр миннатдорман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизни 30 январь — тутилган кунингиз билан оилам, ўзим номимдан чин

қалбимдан табриклайман. Сизга узоқ умр, метин-
дек соғлиқ, элимиз, юртимиз бошига омон бўли-
шингизни тилаб қолувчи фарзандингиз:

**Гулнозхон Раҳмонова,
Навоий шаҳри**

2012 йил 29 январь

МИНГ ТАШАККУР

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимида иш юритаётган Ислом ота Каримовга. Минг ташаккуримизни бир фарзандингиз ва набираларингиздан қабул этгайсиз.

Мен — Ўразалиев Тошмуҳаммад Наманган вилояти, Уйчи тумани, «Ровот» фуқаролар йиғини ҳудудидаги Зиёкор маҳалласи, Амир Темур кўчаси, 7-уйда яшайман, биринчи гуруҳ ногирониман.

Аввало, умрингиз узоқ, илоҳим, тани жонингиз соғ-омон бўлсин! Ўзбекистоннинг чиройли отахону онахонлари, ёшлари, ногиронларининг бошини силаб, доимо бизнинг руҳимизни кўтариб юринг. Мени 2013 йил 21 март куни Наврўз байрами билан табриклаб, совға жўнатибсиз. Мен учун бу қўшалоқ байрам бўлди.

Шу куни қариялар ва ногиронлар уйига Ички ишлар бўлими томонидан ҳам совға-саломлар берилди. Мен бунинг гувоҳи бўлдим. Сиз Тошкент шаҳрида иштирок этган байрам концертини телевизорда кўриб, йиғлаб ўтирдим. Сабаби — мен учун 2013 йил оғирроқ бўлди. Иш вақтида темир тушиб, оёқдан ажралдим. Аммо Сиздек улуг Юртбошимиз борлигидан ҳокимиятдагилар,

меҳр-оқибатли инсонларнинг эътиборини ҳис этиб яшаяпман.

Айниқса, шифокорлардан миннатдорман. Мен бахтли инсонман. Етти авлодимиз шу ўлкада туғилиб, давлат хизматини қилиб, оламдан ўтган экан. Мен саккизинчи авлод вакилиман. Миллатимиз қирғиз. Биз юртимизда аҳил яшаб келмоқдамиз. Миллатга ажратиш йўқ бу ўлкада. Бунинг учун Сизга — Ислом ота Каримов минг раҳмат!

Битта армоним бор. Ишлаб юрган инсон, уйда ўтириб қолса, зерикар экан. Агар соғ бўлганимда иш билан овунар эдим. Илгари — соғлигимда чорвада ишлар эдим, комбайнда беда ўрардим. Тонг саҳарлаб, соат учда уйдан чиқиб кетиб, кеч соат тўққизда бедани ўриб тугатардим. Салқинда чорвага хашакни етказиб берардим. Не қилай, ёшим энди 57 да, куч-қувватим бор-у, қўлдан иш келмайди. Лекин шукур қилиб яшаб келмоқдаман.

Сиз доимо бахтимизга омон бўлинг! Дастурхонимиз тўкин-сочин бўлаверсин, илоҳим!

**Тошмуҳаммад Ўразалиев,
биринчи гуруҳ ногирони,
Наманган вилояти, Уйчи тумани,
Зиёкор маҳалласи,
Амир Темур кўчаси, 7-уй**

**Ассалому алайкум, ҳурматли Президентимиз
Ислом Абдуғаниевич!**

Биз — фарзандларингиз Сиздан чексиз миннат-дормиз. Негаки, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, давлатимиз кундан-кунга ривожланиб бормоқда.

Вилоятимизда Сизнинг ташаббусингиз билан янги уйлар қурилаётганидан ниҳоятда хурсандмиз. Чунки бундай замонавий, барча қулайликларга эга бўлган кўркем уй-жойлар халқимизга манзур бўлиб, шаҳар ва қишлоқларимизга файз бағишламоқда.

Ўтган 2010 йилда мен ҳам «Қишлоққурилиш-банк»нинг Хоразм филиалига ушбу замонавий уйлардан бири учун 25 фоиз маблағ, яъни дастлабки бадал пулини тўлаган эдим. Қолган тўлов банк томонидан ипотека кредити асосида тўланади. Бу йил «Қишлоқ қурилиш инвест» томонидан йил охирига қадар уйлар қурилиб, эгаларига топширилиши кўзда тутилган.

2007 йили 26 ёшимда бахтсиз ҳодиса туфайли турмуш ўртоғим оламдан ўтди. Ўғлим билан ёлғиз қолдик. Аёл бошим билан бундай замонавий уйни сотиб олиш ёки уни қуриш учун менда етарли маблағ йўқ эди. Лекин Сизнинг ташаббусингиз би-

лан, Оллоҳ насиб қилса, биз ҳам шундай уйга эга бўламиз. Энди менинг ўғлимнинг ҳам ўз уйи, ўз бошпанаси бор.

Ёшлигимда орзуларим катта эди. Ўқишни давом эттиришни хоҳлар эдим, лекин бу менга насиб қилмади. Ўғлимни албатта ўқимишли, зиёли, она Ватанга садоқатли, керак бўлса, Ўзбекистон учун жонини фидо қиладиган, юртимизнинг ҳар қарич тупроғини ардоқлайдиган, инсонларнинг қадрига етадиган, элу юртга хизмат қиладиган инсон этиб тарбиялашга ҳаракат қиламан ва бунинг учун Сизга ваъда бераман.

Мен Сиздан чексиз миннатдорман. Бизнинг Сиздек меҳрибон, юртимиз учун ёниб яшайдиган, куюнчак, биз ёшларга кенг йўл очиб берган Юртбошимиз борлигидан фахрланаман.

Ўзбекистонимиз ҳамиша тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин. Илоҳим, юртимизга кўз тегмасин.

Оллоҳим Сизни ва оила аъзоларингизни бизнинг бахтимизга ўз паноҳида асрасин!

Сизга чексиз ҳурмат ила фарзандингиз:

**Шаҳло Рузметова,
Урганч шаҳри, 4-даҳа, 9/1-уй,
24-хонадон**

2011 йил 9 сентябрь

**Ассалому алайкум, биз учун азиз бўлган
Ислом Абдуганиевич Каримов!**

Мен – Каримова Масъудахон 30 йил давомида қишлоқ хўжалигида деҳқончилик билан шуғулланганман. Ҳозирги вақтда пенсиядаман, 14 нафар набирам бор. 2012 йил 21 декабрда дунёга келган набирамнинг исмини, Сизга ҳавас қилган ҳолда, Исломжон деб атадик. Бу мустақилликка эришганимиздан сўнг Сиз олиб бораётган сиёсатга оиламиз, ўсиб келаётган набираларим, маҳалламиз аҳлининг ҳурмати, ихлоси ифодасидир.

Набирамнинг бобоси 1997 йили тўсатдан вафот этди. Набираларим бобо меҳрини кўришмаган. Шунинг учун Сизнинг «Бутун Ўзбекистон ёшлари – менинг фарзандларим», деган сўзларингиз мени чексиз қувонтиради.

Яқинлашиб келаётган таваллуд кунингиз муборак бўлсин!

Ўзбекистон ёшлари, халқимиз бахтига яна кўп йиллар соғ-омон бўлинг, дунё тургунча турунг. Биз Сизнинг бошингиздан ўтказган қийинчиликларни яхши биламиз. Биз учун, набираларим

учун яратиб бераётган шарт-шароитларингизни доим қадрлаймиз. Ана шу шароитлар туфайли тўнғич набирам Мафтуна 30 дан ортиқ шеър ёзди. Шулардан бирини сизга совға сифатида йўллаймиз.

Ҳурмат билан:

Масъуда Каримова

ЎЗБЕКИСТОН

Меҳрибоним гулшаним ўзинг,
Гул бўстоним, тинч юртим ўзинг.
Юртбошиси енгилмас инсон,
Менинг юртим — ҳур Ўзбекистон.

Тинч ўлкада ўқимоқдамиз,
Бағрида хўп яйрамоқдамиз,
Жаннатдан ҳам аъло бу макон,
Менинг юртим — ҳур Ўзбекистон.

Соғлом бўлиб, эркин улғайдим,
Ота-онам ўсди шу юртда.
Омон бўлгин, доим онажон,
Менинг юртим — ҳур Ўзбекистон!

**Мафтуна Каримова,
Наманган вилояти,
Чортоқ тумани**

2013 йил 24 январь

Мен — Сапаев Самандар, 1933 йилнинг 15 майида Маданият қишлоғида туғилганман. Турмуш ўртоғим Эгамова Анагул билан турмуш қуриб, олти нафар фарзандни (уч ўғил, уч қиз) тарбиялаб вояга етказдик. Улардан 25 неvara, 9 нафар чевара кўриш бахтига муяссар бўлдик.

Мен ва турмуш ўртоғим умр бўйи деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланиб келмоқдамиз. Менинг маълумотим агроном мутахассислиги бўйича олий бўлиб, йиллар давомида колхозда оддий агроном, туман қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи, колхоз раиси лавозимларида ишлаб, пахта иши юзасидан ноҳақ жабрланиб, уч йилу икки ой тергов камерасида сақландим. Бу пайтда оилам, фарзандларим ҳам ноҳақ туҳматлар билан жабр-ситам тортдилар.

Сиз, ҳурматли Ислон Абдуғаниевич, Ўзбекистон раҳбари бўлиб иш бошлашингиз билан ноҳақ жабрланган мен каби минглаб Ўзбекистон фуқароларини ўз ҳимоянгизга олдингиз. Бизни ноҳақ туҳматлардан сақлаб қолдингиз.

Шахсан ўзим, бутун оилам Сизга миннатдорлик билдириб, кечаю кундуз дуога қўл очиб, шукроналар қилиб, бахтимизга соғ-саломат бўлишингизни Оллоҳдан тилаб яшамоқдамиз.

Чин қалбимдан ташаккур билдириш билан бирга Сизга халқимизнинг миннатдорлигини, турмушимиз фаровонлигининг исботи сифатида бир-икки фактларни ёзиб юбормоқчиман.

Биз — деҳқонларга кўшимча томорқа ер бердингиз. Бу билан Ўзбекистон халқини, миллатини иқтисодий жиҳатдан сақлаб қолдингиз. Колхозларни тугатиб, фермер хўжалиklarини ташкил қилдингиз. Натижада деҳқонларимиз ерга, мулкка ҳақиқий эга бўлдилар. Энди ёруғ дунёни кўрдик. Сизнинг раҳбарлигингизда ҳеч кимдан кам эмаслигимизни тушуниб етдик.

Сиз Президент бўлиб сайланганингиздан кейин оиламиз 1991 йилда колхоз тасарруфидан икки гектар ер олиб, ўн бош қорамол боқиш учун фермер хўжалигини туздик. Ҳозир 45 гектар ерга эгамиз. 180 бош қорамол, 40 бош қўй, 600 та товуқ, икки бош отдан иборат чорва фермамиз бор.

Сиз деҳқонлар билан юзма-юз суҳбат қилганингизда «Сизларнинг орқангизда мен турибман, ғам еманглар», деб айтган сўзларингиз менга ҳамма вақт куч-қувват бағишлайди.

1990 йилда иккинчи ўғлимни уйлантириб, тўй қилдик. Келинимизнинг исми Барчиной эди. Яхши ниятлар билан Ўзбекистоннинг барно қизлари тимсолида фермер хўжалигимизни «Барчин» деб номладик.

2003 йил фермер хўжалигимиз учун омадли йил бўлди. Президент соврини учун ўтказилган «Та-

шаббус – 2003» кўрик-танловида туман, вилоят босқичларида биринчи ўринни эгаллаб, республика босқичига йўлланма олдик ва қатнашдик. Оллоҳга минг шукроналар бўлсинки, «Ташаббус – 2003» танловининг лауреатлик дипломи ва қимматбаҳо эсдалик совғаси билан тақдирландим.

Сизга яна соғлиқ-саломатлик, оилангизга бахт-саодат, юртимизга тинчлик-омонлик тилайман.

**Самандар бобо Сапаев,
Хоразм вилояти, Боғот тумани,
Маданият қишлоқ
фуқаролар йиғини**

2012 йил 21 май

Президентимиз Ислом Каримовни ва бутун Ўзбекистон фуқароларини мустақиллигимизнинг 20 йиллик тўйи билан 83 баҳорни қаршилаган Сейтимбетов Отажон бобо чин юракдан табриклайди. Ҳаммаларига сиҳат-саломатлик, ишларига омад, ўзларига ва оила аъзоларига бахт-саодат тилайман. Президентимиз ва халқимиз эришган ютуқларга кўз тегмагай.

Мен Қорақалпоғистоннинг Тўрткўл тумани Чибукли овулида 1929 йил 12 мартда деҳқон оиласида туғилганман. 1928—1934 йиллардаги очлик уқубатларини анча эслайман. 1941—1945 уруш йилларидаги очлик ва яланғочликларнинг азобларини халқимиз билан бирга бошдан кечирганман. Хрушчёвнинг охириги даврларида арпа ва макка унини еб жон сақлаганмиз.

1943—1948 йилларда мактабдан келиб ҳар куни колхозда ишлар эдим. Ишламасангиз, урар эдилар. У даврда ҳам ўзимизни, ҳам армияни боқиш керак эди. 1948 йили 8-синфни битказиб, муаллимлар мактабига ўқишга оёқяланг борганман. Ўқишни 1952 йили битказиб, ўзим ўқиб кетган мактабимга ишга келдим. Устозлар яхши кутиб

олдилар. 1953—1957 йиллар Нукус педагогика институтининг физика-математика факультетини тамомладим. Шундай қилиб, мактабимда ижодий ишлар бошланиб, ҳаётдан кўп нарсалар ўргандим. Ўтган даврлардаги қийинчиликлар мени билим олишга, ҳунар ўрганишга мажбур қилган эди. Алишер Навоий бобомизнинг:

*Йигитлигда йиғ илмнинг махзанин,
Қариллик чоғи харж қилғил ани, —*

деган фикрига амал қилиб, китоблардан билим ўрганишни, ҳунар ўрганишни давом қилганман. Касбдошларим, қишлоқдошларим мени «Қирқ ҳунароли йигит» деб аташарди.

Киши 50 ёшдан кейин нима яхшию нима ёмон, қандай эзгу ишлар қилдим, деб ўзига ўзи ҳисоб берар экан. Аммо 50 ёшдан кейинги умр тез ўтар экан. Шунинг учун ҳар ким халқимизнинг эсида қоладиган эзгу ишларни эртaroқ бошламаса, умр тез ўтиб, кўзлаган ишлари амалга ошмай қолиши турган гап.

Мен ҳам ёшларни ўқитиш билан бирга мактаб боғида, томорқаларда ўқувчиларга пайванд қилиш, янтоққа тарвуз пайванд қилиш усулларини ўргата бошлаган эдим. 1961 йилдан бошлаб парник ишини ўрганиб, бутун қишлоқдошларимга уйма-уй юриб уни ўргатганман. Уларнинг иқтисодлари кўтарилишига катта ёрдам берганман ва ҳурматларига

саговор бўлганман. Бу касб биздан ўтиб, ўзим ва шогирдларим орқали Хоразмнинг Ҳазорасп, Қорақалпоғистоннинг Тўрткўл, Беруний, Элликқалъа туманларигача етиб борди. Ҳозир ўзим 1983 йилдан буён қуёш теплицаси устида ишлаб, яхши даромад оляпман. Уни маҳалладошларим ҳам ўрганмоқда.

Қишлоқдошларим уста деҳқон. Бизнинг деҳқонлар Хоразм, Қорақалпоғистонни сабзаёт билан таъминлаб қолмасдан, уни чет элларга экспорт қилишга ҳам кучи етади.

1986–1987 йиллардан бошлаб Ўзбекистонда сув кам бўлиши эҳтимоли бор, кўпроқ боғ яратиш керак, боғ сувни кам талаб қилади, деб матбуотда ёза бошлашди. Бундан кейин, менга боғ яратсам, деган ўй тинчлик бермай қўйди. 1989 йил март ойида пенсияга чиқишим керак эди. Шунгача бу масалани ҳал қилишга киришдим. Агар шу ниятим амалга ошса, ҳаммасига рози эдим. Колхоздан иш ҳақи сўрамаслик ва кўчат ҳам сўрамаслик шарти билан боғ учун ер ажратишларини илтимос қилиб, ариза бердим. Учинчи бор ариза берганимда олдин кўчат етиштириш шартини қўйиб, кўчат учун 1989 йил баҳорда ер бердилар. Кўчатни 1989–1990 йилларда экиб етиштирдим. Энди ишона бошладилар. 1990 йил 14 ноябрда боғ учун 5,7 гектар ер кўрсатишди. Ерни кузда–қишда кўчат экишга тайёрлаб, 1 мартдан 16 мартгача кўчат экиб бўлдик.

Бунга маҳалламиз аҳли катта ёрдам берди. Боғ ичига уч йилгача пахта экиб, кўчатлар мева бериб бошлаганидан сўнг ўзимга қолдиришди. Боғни тинмай тарбиялай бошладик. Оилавий пудрат бўлиб, 1994 йилга келиб, олдинги кўчатлар мева бериб бошлади.

Боғим шундай мева бера бошладики, тахмин қилганимдан ҳам зўр бўлди. Боғимиз ичида бозор бўлди. Мевалари фарқ пишганида уларни олувчиларга териб топшириб улгурмай, ёрдамчи ишчилар ёлладик. Кўп мактабларга, болалар боғчаларига олма-ўрик ва бошқа мева-чевани хайрия қилардик. Боғ маҳалламиз аҳолисига ўзининг боғидек бўлиб қолди.

Мустақиллик берган неъматлар мевасидан баҳраманд бўлганим учун Президентимизга қалбимдаги қувончларимни етказиш учун буларни ёздим.

Юртбошимизни мен «Мустақиллик боғбони» дегим келади.

Фарғонада 2003 йили узоқ-узоқдаги дала меҳнатчиларини ҳам чақириб олиб, оталарча суҳбатлашганингизни телевизорда кўрганман, ҳали эсимда. Электр токи, газ етарлими, раҳбарларингиз уй-жой қуришларингизга ёрдам берадими, чиқаётган қонунлардан розимисизлар, менинг ишларимдан розимисизлар? Тўйларингизга таклиф қилсангиз, муҳим ишларим чиқиб қолмаса, албатта келаман, деган сўзларингиз ҳали ҳам қулоғимда

жаранглаб тургандек. Қанийди, биз томонларга ҳам бир келсангизу мазза қилиб суҳбатингизни олсам. Орзуим шу.

Илоё, ана шундай учрашувларга муяссар айла-гай Худо.

Салом билан кекса боғбон:

**Отажон Сейтимбетов,
Қорақалпоғистон Республикаси,
Тўрткўл тумани**

2011 йил 25 август

**Ассалому алайкум, муҳтарам
Ислом Абдуганиевич!**

Мактубимнинг бошида Сизни кириб келаётган улуғ ва муқаддас байрам – Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллиги билан ўзим, оилам, барча яқинларим номидан чин юракдан муборакбод этаман.

Сиздек инсонни ўзбек халқига раҳнамо этиб, бу буюк элга мустақиллик деб аталмиш улуғ ва бебаҳо неъматни инъом этган Яратганга беадад шукурлар бўлсин!

Шу ўтган 20 йил мобайнида Ватан равнақи, эл манфаати, халқ тинчлиги йўлида қилган меҳнатларингиз, ғайрат ва шижоатингиз учун раҳмат Сизга!

Иншооллоҳ, яна узоқ йиллар давомида биз билан бирга Ўзбекистон деб аталмиш муқаддас юртни янада узоқроқ марраларга олиб чиқишингизга бутун вужудим билан ишонаман.

Шуни билингки, қаерда бўлманг, Сизни ҳар сония ва ҳар дақиқада қўллаб-қувватловчи, Сизга битмас-туганмас куч-ғайрат ва соғлиқ-омонлик тиловчи минглаб ўғлонларингиз бор.

Ижозатингиз билан ўзим ҳақимда ёзиб ўтсам.

Исмим – Ботиржон, ёшим – йигирма тўққизда. Оиламизда катта фарзандман. Оилалиман, икки

ёшли ўғлим бор. Онам, бир укам, бир синглим бор, ҳаммамиз бир оилада истиқомат қиламиз.

Сизнинг саъй-ҳаракатларингиз билан 1995 йилда Андижон вилояти, Асака шаҳрида бунёд этилган «ЎЗДЭУавто» қўшма корхонасида, ҳозирги кунда эса «GM—Ўзбекистон» автозаводида олти йилдан буён меҳнат қилиб келмоқдаман.

Мен — бахтли инсонман! Чунки, мен Сиздек одил ва ватанпарвар раҳнамо билан замондошман. Чунки, мен Сиздек инсон раҳнамолиги остидаги Ўзбекистон деб аталмиш муқаддас юрт фарзандиман. Ушбу халқ фарзанди эканимдан қалбим ғурур ва фахр-ифтихорга тўлади.

Мактабда ўқиб юрган йилларим тарих ўқитувчим можар, яъни венгер олими ва адиби Ҳерман Вамберининг «Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи» деган бир китобча берган эди. Ўша китобда шундай жумлалар бор: «Ўтмиши кўмилган миллатнинг истиқболи ҳам зулмат остидадир».

Беихтиёр ўз халқим тарихини эслайман: Имом Мотуридий, Шайх Нажмиддин Кубро, Жалололдин Мангуберди, Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Абдулла Авлоний, Чўлпон, Абдулла Қодирий.

Бизнинг алломаларимиз жаҳон бешигини тебратишган. Шунинг ўзи бизнинг буюк эл эканимиздан далолат эмасми?

Яратганга беадад ҳамду санолар бўлсинки, не не ажодларимиз, алломалар орзу қилган муста-

қиллик деган муқаддас неъматни бугун Сиз орқали ўзбек халқига инъом этди.

Сиз томонингиздан яратилаётган имкониятлар, шарт-шароитлар туфайли бугун мен ва мен каби инсонлар Ватан, халқ, эл-юрт манфаати йўлида меҳнат қилиб келмоқдамиз.

Хатимнинг сўнгида Яратгандан қуйидагиларни сўрамоқчиман: Ватанимиз тинч ва обод бўлсин, муҳтарам Президентимиз бахтимизга доимо биз билан бирга бўлсин, бу инсонни ҳеч қачон сиҳат-саломатлик тарк этмасин, дастурхонларимиз обод бўлсин!

Ўзбекистонимизнинг мустақиллиги абадий бўлсин!

Бахтимизга соғ-омон ва тинч бўлинг!

Байрамлар муборак бўлсин, табриклайман.

Ҳурмат ва эҳтиром билан:

**Ботиржон Содиқов,
Андижон вилояти, Андижон шаҳри,
3-кичик даҳа, 8-уй, 6-хонадон**

2011 йил 23 август

Ассалому алайкум, мухтарам Президентимиз!

Сизга ушбу мактубимни ёзар эканман, аввало қимматли вақтингизни олаётганим учун узр сўрайман. Мана шу мактубимни охиригача ўқиб чиқингизни жуда илтимос қиламан.

Ўзим ҳақимда ёзсам, оддий оила фарзандиман. Ўн саккиз йилдирки, оғир хасталик туфайли доимий равишда даволаниб, саломатлигимни тиклаб келяпман. Оллоҳга беҳисоб шукроналаримни айтаман, ҳозирги кунда аҳволим анча яхши бўлиб қолган. Бундан ўн йил илгари тўсатдан соғлиғим ёмонлашиб, юролмасдан, тўшакка миҳланиб қолганман. Ўшанда аҳволим жуда аянчли эди. Шифокорлар ҳам мендан умид йўқлигини айтишиб, уйимга жавоб бериб юборишган эди.

Ана шундай оғир кунларимнинг бирида Сиздан нажот сўраб мактуб йўллаганимда мендек оддий инсон мактубини инобатга олиб, соғлиғимни қайтадан тиклашим учун катта ёрдам бердингиз. Даволаниш учун Тошкент тиббиёт академиясига бориб, саломатлигимни тиклаб қайтдим.

Мана, ўн йилдирки, давлатимиз томонидан ногиронларга ажратилган бепул йўлланма орқали ҳар

йили икки мартаба Тошкент шаҳрида даволаниб келяпман. Бунинг учун Сизга алоҳида ташаккуримни билдираман. Мендек ногирон бўлиб қолганларга ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам бериб келаётганингиздан жуда ҳам миннатдорман.

Сизга Оллоҳдан соғлиқ-омонлик, ишларингизга улкан-улкан омад ва зафарлар тилаб қоламан.

Тангри доимо юзингизни ёруғ, иқболингизни бутун, ризқи насибангизни зиёда қилсин.

Сизга чексиз ҳурмат билан:

**Наргиза Тангрибергенова,
Қорақалпоғистон Республикаси,
Беруний тумани,
Жуманиёзов кўчаси**

2011 йил 18 август

Хурматли Ислом Абдуганиевич!

Мен — Терешченко Тамара Павловна, Самарқанд шаҳрида яшайман. Сизнинг раҳнамолигингизда она шаҳрим Самарқандни ривожлантириш ва реконструкция қилиш бўйича катта кўламдаги ишлар олиб борилмоқда. Сўнги йилларда Самарқанд фоят ўзгариб кетди, янгитдан қурилган Улуғбек ва Беруний кўчалари, марказий хиёбон шаҳарга ўзгача қиёфа бахш этди. Мен қарийб 40 йил партия ва совет органларида техник ходим бўлиб ишлаганман. Мана, 71 ёшга кирган бўлсам, на мен ва на тенгдошларим шаҳримизни обод қилиш бўйича бундай кенг кўламдаги ишлар олиб борилганини ҳеч қачон кўрмаганмиз.

Шаҳарда амалга оширилаётган реконструкция ва қурилиш ишлари доирасида мен яшаётган тўрт қаватли уй бузиладиган бўлди. Тан оламан, аввалига уйнинг нима учун бузилишини унча тушунмадим. Шу боис шаҳар ва вилоят ҳокимлигининг масъул ходимлари менга тасалли беришларига қарамасдан, бу менинг руҳий ҳолатимга ёмон таъсир қилди.

Ҳокимлик вакиллари бошқа жойга кўчиб ўтиш юзасидан турли вариантларни таклиф қилишди. Лекин мен — ёши бир жойга бориб қолган ёлғиз

аёл учун Самарқандда умримнинг асосий қисми ўтган бу уйдан бошқа паноҳ йўқ, деб ўйладим. Ана шундай чуқур руҳий кечинмалар таъсирида Сизга телеграмма жўнатиб, муҳим давлат ишларидан чалғитдим. Билишимча, менинг мурожаатим ҳали Сизга етиб бормади туриб мени илгариги уйимнинг майдонига тенг бўлган шинам хонадонга кўчиришди. Бу жараёнда ҳокимлик масъул ходимлари менга доимий ғамхўрлик ва эътибор кўрсатишди. Бунинг учун Сизга ва Сиз орқали бу ишга ҳисса қўшган барча инсонларга миннатдорлик изҳор қиламан. Мен мамлакатимизда одамларга ғамхўрлик қилиш биринчи ўринда туришига яна бир бор амин бўлдим.

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга мустаҳкам соғлиқ ва масъулиятли вазифангизда муваффақиятлар тилайман. Менинг тақдирим билан қизиқиб, эътибор кўрсатганингиз учун катта раҳмат.

Самимий ҳурмат билан:

**Тамара Терешченко,
Самарқанд шаҳри, Садаф маҳалласи,
Жалолқудуқ кўчаси, 6-уй, 3-хонадон**

Азиз Ислом Абдуганиевич!

Биз – Республика пансионатида яшовчи фахрийлар Сизни, оила аъзоларингизни, барча юртдошларимизни янги – 2011 йил билан табриклаймиз! Сизга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, бахт ва муваффақиятлар тилаймиз.

Ҳар йили Янги йил байрами олдидан бизга ҳади этаётган қимматли совғаларингиз учун Сизга чин дилдан миннатдорлик билдирамиз. Сиздан Янги йил совғаларини олиш нақадар ҳаяжонли.

2011 йилда Ўзбекистон мустақилликка эришганига 20 йил тўлади. Кўп миллатли давлатимиз истиқлолининг юбилейини халқимиз катта меҳнат галабалари билан кутиб олмоқда.

Тинчлик – улугъ неъмат. Ватанимизнинг дов-юрак ҳимоячилари мамлакатимиз сарҳадларини зийраклик билан ҳимоя қилмоқда. Тунги осмонда миллионлаб юлдузлар ёғду сочади, улар орасида буюк ўзбек олимлари номи билан аталадиган кичик сайёралар ҳам бор. Уларни мустақил Ўзбекистон олимлари – астрономлари кашф қилган.

2011 йилда инсоният XXI асрнинг иккинчи ўн йиллигига қадам қўяди. Ҳаётни ортга қайтариб бўлмайди, вақтни ҳам, бир лаҳза бўлса-да, тўхта-тишнинг имкони йўқ.

О, қанийди биз қарияларга ёшлигимиз қайтиб келса! Биз – Республика пансионати фахрийлари буюк Ватанимизга садоқат билан хизмат қилган бўлур эдик. Биз Ватанимиз олдида абадий қарздор бўлиб қолдик. Ниятимиз – узоқ умр кўриб, халқимизнинг бундан-да бахтли яшашига, Ўзбекистонимизнинг буюк келажагига гувоҳ бўлиш Сизга насиб этсин.

Муҳтарам Ислон Абдуғаниевич, Республика пансионатида яшаётган биз – фахрийларга кўрсатётган доимий эътибор ва ғамхўрлигингиз учун чин қалбдан миннатдорлик билдирамыз. Ҳаммамиз яхши биламыз, Сиз бизни доимо эслаб, вакилларингиз орқали йўқлаб турасиз. Биз ҳар доим Парвардигордан сизга саломатлик, куч-ғайрат сўраб, дуода бўламыз. Бизни юксак қадрлаб, ҳиммат кўрсатганингиз учун бош эгиб таъзим қиламыз.

Ўзбекистонимиз ривожланиб, гуллаб-яшнайверсин, юртимизда ҳамиша тинчлик ва бахт ҳукм сурсин!

Республика пансионати фахрийлари номидан:

**Х. Жумаева,
Тошкент шахри**

**Ассалому алайкум, ҳурматли
Ислом Абдуғаниевич Каримов!**

Мен — Фарғона вилоятининг Фурқат туманидаги «Талант» фермер хўжалиги раҳбари Турсунов Тўлқинжонман. Сизнинг саъй-ҳаракатингиз билан яратилган имкониятлардан фойдаланиб, биз 1993 йили фермер хўжалигини ташкил қилдик, жуда кўп яхши натижаларга эришдик. Жумладан, Сизнинг ёрдамингиз билан 1997 йили Америка Қўшма Штатларида 45 кун малака ошириб қайтдик. Мен бир қишлоқ ўғлиман, оддий деҳқон боласи бундан янада руҳланиб, кучимга — куч, ғайратимга — ғайрат қўшилди.

Сиз фермерларнинг ривожланиши учун ана шу ўтган йиллар оралигида жуда кўп қонун ва қарорлар чиқардингиз, бундан унумли фойдаланиб, ерларни кенгайтириб, чинакам мулкдор бўлдик.

Бугун юртимизда фермерларнинг эркин деҳқончилик қилиши учун етарли шарт-шароитлар яратилди. Туманимиз фермерларининг 80 фоизи ўзининг техникасига эга бўлди, қайси соҳани олманг, жуда катта ўзгаришлар юз бермоқда. Сиз бу ишларга йўл кўрсатиб, бош-қош бўлмоқдасиз, бунинг учун раҳмат Сизга.

Амир Темур бобомизнинг, кимлигимизни билмоқчи бўлсанг, биз қурган иморатларга боқ, деган

гапларига содиқ қолиб, аждодлар руҳини шод, уларнинг зиёратгоҳларини обод этиб, бутун Ўзбекистонда кўз қувнайдиган, бошқалар кўрса ҳавас қиладиган мактаблар, коллежлар, спорт иншоотлари барпо эттириб, йўлларни кенгайтириб, энг муҳими, қишлоқларимизга маданият келтириб, шундай чиройли уйларни қурдирмоқдасиз, бундан ҳаммамиз доим фахрланиб, гурурланиб юрибмиз.

Мен Америка Қўшма Штатларига борганимда у ердаги ҳаётни, қурилишларни кўриб ҳавас қилган эдим. Сиз бўлса, мана шу қисқа 20 йил ичида чинакам Амир Темур жасоратини қайта намоён этиб, Ўзбекистонни бутун дунёга яна бир бор танитиб қўйдингиз.

Мен бир қишлоқ деҳқонининг боласи сифатида Сиз билан бир вақтда яшаётганимдан жуда-жуда хурсандман. Сиз авлодларимиз минг-минг йиллаб эслаб юрадиган ишларни амалга оширдингиз.

Мен сизни мустақиллигимизнинг 20 йиллик байрами билан чин қалбимдан табриклайман, Сизга мустаҳкам соғлиқ тилаб, бутун ўзбекистонликларнинг бахтига доим соғ-саломат бўлинг, дейман.

Биз – Фурқат тумани фермерлари Сиз билан доим биргамиз, деб чин юракдан табрикловчи «Талант» фермер хўжалиги раҳбари:

**Тўлқинжон Турсунов,
Фарғона вилояти, Фурқат тумани,
«Болтақум» қишлоғи**

2011 йил 13 сентябрь

**Ассалому алайкум ҳурматли ва
азиз Юртбошим!**

Соғлиқларингиз, оила аъзоларингиз, кайфиятингиз яхшими? Мана, бугун 31 декабрь. Бу куни одам хоҳласа-хоҳламаса, ўтаётган умрини сарҳисоб қилар экан, хотирасида узоқ-яқин ҳаёт манзаралари гавдаланади. Рўёбга чиққан орзуларию армонлари ҳақида ўйлайди. Бу кунда инсон ўтганларни хотирлаб, яқинларига самимий дил изҳорларини айтгиси келади. Мен ҳам Сизга мен учун қадрли бир инсон сифатида юрагимдаги гапларни хат орқали бўлса-да, етказишни истайман. Фақат нимадан бошлашга ҳайронман, чунки Сизга ёзмоқчи бўлганларим шунчалар кўпки, қимматли вақтингизни оламанми, деб кўрқсам-да, Сизга мактуб йўллашни лозим деб топдим.

Узоқроқ муддат бўлса-да, 1990 йилнинг баҳоридан бошлай қолай. Ўша йили Сиз Ўзбекистон Президенти этиб сайланганингиздан телевидение орқали хабар топган онам раҳматли Кароматхон ая: «Бибигул қизим, пошшойимиз ўзбек одам бўлибди, исмлари ҳам бир яхши, Исломжон экан», деб хурсанд бўлгандилар. Мен бу хурсандчиликнинг маъносини онамнинг милла-

тимизга бўлган чуқур ҳурмати ифодаси сифатида тушунгандим.

1991 йили мен 11 йиллик мактабнинг битирувчиси эдим. Онгимизда ҳозиргидек миллий мустақиллик каби тушунчалар эмас, «СССР — бизнинг умумий уйимиз» деган тасаввур мавжуд эди. Шу боис 1991 йили мустақиллик эълон қилинган пайтда онамнинг нима учун бунчалар қувонганларининг аҳамиятини етарлича тушунмаган эканман. Кейинчалик ўйлаб кўрсам, болалиги Иккинчи жаҳон уруши йилларига тўғри келган, урушдан кейинги машаққатли йилларда далада ишлаб, атиги 3 синфни тамомлаган, ўзларининг таъбирлари билан айтганда, «чаласавод» онам ўзбек давлати раҳбарининг катта мажлисларни ўзбек тилида олиб бораётганидан қувонар, улардаги сиёсий масалаларга у қадар тушунмасаларда, ҳаётий тажриба боис мустақиллик қадрини тушуниб етган эканлар.

Раҳматли онам «пошшойимизнинг гапларини эшитайлик» деб ойнаи жаҳон орқали Сизнинг нутқларингизни кузатиб борар, улардаги халқ манфатларини ўйлаб айтаётган гапларингизни тинглаб, кайфиятлари кўтарилар, «умридан барака топсин, энди раҳбарга ёлчибмиз, отасига раҳмат» деб дуо қилар эдилар. Ҳаётда онам кўп қийинчиликларни бошидан кечирган бўлсалар-да, шукур қилиб яшадилар. Онам соддадил, ишонувчан, хушфезъл,

Ўзининг қалби озор чекса-да, бировнинг кўнглига озор беришни хоҳламайдиган аёл эдилар. Эътиқодлари баланд бўлгани боис беш вақт намозни канда қилмас, намозлари якунида фотиҳа қила туриб, узундан-узоқ тилаклар орасида юрт тинчлиги билан бирга Сизни ҳам дуо қилиб чарчамас эдилар.

Айниқса, азалий қадриятларимиз тикланиб, юртдошларимизнинг ҳаж сафарига боришлари учун рухсат берилган йили онам гўёки ўзлари хожи ая бўлгандек хурсанд бўлиб, «яхши замон келди, болам, кам бўлмасин, шу одам раҳбар бўлиб турсалар, ҳали кўп яхши ишлар бўлади», деган эдилар. Онамининг ўғил фарзанди бўлмагани учун Сизни ҳавас қилиб баъзи-баъзида «Менинг ҳам шундай ўғлим бўлганда эди», деб қўяр эдилар...

Мен бу мактубни йўллашимдан мақсад – Сизга қалбимдаги миннатдорлик сўзларимни айтишдан иборат. Ўзбекистоннинг бир фуқароси сифатида, Сизни ўз отасидек қадрлайдиган бир қиз сифатида биз учун қилаётган гамхўрлигингиз учун чуқур таъзим қиламан. Ҳаётдаги биттагина оилани тўла-тўқис бошқаришдаги қийинчиликларни ҳис қилган ҳолда, Сизнинг бутун Ўзбекистонни, яъни катта бир оилани бошқа давлатлар ҳавас қиларли даражада бошқариб боришдек салоҳиятингиз ноёб ва камёб ҳодиса сифатида таҳсинга

лойиқ. Юртимиздаги иқтисодий-ижтимоий, сиёсий ва маданий юксалишлар, қатор йиллардаги бир-бирини тўлдириб бораётган кўплаб ислохотлар, тинчлик-хотиржамлик, одилona бошқарув, халқпарвар қарорларингиз, хуллас, ҳамма-ҳаммаси учун Сизга раҳмат айтишни ҳам қарз, ҳам фарз деб биламан.

Мана, бугун – Янги йил кечаси. Бу тун ҳар бир инсон тасаввурида мўъжизакор тун сифатида гавдаланса керак. Ўзимиз ҳам ҳозиргача Янги йил кечасида тилаклар рўёбга чиқишига, ажойибу фаройиб мўъжизалар рўй беришига ишонгимиз келади-ку. Умримизнинг ўтиб бораётганидан қалбимизда пайдо бўлган ғашлик янги орзу-умидлар, ҳаётга бўлган меҳр, эзгу тилаклар олдида сўнгандек бўлади. Инсон тирик экан, орзу қилаверади. Орзулар сари интилиш эса ҳаётимиз мазмунини ташкил этади, менимча. Келаётган янги йилда ҳам, ушалмаган орзуларимиз рўёбини тилаган ҳолда, яхши ниятлар қиламиз. Ота-она сифатида Оллоҳ берган тўрт нафар фарзандимиз тақдири ҳақида қайғулар эканмиз, ҳар доимгидек бугун ҳам эл-юрт тинчлиги, файзу баракаси йўлида келажакда ота-онасига раҳмат олиб берадиган инсонлар бўлиб улғайишини, бахту камолини тилаймиз. Бу йил – «Обод турмуш йили»да турмуш ўртоғим билан бирга эскирган уйларимизни янгилашни бошламоқчимиз. Чунки қатор қулайликларга эга

бўлган уй қуриш бир неча йиллик орзуларимиздан бири.

Мен эса 2013 йилда ҳаваскор шоира сифатида кичикроқ бўлса-да, шеърий тўпламимни чиқариш ниятидаман. Ҳамширалик йўналиши бўйича таълим беришда янги таклифлар киритишни ҳам режалаштиряпман. Мен она бўлгачгина, ота-оналар фарзанди учун қанчалик қайғуришларини чуқурроқ англаб етдим. Айниқса, оналик масъулияти қанчалик оғир эканини тушундим. Мен фарзандларимизнинг фикр доираси кенг, миллий ғоямизга ёт бўлган ҳар қандай кўринишдаги мафкуравий хуружларга қарши тура оладиган, маънавиятли инсонлар бўлиб улғайиши, юртимизга содиқ фарзандлар бўлишини жуда-жуда хоҳлайман...

Азиз Ислон Абдуғаниевич, Сизни 30 январь — таваллуд топган кунингиз билан табриклашга рухсат бериб, самимий тилакларимни қабул этсангиз. Доимо оилангиз ва халқимиз бахтига соғ-омон бўлинг, узоқ умр кўринг. Сизни ўз бобожони деб биладиган юртимиздаги минглаб болалар каби менинг фарзандларимнинг ҳам нуроний бобожони бўлиб юринг. Вақти келиб эл-юртга дастурхон ёзишдек бахтга етказганида Сизни фарзандларимизнинг никоҳ тўйларига таклиф этиш бизга ҳам насиб этсин.

Мен Сизни Ўзбекистон Президенти сифатида таниганимдан буён ўтган 22 йил давомида юрагимда

Сизга нисбатан чуқур ҳурмат-эътибор пайдо бўлганини эътироф этар эканман, Сизнинг шу йиллар давомида юртимиз ва халқимиз манфаатлари йўлида, қолаверса, бутун дунё миқёсида тинчлик ва барқарорликни сақлашда халқаро майдондаги фаолиятингизни қадрлайдиган ҳар бир инсон юрагида ҳам шундай ҳурмат-эътибор мужассам деб биламан.

**Зулфия Аширова,
Фарғона вилояти,
Марғилон шаҳри**

**Ассалому алайкум, ҳурматли отажоним
Ислом Абдуганиевич!**

Мен Наманган вилоятидаги 8-болалар уйида тарбия топган Нишонова Насиба бўламан. Аввало, Сизни 2013 йил билан чин қалбимдан табриклайман. Илоҳим, дунё тургунча турунг. Бахтимизга соғ-омон бўлинг. Сизнинг шарофатингиз билан 2011 йил 28 август куни давлат томонидан менга уй тақдим этишди.

Аввало, мендек ота-онаси йўқ қизни паноҳингизга олиб, меҳр кўрсатганингиз учун Сизга юрагимнинг туб-тубидан каттадан-катта раҳмат. Сиздек ғамхўр Юртбошимиз бор замин фарзанди эканимдан фахрланаман.

Биз — ёшларнинг, халқимизнинг бахтига умрингиз бундан-да зиёда бўлсин.

Салом билан, қизингиз:

**Насиба Нишонова,
Наманган шаҳри, «Янги тонг»
маҳалла фуқаролар йиғини**

2013 йил 21 январь

**Ассалому алайкум, ҳурматли
Ислом Абдуганиевич!**

Сизни яқинлашиб келаётган мустақилликнинг 20 йиллик тўйи билан чин қалбимдан табрикламоқчиман, менинг табригимни қабул қилинг! Сизга ёзаётган ушбу мактубимни охиригача ўқийсиз, деган умиддаман. Мен Сизга кўп раҳматлар айтишим керак.

Менинг ўғлим Азим Шокиров 2003 йилдан буён Қашқадарё вилоятида ҳарбий хизматни ўтаб келарди. 2011 йил 14 январда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан бўлиб ўтган катта байрам тантаналарида унга «Шуҳрат» медали топширилиб, майорлик унвони берилди. Ахир, она учун ўғлининг камолини, унинг ана шундай ютуқларини кўришдан ҳам ортиқ бахт борми? Ҳозирги кунда ўғлим Сурхондарё вилоятида ҳарбий хизматини давом эттирмоқда. Мен ўғлим билан фахрланаман.

Сизнинг менга ўхшаган оналар билан суҳбат ўтказиб юрганингизни телевизорда кўриб, улар қандай бахтли одамлар, деб ҳавасим келади.

Мен Сизни бизнинг Ғова қишлоғига келиб, бир пиёла чой ичиб, меҳмон бўлишингизни, бизнинг

уйимизга қадам ранжида қилиб кетишингизни сўрайман. Биз – қишлоқ аҳли бундан бир умр фахрланиб юрган бўлардик.

Ҳамиша Ўзбекистон халқи бахтига омон бўлинг, яна бир бор байрам билан чин юракдан табриклайман!

Ҳурмат ва эҳтиром билан:

**Сорахон Шокирова,
Наманган вилояти,
Чуст тумани, Ғова қишлоқ
фуқаролар йиғини**

2011 йил 10 август

ШУКРОНАЛИК

Шукроналик — азал-азалдан халқимизга хос бўлган эзгу фазилят. Бу фазилят мустақиллик йилларида эл-юртимиз ҳаётида янгича маъно-мазмун касб этмоқда. Президентимиз номига келаётган хатлар ҳам бу фикрни яққол тасдиқлайди. Мақтуб эгалари нафақат ўз ҳаётидаги ёруғ ва қувончли кунлар, айни вақтда юртимиздаги ҳар қайси инсонга ўз орзу-интилишларини рўёбга чиқариш имконини берадиган тинчлик-осойишталик, меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик муҳити учун, халқимизнинг фидокорона меҳнати туфайли қишлоқ ва шаҳарларимиз қиёфаси тубдан ўзгариб, бозорларимиз тўкин-сочин, хонадонларимиз тобора файзли-тароватли бўлиб бораётгани, юртдошларимиз, айниқса ёш авлодимизнинг онгу тафаккури юксалиб, улар турли соҳаларда янги-янги марраларга эришаётгани, бир сўз билан айтганда, она Ўзбекистонимизнинг бугунги обод қиёфасини кўриш насиб этгани учун шукроналар айтиб, бундай бахтнинг моҳияти ва аҳамиятини оддий мисоллар билан шарҳлашга, тушунтиришга ҳаракат қилишади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, бундай хатлар мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгариш ва

янги ланишлар ватандошларимизнинг фикрини, дунё-қарашини қандай ўзгартираётгани, уларнинг қалбида, юрагида теран из қолдириб, олижаноб ҳистуйғулар, эзгу фикр-мулоҳазалар уйғотаётганини ўзига хос тарзда намоён этиши билан айниқса аҳамиятлидир.

Ассалому алайкум, Президентимиз Ислом оға!

Мен — Сизга Сурхондарё вилояти Шеробод тумани Хомкон қишлоғидан омон-эсонлик саломини йўлловчи 88 ёшли Қиличбобо Рустамов бўламан.

Мақтубимнинг мазмуни шундан иборатки, мустақиллигимизнинг ўн тўққизинчи йили ҳам яхши йил бўлди. Кириб келаётган янги, мустақиллигимизнинг йигирманчи йили Сизга қутлуғ бўлсин ва шу муборак байрам билан табриклайман.

Сиз, биринчидан, Ўзбекистонни дунёга танитдингиз.

Иккинчидан, ўзбек халқини соғлом ва давлатманд қилдингиз.

Учинчидан, тарихда ҳеч бўлмаган энг катта ишлардан бири — Бойсун тоғини оралатиб Туркманистон Республикасига боғлиқ бўлмаган поезд йўлини ўтказиб, мамлакатни обод этдингиз. Сизга раҳматлар айтаман.

Тўртинчидан, йўллар 50—60 метргача кенгайтирилиб, машиналар кечаю кундуз бетўхтов қатнайдиган бўлиб қолди.

Бешинчидан, кўплаб азиз-авлиёларимиз, буюк аждодларимизнинг қадамжоларини обод қилиб қўйдингиз.

Олтинчидан, Ўзбекистон ҳудудида қанча-қанча завод ва фабрикалар, катта-кичик ишлаб чиқариш корхоналари қурилиб, тўкинчилик, арзончилик бўлиб қолди.

Еттинчидан, чегараларимизни мустаҳкамлаб, қўшни мамлакатлардаги хавф-хатарлардан сақлаб турибсиз ва ўзбек халқи хотиржам яшаяпти.

Исломжон, Сиз Хизр кўриб, халқни бой қилдингиз. Шу бойлигимиз абадий бўлсин. Дунё тургунча яшаб, давр сурунг, яхшилар йўлингизга кулиб боқсин.

Сизнинг халқ учун қилган ишларингизни, сағир-суғурларни, пенсионерларни ҳам доим ўйлаб, қайғуришингизни кўриб, Сизга катта раҳматлар айтиб, дуо қилиб суюнамиз.

Исломжон, бу хатни неварамга айтиб ёздирдим, хатоси бўлса кечирасиз. Ҳамма олиб бораётган ишларингиз олға бўлсин. Доимо ишларингиз ривожланиб, айтганингиз айтгандек бажарилаверсин. Биз ҳам Сизнинг тарафдорингизмиз.

Доимо гап-сўзингизни биз ҳам эшитиб турайлик, деб салом билан:

**Рустамов Қиличбобо,
Сурхондарё вилояти,
Шеробод тумани,
Хомкон қишлоғи**

2010 йил 24 декабрь

Ассалому алайкум!

Мен — Собиров Нўъмонжон, ёшим — уч кам тўқсонда. Фарғона вилояти, Тошлоқ туманидаги Садда қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Конизар маҳалласида яшайман. 1942 йилдан 1947 йил сентябрь ойигача ҳарбийлашган ипак комбинатида ишчи бўлиб ишладим. 1947 йил октябрь ойида колхозда оддий сувчи бўлиб ишлаб туриб ўқидим. 1948 йил март ойида, навқирон йигитлик пайтимида, яъни 20 ёшимда колхоз томонидан Фарҳод ГЭС қурилишига юборилдим. Канал қўл меҳнати билан кавланган, меҳнат оғир ва машаққатли кечган. У ерда 9 ой ишлаганман.

Ўша йилларда қилган меҳнатларимни ҳисобга олиб, Сиз «Шухрат» медали, «Ғалабанинг 50 йиллиги» кўкрак нишони билан мукофотладингиз.

Менинг отам 1938 йилда Сталин қатағони даврида қамоққа олиниб, Сибирга сургун қилинган. Биз мустабид тузумнинг кўп азобини чекканмиз.

Дадамнинг айтишича, 1938 йилда Ўзган, Жалолобод, Ўш, Андижон, Кўқон, Марғилон, Фарғона, Ленинобод, Тошкентдан юз минглаб киши этап қилинган экан. 1940, 41, 42, 43-йилларда 42 даража совуқдан маҳбусларнинг кўпи ўлиб кетган экан.

Уруш тугаганидан сўнг маҳбуслар турмадан озод қилиниб, мих заводига ишга қўйилган экан. Менга 17 ёшимда дадамдан хат келганидан кейин хат орқали отамни топиб бордим. Менга турмада ўлганларни, траншеяда кафансиз ётган миллион-миллион муслмонларни, ўзбекларни бориб кўрсатдилар. Ўша ерда дадам билан Куръон тиловат қилиб, бирга қайтганмиз. Дадам 1992 йилда 101 ёшда вафот этдилар. Мени ёшлигимда қамчиси ўткир раислар, ўша даврнинг сиёсий раҳбарлари «халқ душманининг ўғли» деб ҳақорат қилиб, камситишган. Биз нон деб 13 ёшимизда 12 соатлаб ишлаб, қора нон еб катта бўлганмиз. Бугун энди бозорга чиқсам, чиройли нонларни кўриб, бирданига кўзимга ёш келади.

Уруш тугаган йилларда Сиз 7–8 яшар бола эдингиз. Мен еган қора нонни Сиз ҳам рўзгорингизда истеъмол қилгансиз.

Мен 1957 йили ТошМИни битириб келиб, 40 йил районда врачлик қилдим. Туберкулёз, тери касалликлари соҳасида ишладим. Қизил империя даврида бизнинг меҳнатимиз қадрланмади.

Мен учинчи авлод вакили сифатида мустақилликка етиб келганимдан ғурурланиб, Худога минг бор шукурлар айтаман. Мустақиллик неъматини, шукронасини таърифлашга тилим ожизлик қилади.

Мен учинчи авлод вакили номидан Ўзбекистон халқини мустақиллигимизнинг 21 йиллик тўйи ҳамда Конституциямизнинг 20 йиллиги билан таб-

риклайман. Бу мустақилликни биринчи, иккинчи авлод вакиллари орзу қилиб, тилини тишига бошиб гапиролмасдан, оламдан кўз юмдилар. Парвардигор бизнинг бошимизга Сиз — улуғ зотни Президент қилиб берди. Бунинг шукронасини айтиб тугатиб бўлмайди.

Сиз мустақилликни эълон қилганингизда, мен телевизор кўриб ўтирган эдим. Ўша залда ўтирганлар ҳаммаси коммунистлар эди. Сиз «Биз эркин, озод, обод, мустақил, демократик давлат курамиз», деб эълон қилган эдингиз. Залда ўтирганларнинг кўпчилиги тушунмасдан, жим қолди. Сиз, қани қарсақлар, деганингиздан кейин қарсақ чалишди.

Муҳтарам Ислому Абдуғаниевич, Сиз бизни энг тараққий этган Германия, Америка, Франция каби давлатлар қаторига қўшишга ҳаракат қиляпсиз. Худо хоҳласа, ўшалар қаторига етиб борамиз, бунга албатта ишонаман.

Мустақиллик даврида бўлаётган ишларнинг қайси бирини гапирай. Қишлоқ хўжалигини гапирайми, буғдой мустақиллигини гапирайми, таълим соҳасини гапирайми, тиббиётни гапирайми, автомобиль йўлини гапирайми, темир йўллариини гапирайми ёки олимлар кашфиётини гапирайми, Қамчиқ довонини гапирайми, қишлоқ ва шаҳарлардаги ободонлаштириш ишларини гапирайми, гапирсам хатимга сиғмайди.

Биз мустабид даврни бошимиздан кечирганмиз. Тележурналистлар ҳали орамизда бўлган кексаларни, «тирик архив»ларни гапиртириб, ёшларга етказса, ёмон бўлмас эди. Сафаримиз қарияпти. Юрагимизда ёшларга айтадиган гапларимиз кўп. Биз тарихни, ўтмишни билмасдан туриб мустақилликни мустаҳкамлай олмаймиз.

Худойга қараб айтганда, 21 йил ичида 100 йилда бўладиган ишлар бажарилди. Мустақиллик — олий неъмат, у янада мустаҳкамланиб бораверсин. Ўзбекистонда тинчлик барқарор бўлсин.

**Нўъмонжон Собиров,
меҳнат фахрийси**

2012 йил 4 декабрь

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Биринчи сентябрь – мен учун қўшалоқ байрам, чунки мен 1950 йил 1 сентябрда деҳқон оиласида туғилганман. Сизнинг доно сиёсатингиз туфайли Ўзбекистон халқи ўзига хос ва ўзига мос тўғри йўлни танлаб, буюк келажак сари дадил қадам ташламоқда. Истиклол шарофати билан халқимиз ўз-лигини англаб, қаддини ростлади. Ислохотлар изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилиб, юртимизда тинчлик-барқарорлик ҳукм сурмоқда, мулк ўз эгасини топиб, атроф-муҳит мусаффолашди: қумрилар тоза ҳаво маконини, булбуллар гулзору ошёнини топди, лайлақлар яна юртимизга қайтиб келиб, қалдирғочлар полапонларини очишга шошилмоқда. Қушлар ҳам юртимиздаги ҳузур-ҳаловатдан, тўкин-сочинликдан баҳраманд бўляпти...

Жаҳондаги манаман деган иқтисодчиларнинг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарши курашга бағишланган форуми, Осиё тараққиёт банкининг 43-йиллик йиғилиши Ўзбекистонда ўтказилгани бежиз эмас. Улар жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози Ўзбекистон иқтисодиётига деярли таъсир кўрсатмаганини эътироф этиб, бизнинг бу соҳадаги тажрибамизни ўрганаётгани хал-

қимизни янада қувонтириб, юксак чўққилар сари етаклади, муваффақиятларимизни кўролмайдиганларга амалий, кўргазмали жавоб бўлди.

Кўчаларимизнинг кўркига кўрк қўшиб елиб бораётган «Нексия», «Дамас», «Тико», «Матиз», «Ласетти» русумли енгил машиналарни, «Исузу» деб номланган автобусларни кўриб, ҳавас билан боқаман. Улар жаҳон бозорида ўз ўрнини топди. Яқинда германиялик автомобилсозлар юртимизни танлаб, қўшма корхона қуриш ҳақида шартнома имзоладилар. Бу — Ўзбекистонимизга берилган яна бир юксак баҳодир!

Сиз собиқ СССРда биринчи бўлиб Ўзбекистонда Президентликни жорий этдингиз. Сиз келажакни аниқ кўролдингиз. Осиё миқёсида аср қурилиши — бепоён чўлу саҳролар, баланд тоғлар оша темир йўл Сизнинг раҳбарлигингизда барпо этилди.

Сиз — буюк фидойисиз: Ўзбекистонимизнинг бир қарич ерини ҳам бировга бериб қўймайсиз.

Сиз — буюк сиёсатчи, юксак савияли нотиқсиз: тирноқ остидан кир қидирадиган мухбирлар ҳам матбуот анжуманларида Сизга номаъқул саволини беролмай, ерга қараб ўтиришади.

Сиз — бағрикенг, байналмилалчисиз: юртимизнинг байроғини юқори поғонага кўтарган спортчилар, турли соҳада ғолибликни қўлга киритган ҳамюртларимизни, миллатидан қатъи назар, ўз фарзандингиздек бағрингизга босасиз, оталарча қувонасиз, уларни кўкларга кўтарасиз.

Ўтган асрнинг 90-йилларида «Туркистон – умумий уйимиз» шиори билан чиққан эдингиз. Агар қўшни давлатлар бу ажойиб ғоя мазмун-моҳиятининг қадрига етганларида, уларнинг юртларида фуқаролик урушлари, «рангли инқилоб»лар бўлмасди. Ўша давлатларда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози бу қадар томир отмасди, халқаро экспертларнинг хулосаси олинмасдан туриб Роғун ГЭСи қурилиши яна бошланмасди, сув энергетикаси муаммоси юзага келмасди. БМТ минбаридан огоҳлик ҳақида бонг урганингизда жаҳон ҳамжамияти диққат билан қулоқ солганида, терроризм, диний экстремизм, диний ақидапарастлик иллатлари инсониятга бу қадар хавф солмасди.

Сиз – бизнинг паҳлавонимизсиз: соғлигингизни, куч-қувватингизни Ўзбекистон учун аямайсиз. Сизнинг спортчилардек шахдам қадам ташлашингизни, давлат раҳбарлари билан эркин мулоқот қилишингизни, ўзингизни тутишингизни кузатиб, шундай обрўли Президентимиз борлигидан қувонамиз, бошимиз осмонга етади.

Сизнинг ғояларингиз, лойиҳангиз бўйича қурилган иншоотлар барчани ҳайратга солмоқда. Ажойиб фавворалар, майдону хиёбонлар кўзни қувонтиради! Фарғона вилоятига келганингизда Аҳмад Фарғоний ҳайкали, унинг қўлидаги дунё харитаси қандай шаклда бўлишини айтганингизда биз ҳайратда қолдик. Сизнинг ташаббусингиз билан Фарғона,

Кўқон шаҳарларида кенг кўламда капитал реконструкция ишлари амалга оширилмоқда.

Сиз бизга узоқ йиллар раҳбарлик қилинг, оилангиз тинч, тани жонингиз соғ бўлиб юринг.

Ўзим ҳақимда: юқорида ёзганимдек, 1950 йил 1 сентябрда деҳқон оиласида туғилдим. 1974 йили Кўқон давлат педагогика институтининг рус тили ва адабиёти факультетини тамомладим. Бугунги кунда «Фарғона ҳақиқати» газетаси мухбириман. Умр йўлдошим Мукамалхон билан олти фарзандни тарбиялаб вояга етказдик. Тўққиз нафар набирам дориламон замонда яшаётганидан миннатдорман.

1 сентябрь — Мустақиллик байрами куни олти миш ёшга тўламан. Юбилейимга Сизни чин дилдан таклиф этаман! Бундан кейин ҳам мамлакатимизнинг янада гуллаб-яшнаши учун бор имкониётларимни ишга соламан, керак бўлса, жонимни ҳам аямайман.

Ҳурмат ва эҳтиром билан:

**Саҳобжон Абдуллаев,
Фарғона вилояти, Фурқат тумани,
Янгиқишлоқ қишлоғи**

2010 йил 14 май

Хурматли Ислом Абдуғаниевич!

Мен Сизни туғилган кунингиз билан табриклаётганимдан бахтиёрман. Сиз шу йил қутлуғ 72 баҳорни қаршиладингиз, муборак бўлсин! Мамлакатимизда элим деб, юртим деб, халқимга манфаатим тегсин деб, юртим равнақига озми-кўпми ҳисса қўшай деб интилган ҳар бир инсонга, хусусан, ёшларга шундай қутлуғ ёш насиб этсин.

Хурматли Ислом Абдуғаниевич, 2010 йилни «Баркамол авлод йили» деб эълон қилиб, юртимиз ёшларига оталарча ғамхўр эканингизни яна бир бор исботладингиз. Дунёда икки юздан ортиқ давлат бор, уларнинг аҳолисининг қанча қисми ёшлар эканини билмайман, аммо, ўйлашимча, Осиё ва Жанубий Осиё минтақасидаги давлатларнинг кўпчилигида ёшлар аҳолининг катта қисмини ташкил этади. Жанубий Осиё минтақасидаги давлатларнинг кўпчилиги қудратли, аммо ўша давлатларнинг раҳбарлари, жамоат, сиёсат арбоблари ва ўша ердаги фуқаролар юртимиздаги жараёнларни кўзатса, Сизнинг юртимиз ёшларининг келажаги ҳақида қайғуришингиз, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун чиқарган фармону қарорларингиз, давлат дастурларидан бохабар бўлса, бизнинг ёшларимизга ҳавас қилишига имоним комил.

Ўша давлатлардаги ёшларнинг аксарияти салоҳиятда, ақл-заковатда, жисмоний ва маънавий жиҳатдан етукликка интилаётгандир, аммо бизнинг юртимиз — Ўзбекистон ёшларининг таълим-тарбияси, уларнинг етук инсон бўлиши учун берилаётган эътибор, ғамхўрликнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши — ҳамманинг ҳавасини келтириши муқаррар...

Сизнинг ёшлар ҳақидаги қуйидаги ибораларингизни эшитган ҳар қандай инсон таъсирланмаслиги мумкин эмас: *«Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт»*. Қандай ажойиб, пурмаъно фикрлар!

Яна бир иборангизни 1999 йили 16 февралда Олий Мажлис биносида айтган эдингиз: *«Юртимиздаги ҳар бир ёш, ҳар бир йигит ва қиз — менинг фарзандим, менинг ўғлим, менинг қизимдир. Мен ҳеч қачон ўз фарзандларимни ёвуз одамлар қўлига бериб қўймайман!»*

Бу гапларни эшитган хорижлик, агар унинг маънавий даражаси юксак бўлса, кошкийди, менинг юртбошим ҳам шундай бўлса, деб орзу қилиши тайин. Яна бир иборангизни айтиб ўтмасам бўлмайди. Янглишмасам, бу сўзингизни бир неча йил бурун, юртимиз Конституцияси қабул қилинган кун муносабати билан бўлган тантанали маросимда айтган эдингиз. *«Ёшларимиз — бизнинг келажакимиз, деб такрор-такрор айтар эканмиз, уларга умид боғлар эканмиз, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашимиз учун, уларнинг камолоти*

учун бюджетдан ҳар қанча маблағни аямаслигимиз керак ва шарт», деганингизда ўтирганлар қарсақ чалиб, олқишлаган эди.

Юртимизда 2008 йилнинг «Ёшлар йили», 2010 йилнинг «Баркамол авлод йили» деб эълон қилиниши Сизнинг, ҳурматли Ислом Абдуғаниевич, юртимиз ёшларига яна бир қарра оталарча меҳрибон ва ғамхўр эканингизнинг исботи бўлди.

Сиз 2004 йилнинг декабрь оyi бошларида Оқсаройда давлат мукофотларини топшириш маросимида шахмат бўйича жаҳон чемпиони Рустам Қосимжоновни табриклай туриб, юртимиз алломалари ўз ақл-заковатлари билан дунёни ҳайратга солган, бизнинг фарзандларимиз, ёшларимиз ўша аллома аждодлари, бобокалонлари каби ўз ақл-заковатлари билан бутун жаҳонни забт этишини Худодан сўрайман, деган эдингиз ва бу сўзларингизни барча ёшларга берилган оқ фотиҳа дейиш мумкин.

Сизни таваллуд айёмингиз билан оилам аъзолари номидан чин юракдан табриклайман. Парвардигор Сизга узоқ умр, мустаҳкам саломатлик, бахтсаодат берсин, доимо ўз паноҳида асрасин. Халқимиз, ёшларимиз бахтига доимо эсон-омон бўлинг.

Камоли эҳтиром ила:

**Тошпўлат Ашуров,
Бухоро вилояти, Когон шаҳри,
Дехқонобод кўчаси, 13-уй**

2010 йил 17 январь

**Ассалому алайкум, ҳурматли
Ислом Абдуганиевич!**

Халқпарвар инсон сифатида Сизни ва оила аъзоларингизни яқинлашиб келаётган 30 январь – туғилган кунингиз билан чин қалбимиздан табриклаймиз.

Юртимиз тинчлиги, фаровонлиги йўлида қилаётган фидокорона меҳнатингиз туфайли Ватанимиз жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллади. Мамлакатимизда жамиятни янада демократлаштириш соҳасида қабул қилинаётган адолатли ва халқпарвар қонунлар ва амалга оширилаётган ислохотлар халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада оширмоқда. Сизнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий тараққиётимизнинг муҳим устувор йўналишларини оқилона ва тўғри белгилаб берганингиз туфайли шу қисқа 20 йил ичида бир неча асрларга тенг буюк ишлар қилинди.

Ахир, бу ютуқларга ўз-ўзидан эришилаётгани йўқ. Қанча кураш, меҳнат, ирода, қарама-қаршиликлар, ҳавас ва ҳасадлар – ҳамма-ҳаммасини енгиб ўтиш эвазига эришилмоқда.

Бугунги кунда фарзандларимизга яратилаётган шароитларни кўриб, беихтиёр болалигимиз эсга ту-

шади. Биз зиёли оиладан чиққан бўлсак-да, аччиқ кунларни кўрдик. Ичадиган сувимиз ариқ ёки қудуқдан бўлгани учун ҳар хил касалликлар кўп эди. Кечаси милтираб турадиган керосин лампа, қишнинг қаҳратон совуғида топган ўтин, топмаган тезак ёқарди. Ҳафтада бир марта қора шўрва, гўштсиз. Нонга тўйиш — байрам. Қисқаси, халқнинг аҳволи оғир эди. Шунга қарамасдан, ота-онамиз зиёли бўлгани туфайли, бизнинг билим олишимизга бутун кучини сарфлашар эди.

Отамиз Иккинчи жаҳон урушида қатнашиб, Дон дарёсидан то Берлингача яёв юриб, душманни қувиб борганлар. Биз ўз интилишимиз ва ҳаракатимиз билан олий ўқув юртларида таълим олдик.

Яратганга минг бора шукурлар бўлсинки, мустақиллигимиз шарофати билан халқимиз ва фарзандларимизга муносиб шароитлар яратилапти. Юртимизга кўз тегмасин. Элдошларимиз қатори бизнинг ҳам фарзандларимиз олий ўқув юртларини грант асосида аъло баҳоларга ўқиб битирдилар. Бири — олий тоифали инглиз тили ўқитувчиси, бири — тадбиркор, яна бири — ички ишлар тизимида ишлаб, юрт осойишталигини асрашга ҳисса қўшяпти. Тўртинчи фарзандимиз ота-бобоси йўлидан бориб, маориф соҳасида ишляпти, бешинчи қизимиз эса болалар шифокори. Барчамиз мустақиллигимизни мустаҳкамлашга хизмат қиляпмиз. Худога шукурки, барчасига мустақиллигимиз туфайли эришдик.

Энди турмуш ўртоғимиз билан кейинги беш, ўн йиллар ичида ва ундан кейинги ишларни режалаштириб, ширин орзулар оғушида яшаймиз. Режалар катта – неварачевараларни тарбиялаб, таълим бериш, ота-боболарига, элига, юртига, Президентига содиқ, комил инсонлар қилиб ўстириш. Ватанимизни асраб-авайлаш, Сизнинг «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, кам бўлмаймиз ҳам» деган шиорингизни доимо қалбимизда сақлаб яшаш.

Ўзбекистонимизда абадий тинчлик, хотиржамлик ҳукм сурсин!

Самимий ҳурмат билан:

**Бобожоновлар оиласи,
Хоразм вилояти, Гурлан тумани,
Абдулла Қодирий кўчаси, 1-уй**

2012 йил 25 январь

Президентимиз Ислом Абдуганиевичга

Муҳтарам Юртбошимиз!

Ўзбекистон Олий Кенгашининг 1990 йил март ойида бўлиб ўтган тарихий сессиясида Сиз Оллоҳнинг иродаси билан собиқ СССР республикалари ичида биринчи Президент бўлиб сайландингиз.

Ўшанда Сиз бошлаган савоб ишлардан бири Ўзбекистонда биринчи бўлиб бизнинг Кўтарма, Навоий ва Тошлоқ маҳаллаларимиз учун масжид қурдириб берган эдингиз. Ва ушбу масжидга Имом Бухорий ҳазратларининг номи берилган эди. Шу масжид қурилганидан бери ҳақингизга дуо қиламиз.

Сизни муборак таваллуд кунингиз билан табриклаб, Оллоҳ Сизни ўз паноҳида асрашини, сўзингизни ўткир қиличдек кескир қилиб, бахтимизга чинор ёшини кўришингизни сўраб қоламиз.

Режалаштирган барча савоб ишларингизни бажариш, кўзлаган катта ва улуғ мақсадларингизга эришиш насиб этсин.

Ҳурмат билан:

**Тоштемир Шодиев,
Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри,
Кўтарма маҳалласи, Гавҳар кўчаси, 25-уй**

2013 йил 30 январь

**Ассалому алайкум, ҳурматли
Ислом Абдуганиевич!**

Дунёда ҳали ҳеч ким Ўзбекистон деган давлат борлигини билмаган бир пайтда уни мустақил давлат деб эълон қилиб, оёққа қўйишингизда қилган саъй-ҳаракатларингизни бугун барча — ёш гўдакдан тортиб кексагача ҳамма яхши билади.

Сизнинг раҳнамолигингизда ҳамма соҳаларга катта эътибор қаратилмоқда. Фарзандларимиз кўркам, замонавий биноларда ўқимоқда. Фермердан тортиб шифокору ўқитувчигача, ёшу кекса, эркагу аёл — барчаси учун кенг шароитлар яратилган. Айниқса, узоқ муддатли кредит асосида қуриб берилаётган замонавий уйлар мендек кўп болали оналар учун айти муддао бўлди. Менинг беш нафар ўғлим бор. Кўпгина оналар қатори мен ҳам уй-жой қуришни ўйлаб, бу ёғи энди нима бўлади, қандай қурамиз, деб кечалари ухлолмай чиқардим. Ана шу муаммони, яъни уй-жой масаласини ҳал қилишга катта имконият яратиб берганингиз учун Сизга раҳмат.

Бизнинг юртимизда ёшлар чет элларда ўқиб-ўрганиши, илм олиши учун имкониятлар эшиги очик, ана шу имконият туфайли ҳам бир фарзан-

дим чет элда ўқияпти. Ота-боболаримиз учун армон бўлиб қолган ҳаж зиёратига бориб келиш ҳам эмин-эркин бўлиб қолди.

Яқинда бир фарзандим ҳарбий бўлгани учун Термиз шаҳрига бориб, йўл-йўлакай муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиб келдик. У ерлардаги ўзгаришларни кўриб, бениҳоя хурсанд бўлдик.

Шундай алғов-далғов замонда 30 миллион халқнинг бахт-саодатини ўйлаб, тинчлик ва осойишталикка бош бўлаётган Сиз Президентимизнинг олтин бошингиз омон бўлсин.

Кўп фарзандли оддий бир она ва фуқаро сифатида Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаб, узоқ йиллар ўзбек халқига бош бўлиб, юртимизни бошқаришингизни Оллоҳимдан сўрайман.

Ҳурмат билан, олий тоифали инглиз тили фани ўқитувчиси:

**Раҳима Омонова,
Наманган вилояти,
Учкўрғон шаҳар,
Бобур кўчаси, 33-уй**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти,
Ўзбекистон Қуролли Кучлари Олий Бош
Қўмондони муҳтарам Ислом Абдуғаниевич
Каримовга аскар онасидан мактуб**

Ассалому алайкум, Ислом Абдуғаниевич!

Мен Сизни ва Ўзбекистонимиздаги Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини, тинчлигимиз учун хизмат қилаётган барча ҳарбийларни 9 май – Хотира ва қадрлаш куни билан табриклайман. Сизларга узоқ-умр, сиҳат-саломатлик тилайман.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Менинг кенжа ўғлим Ҳайдаров Маҳмуджон Қашқадарё вилояти, Нишон тумани, Толлимаржон шаҳрида жойлашган ҳарбий қисмда хизмат қиляпти. Мен ўғлимнинг ҳақиқий инсон, ўзбекнинг орномусли эр йигити, қасамёдига содиқ, мард, жасур бўлишини хоҳлайман.

Ўғлимнинг ўз йигитлик бурчини виждонан бажариб, чегара қўшинларида хизмат қиляётганидан фахрланаман.

Ҳурмат билан:

**Раъно Ҳайдарова,
Андижон вилояти,
Олтинкўл тумани**

2010 йил 11 апрель

**Ассалому алайкум, мухтарам
Ислом Абдуганиевич!**

Мен — Химиланов Таймураз Константинович, асли кавказликман. Россия Федерациясининг Осетин автоном республикаси Дур-дур деб номланган қишлоғида 1961 йил 30 январда туғилганман. II гуруҳ ноғирониман. Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикаси, Беруний тумани, Гагарин кўчаси, 29-уйда истиқомат қилиб келяпман. Тақдир тақозоси билан Ўзбекистонга келиб, бу юртни ва унинг меҳнаткаш, меҳмондўст халқини севиб қолдим. Мана, 30 йилдирки, шу ерда яшаб келяпман. Қорақалпоқ қизига уйландим. У билан икки қизни тарбиялаб, вояга етказдик.

Мен ўзимни дунёдаги энг бахтли инсон, деб биламан. Сабаби — бошқа юртларда Ўзбекистондаги каби оққўнгил, самимий инсонларни учратмаганман. Улар орасида яшашнинг ўзи бахт. Шунингдек, Сиздек буюк инсон билан бир кунда туғилганимдан фахрланаман.

Сизни таваллуд кунингиз билан ўзим ва оила аъзоларим номидан қизгин қутлайман. Ҳамиша эл-юрт бахтига соғ-омон юринг, деб тилак билдирувчи:

**Таймураз Химиланов,
Қорақалпоғистон Республикаси,
Беруний тумани**

2012 йил 14 январь

**Ассалому алайкум, мухтарам Президентимиз
Ислом Абдуганиевич Каримов!**

Авваламбор, ушбу миннатдорлик сўзлари битилган мактубни йўллар эканман, Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, дунёдаги жамики эзгу тилакларни тилаб, жонажон Ватанимиз – Ўзбекистонни дунёдаги буюк давлатлар сафига қўшиб, бугунгидек байрамлари, тўйлари ва яхши кунларида доимо бош-қош бўлиб юришингизга тилакдошман.

Яқинда биз бир гуруҳ фермер ва тадбиркорлар тажриба алмашиш, янги техника ва технологиялар билан танишиш мақсадида 24–31 июль кунлари Хитой давлатида бўлиб қайтдик. Фурсатдан фойдаланиб, биз фермерларга мана шундай имкониятлар яратиб берганингиз учун Сизга ўз миннатдорлигимни билдираман.

Биз Хитойда бир ҳафта бўлдик. Кўплаб янги техника, технологиялар билан танишдик. Билмаган нарсаларимизни ўрганишга ҳаракат қилдик. Шу билан бирга, мен қаерга борган бўлсам, ўша ердаги одамларнинг урф-одатлари, тўйлари, яшаш шариоитлари билан қизиқдим. Кўрганларим, эшитганларимни бир ерга жамлаб, шу хулосага келдимки, биз дунёдаги энг бахтли халқ эканмиз. Чунки ер

юзидаги энг гўзал Ватанимиз, оққўнгил, меҳмондўст халқимиз ва Сиздек буюк Юртбошимиз бор.

Бу сўзларим хушомад ёки шунга ўхшаш нарса эмас, аксинча, бугунги бахтли, саодатли кунлар учун минг бор шукроналик ва миннатдорлик сўзларимдир. Чунки кондиционерсиз бир соат ҳам яшаб бўлмайдиган жойларни кўрдик, китоблари қимматлигидан сотиб олишга пули етмасдан, кеч-гача китоб магазинида китоб ўқиб ўтирган ёшларни кўрдик.

Мени лол қолдиргани шу бўлдики, ана шундай юртларнинг бирида бир кишини машина уриб кетиб, касалхонага олиб боришганида пулини тўламагани учун докторлар қарашмабди. Ҳалиги одам шунча худонинг зорини қилса ҳам, ялиниб-ёлворса ҳам, олдин пулини тўла, кейин даволаймиз, дейишибди. Натижада ўша одам бақириб-бақириб жон берибди.

Бу гапларни эшитиб, Ўзбекистондек давлатда яшаётганим учун Оллоҳга минг бор шукроналар айтдим. Бу мисол фақатгина бизнинг давлатда инсон ҳамма нарсадан устун қўйилиши, ҳамма нарса инсон учун хизмат қилиши, бизнинг давлатимиз нақадар халқпарвар эканининг исботидир.

Бугун бизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат деймизми, таълим-тарбия соҳаси деймизми — барчаси дунё аҳлининг ҳавасини келтираётгани қалбимизни гурур ва ифтихорга тўлдиради.

Бугун кўпгина давлатлар ўз ёшларини ҳатто бир йил ўқитишга қийналиб турганида, юртимизда 12 йиллик узлуксиз бепул таълим берилиши давлатимиз салоҳиятидан дарак беради.

Хитойда илм-фан янгиликларидан дарров ишлаб чиқаришда фойдаланилар экан. Бизда ҳам бу нарса анчадан бери йўлга қўйилгани, ҳали фойдаланилмай ётган қанчадан-қанча имкониятларимиз борлигини кўриб, мен шу нарсага амин бўлдимки, ана шу имкониятларимиздан фойдалансак, яқин келажакда биз дунёнинг ривожланган давлатлари қатори кира оламиз. Бунга бизда ҳамма шароит ва имкониятлар бор.

Мен ўзим чекка бир қишлоқда яшайман. Қишлоғимиз ўртасидан катта Ўра дарёси оқиб ўтади. Дарё ёқалаб жойлашган аҳоли томорқаларида қанчадан-қанча ўрик, олма ва бошқа мевалар етиштирилади. Айни пишиқчилик маҳали фарқ етишган меваларнинг қанчаси исроф бўлиб кетади. Шу ерда мўъжазгина қайта ишлаш цехи бўлса, ҳатто кўшни қишлоқлар аҳолисига ҳам анча қулай бўларди. Бизда чорвачилик анча ривожланган. Худди шу каби жун ва терини қайта ишлашни йўлга қўйсак, жуда фойдали бўлар эди. Мен мана шу икки соҳада кичкина бўлса ҳам қайта ишлаш цехини қуришни мўлжаллаб турибман. Бунга қилиш учун бугун давлатимиз барча шароитларни яратиб берган.

Тўрт қатор нарсани қоғозга тушириш, ёзиш қийин экан. Айтмоқчи бўлганларимнинг ярмини ҳам ёзолмадим. Айтмоқчи бўлган энг муҳим нарсам шуки, бу — бугунги кун учун шукроналик, бу кунларнинг қадрига етишимиз керак. Ва кечагина ҳеч ким танимаган, билмаган халқни бугун шу даражада қудратли юрт, бахтиёр, озод миллат даражасига олиб чиққанингиз учун бир фуқаро сифатида ўз миннатдорлигимни билдираман.

Шу билан ушбу миннатдорлик сўзларим битилган мактубимни тугатар эканман, сизга яна бир бор эзгу тилакларни тилаб, халқимизнинг бахтига доим соғ-омон бўлиб, дунёда буюк давлат бўладиган Ўзбекистонга бугунгидек бош-қош бўлиб юришингизни тилайман.

Ҳурмат ва эҳтиром билан:

**Баҳодир Абдуллаев,
Деҳқонобод тумани,
Шўргузар қишлоғи**

**Азиз Юртбошимиз
Ислом Абдуғаниевич Каримов!**

Сизга бу мактубни ёзишимга яқинда «Ўзбекис-тон» каналида эфирга узатилган «Калаванинг учи» кўрсатуви сабаб бўлди.

Биз ўйланиб қоламиз: ўша ватангадо кимсаларга нима етмаяпти ёки юртимизнинг тинчлиги, осмонимиз мусаффолиги, болаларимизнинг шодон кулгиси уларнинг тинчлигини бузаяптими? Ахир, бугунимиз кечадан яхшилигига ҳаммамиз гувоҳмиз, эртанги кунимиз янада фаровон бўлишига ишончимиз комил.

Менинг ўйлашимча, телевизорда кўрсатилган нохуш ҳолатлар тинч-тотув ҳаётимизни, гўзал юртимизни кўролмайдиган ёвуз ниятли кимсаларнинг иши. Улар «Ўзбекистонни ҳар кўйга соламиз», деб ўйлашмасин, бу қўлларидан келмайди. Сабаби, буни ғурур билан айтамиз, биз Ўзбекистонимизни ҳеч кимга бермаймиз, ҳеч кимга қарам бўлмаймиз. Чунки бу эзгу мақсад бутун халқимизнинг юрагидан ўрин олган, барчамизнинг тилимизда ҳам, дилимизда ҳам шу ният.

Гапларимга ўзимдан мисол келтирадиган бўлсам, ўн икки йилдан бери Навоий машинасозлик

заводида ишлайман. Уч нафар фарзандим бор. Ҳаётим ҳавас қилгулик. Фарзандларимнинг мактабга ўйнаб-кулиб боришлари, аъло баҳоларга ўқиётгани, шодон кулгиси бизни осойишта кунларнинг қадрига етишга ундайди.

Навоий шаҳри ҳам мустақиллик йилларида янада чирой очди, кўз тўймайди, жуда сўлим, тароватли шаҳарга айланди. Буларнинг бари Сизнинг тўғри сиёсатингиз, узоқни кўра олишингизнинг самарасидир.

Бахтимизга доим соғ-саломат бўлинг.

**Шавкат Абдуллаев,
Навоий вилояти, Кармана
тумани, Янгиариқ маҳалла
фуқаролар йиғини**

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Қашқадарёда бўлган учрашувларингиздан бирида *«У кунларни ҳеч қачон унутмайман, шу воҳа — менинг она юртим, умримнинг охиригача гурурланаман, фахрланаман, бу юрт меҳрини қалбим тўрида доимо сақлаб юраман»*, деган сўзларингизни биз вилоят аҳли ҳозиргача эслаб юрамиз. Айниқса, *«Мени ўз фарзандидек кўриб, нон-туз берган, меҳр-оқибат кўрсатган, яхши-ёмон кунларимда ёнимда турган, раҳбар сифатида камолга етишимга сабабчи бўлган, меҳнаткаш, бағрикенг, оқкўнгил Қашқадарё халқига яна бир бор бош эгиб, таъзим қиламан»*, деган сўзларингизнинг ўзи Қашқадарёда туғилиб ўсган мен каби минг-минглаб инсонларни чексиз қувонтиради.

Бугунги кунда мен каби бир она нималарни Ҳақ таолодан сўраши мумкин? Албатта, тинчликни, юртимиз дунё тургунча туришини сўрайди. Сизга, шу заминда меҳнат қилаётган болаларимга Оллоҳ таолодан юртдошларимнинг — юртимнинг тинчлигини сўраб ҳар куни дуо қиламан.

Муҳтарам Президент!

Авваламбор, ҳар бир инсон ўзининг ишчанлик қобилиятига эга бўлиши, ўз навбатида, ҳаётда олган билими ва яна ҳаётий тажрибаларидан келиб

чиққан ҳолда, ҳалол меҳнат қилиши кераклиги ҳақида болаларимга доимо таъкидлайман. Турмуш ўртоғим, иккинчи гуруҳ ногирони Исмоил Бобомуродов (илгари тракторчи бўлган) билан биргаликда олти фарзандни вояга етказиб, уйли-жойли қилдик. Сиз айтганингиздек, тақдир деймизми, нон-насиба қўшилгани деймизми, ҳозирги кунда уч фарзандим ҳарбий хизматда. Бир ўғлим пойтахтда, яна бири Фарғона водийсида хизмат вазифаларини ўтаб келмоқда. Ҳар гал пойтахтдаги фарзандим-никига борганимда, Тошкент шаҳрида бўлаётган ўзгаришларни кўриб қувониб кетаман. Бу саъй-ҳаракатлар ҳаммаси Сизнинг раҳбарлигингизда амалга оширилаётган хайрли ишлар деб биламан.

Сизга Қашқадарё халқи, қолаверса, Косон туманидаги Бойтерак қишлоғида истиқомат қилаётган, Сиз яқиндан биладиган одамлар ва оила аъзоларим номидан узоқ умр, сиҳат-саломатлик тиланган ҳолда, ўз тадбиркорлигим асосида келинларим билан тўқиган ишларимдан бирини таваллуд кунингиз муносабати билан совға тариқасида тақдим этмоқчиман ва халқимизга кўрсатаётган оталарча ғамхўрлигингизни бир умр эсдан чиқармайман.

Чексиз ҳурмат билан:

**Муҳаррам Бердиева,
Қашқадарё вилояти, Косон тумани,
Бойтерак қишлоқ фуқаролар йиғини**

2012 йил 18 январь

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Мен — Каримова Лола, 1941 йил 2 августда туғилганман. Тошкент шаҳридаги 13-мактабда ўқидим. 1961 йили Тошкент давлат университети-нинг филология факультетига ўқишга кирдим. Ўқишни тугатиб, шу факультетнинг аспирантура бўлимида тадқиқот олиб бордим. Илмий ишимни муваффақиятли тугатганимдан сўнг ушбу факультетда узоқ йиллар лаборант, ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент вазифаларида ишладим.

1984—1986 йиллари мен Кобул давлат университетида «Ўзбек тили ва адабиёти» кафедраси очилиши муносабати билан Афғонистондаги ўзбек болаларига ўзбек тилидан дарс бердим. Фаолиятим давомида Тошкент давлат университетининг рус ва ўзбек талабалари учун бир қанча ўқув қўлланмалари, дарсликлар ёздим. Ҳозирги кунда мен ўқитган талабалар Олий Мажлис, вазирликлар ва бошқа нуфузли даргоҳларда фаолият олиб бoryпти.

1993 йилдан эътиборан пенсия олиб, қарилик гаштини суриб келяпман.

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич, давлатимизни Сиздек инсон бошқараётганидан фахрланаман. Сиз юртимиз тарихини, адабиётини, илм-фанини юк-

сак чўққиларга чиқариб, ўзбек миллатини кўкка кўтардингиз. Сизни ота-боболаримиз руҳи кўллаб-қувватласин. Номи унутилган боболаримизнинг асарларини юзага чиқариб, Оллоҳ олдида юзингиз ёруғ бўлиб, улуғ инсонларнинг номларини дунёга таратишда улкан ишлар қилмоқдасиз. Боболаримиз Амир Темури, Мирзо Улуғбек, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий каби алломаларимизнинг таваллуд кунлари нафақат диёримизда, балки Англия, Франция, Германия каби давлатларда нишонланаётгани мамлакатимизнинг нуфузидан далолат беради ва шу даражага эришишни Сизнинг улуғ қалбингиз, ҳимматингиз, иродангиздан деб биламан.

Сизга узоқ умр, саломатлик тилайман. Сизнинг ҳар бир маърузангизни тинглайман ва юракдан айтилаётган сўзларингизга кўзларимда ёш билан қўшиламан, ҳақингизга дуо қиламан.

Оллоҳим ҳар бир ишингизда мададкор бўлсин, юртимиз бундан ҳам обод бўлсин.

**Лола Абдуғаниевна Каримова,
Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани,
Гулобод мавзеси, 14-уй, 33-хонадон**

**Ассалому алайкум, барчамиз учун азиз ва қадрли
бўлган ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!**

Ҳар йили 30 январь арафасида Сизга табрик хати ёзаман-у, юборишга келганда эса иккиланиб қоламан. Дунёдаги барча яхши тилакларни, эзгу ниятларни, чиройли сўзларни ёзгандек бўламан, аммо яна қандайдир сўзлар етишмаётгандек ўзимча истиҳола қиламан, ўйланиб қоламан. Ниҳоят, бу сафар тилакларим битилган мактубни юборишга жазм этдим.

Ҳурматли ва азиз Юртбошим, Сизни таваллуд айёмингиз билан шахсан ўз номидан, меҳнаткаш андижонликлар номидан, тиббиёт жамоамиз номидан, оила аъзоларим номидан чин қалбимдан табриклайман. Сизга узоқ умр, соғлиқ-саломатлик, куч-қувват, юзингиздан кулги ва табассум аримаслигини тилайман.

Ҳар йили 30 январь тонги ўзгача қувонч ва ифтихор билан уйғонаман. Чунки, бизнинг оиламиз учун ҳам шу куни катта байрам. Тўкин дастурхон атрофида тўпланиб, Сизнинг ҳақингизга дуо қиламиз. Овсинларим ва барча танишларимга, «Мен давлатимиз раҳбари туғилган кунда таваллуд топганман», деб ғурурланиб гапириб юраман. Олло-

химнинг қудрати улуг эканки, буюк инсонларни яратаётиб, уларга гўзал чехра, ёқимли истара, ақл-идрок, сабр-тоқат, кучли билим ва мустақкам ирода ато қилар экан.

Муҳтарам Президент, мана, она Ватанимиз мустақилликка эришганига ҳам 20 йил тўлди. Бу давр ичида жаннатмакон юртимиздаги мислсиз ўзгаришлар, ривожланишлар, шаҳару қишлоқларимизнинг гуллаб-яшнаши, ёшларнинг билими, дунёқараши кенгайиб, салоҳияти ошиб бориши, инсон манфаатларининг юксак даражада қадрланиши Сиз олиб бораётган оқилона сиёсат самарасидир. Ана шундай эзгуликлар орқали Ўзбекистон деб аталмиш юртимизни бутун дунё тан олиши эса энг олий бахтдир.

Муҳтарам Президент, инсон фақат яхши ният қилиши, изланиши, интилиши, келажакка умид ва ишонч билан боқиши керак экан. Одам ўзи эриша олмаган орзу-умидларига фарзандлари орқали эришар экан. Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтсам. Менинг тиббиёт олий ўқув юртларида ўқишга имконим бўлмаганидан ўрта махсус билимга эга бўлиб қолганман. Бу орзу-истак орзулигича қолган эди. Оллоҳимга минг бор шукурлар бўлсинки, мустақиллик туфайли бир нафар фарзандим, яъни набирангиз Андижон тиббиёт институтининг 3-курсида таҳсил олоқда. Мен ўзим мисолимда фарзандларим орқали қанчалар бахтли бўлсам, Сиз бутун Ўзбекистонимиздаги беқиёс ўзгаришларни, ўйла-

ган орзу-ниятларингиз ижобатини, қилган ишларингиз самарасини кўриб, қанчалар қувонишингизни тасаввур қиляпман...

Сизнинг ташаббусингиз билан қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида кишининг ҳавасини тортадиган ажойиб уй-жойлар қуриляпти. Бизнинг туманда ҳам ана шундай, замонавий уйлар барпо этиляпти. Янги қурилаётган ана шундай уйлардан олишга ҳаракат қиляпмиз. Худо хоҳласа, ана шундай уйлардан бирини олсак, ўзингиз нутқингизда айтиб ўтганингиздек, бизнинг меҳмонимиз бўласиз. Биз эса Сизга набираларингиз билан андижонча ош қилиб, тандирларда иссиқ нонлар, сомсалар ёпиб берамиз.

Ҳурмат билан:

**Жонона Мамадалиева,
Андижон вилояти,
Избоскан тумани,
Пойтуғ шаҳарчаси**

2011 йил 26 январь

Муҳтарам Ислом Абдуганиевич!

Сизга чин юракдаги фикрларни билдириб, оддий қишлоқ фуқаросининг мактубини охиригача ўқийсиз, деган умид билан ёзмоқдаман.

Биринчи. Мустақиллик тўғрисида.

Мустақилликнинг дастлабки йиллари, яъни 1991–1993 йиллар давомида оиламдаги 5 нафар фарзандим билан бир оз қийналганимда, Сизга — 28 миллион аҳолини бошқараётган инсонга қанчалик қийин ва оғир бўлганини ўзимга яхши тасаввур қилганман ва Сизни жуда кўп эслайман.

Сиз кўрсатган ва белгилаб берган бозор иқтисодиётининг маълум босқичи ўтилганидан сўнг, яъни 1994–1997 йилларда яхши силжишлар бўлди. Оддий мисол, биз оилам билан, яъни рафиқам билан мактабда оддий ўқитувчи бўлганмиз, ҳарҳолда, эскироқ бўлса-да, автомобиль сотиб олдик. Бу — қишлоқ турмуш тарзининг яхшиланиб бориши эди.

1998–2008 йиллар мобайнида 5 нафар фарзандимни коллежларда ўқитиб, 4 марта тўй қилиб, икки нафар ўғлимга алоҳида уй-жой қилиб бердим. Оиламизнинг йирик даромад манбаи йўқ, бунга фақат мактаб, оддий ўқитувчилик орқали

эришганимни ўйласам, ҳаммаси мустақиллик ша-рофати, Сиз танлаган йўл тўғрилигининг қишлоқ-даги исботи, деб биламан.

Мен 2008 йилдан буён пенсиядаман. Оллоҳга шукурларки, 34 йиллик ўқитувчилик фаолиятим-нинг 18 йили мустақиллик йилларига тўғри келди. Дастлаб оилам билан қийналсак-да, ўқитувчиликни ташламаганимиз учун ҳозир минг карра шукрона-лар айтаман. Чунки бугун пенсияларимизни ойма-ой уйимизга олиб келиб беришяпти.

Фарзандларимдан — бир қизим ўқитувчи, икки ўғлим механик, яна икки ўғлим эса энергетик. Улар давлат корхоналарида ишлашмоқда.

Иккинчи. Асарларингиз ҳақида.

Мактабда ишлаб юрган давримда асарларин-гизнинг деярли барчасини ўргандик ва ўргатдик. Кўп асарларингизни дунё тан олгани кўпчиликка маълум. Эътироф этилган асарларингиз ҳақида матбуотда ўқиганман. Лекин, улар ҳақида гапи-радиган бўлсам, сиёсатчи бўлмаганим боис, фикр доирам етмас, аммо бир асарингиз мазмун-мо-ҳияти билан бизнинг қишлоғимизда тўла кўринди. Бу — «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарин-гиздир.

Исботи: 2010 йилнинг январь-март ойларида қишлоғимизни Қўқон шаҳри билан боғлайдиган йўлни ҳашар йўли билан асфальт қилдик. Ҳашар-ни бир оз бошқарганим туфайли шу нарсани бил-димки, ҳақиқатан ҳам, маънавият ҳаётда, турмуш-

да устун нарса экан. Чунки, онги, маънавияти ва ички дунёси юксак кишиларимиз ўртача яшаса-да, ҳашарга яхши ҳисса қўшишди. Маънавияти паст, дунёқараши тор кишилар эса, гарчи ҳовлисида икки-учта автомобили ва анчагина кўчмас мулки бўлса-да, ҳашардан ўзларини четга олишди. Шундай бўлса-да, апрель ойида йўлимиз битиб, фуқароларга қулайлик яратилди. Бу – Сиз номлаган «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили»да бошлаган ишимизнинг давомидир.

Учинчи. Диний эътиқод ҳақида.

Оллоҳга шукурлар бўлсинким, Худони таниб, иймонга келганим ҳам мустақиллик билан тенгдош. Йигирма йилдан буён қишлоқ масжидлари одамларнинг, айниқса, қарияларнинг ибодат қилишлари учун қулай бўляпти. Кўпчилик қатори менинг ҳам улуғ ниятим бор – ислом динимизнинг бешинчи аркони бўлган муборак ҳаж сафарига оилам билан бориш орзуимиз амалга ошишидан умидворман.

Тўртинчи. Мустақиллик давридаги ўзгаришлар ҳақида.

Қишлоғимиз тарихий бўлиб, Ўрозимерган деб номланади. Қўқон шаҳри билан чегарадош қишлоғимизда 170 га яқин оила бўлиб, уларнинг 90 тасида энгил автомобиль бор. Бу автомобилларнинг 80 фоизи мустақиллик йилларида сотиб олинган.

Мустақиллик тўғрисида салбий фикр билдирган баъзи кимсаларни ё дангаса, ёки худбин, деб биламан. Бу неъматларга шукур қилмаслик — ноинсофликдан бошқа нарса эмас.

2011 йилни Шукроналик йили, деб атаса ҳам бўлиши мумкин.

Мактубим сўнгида, Сизга узоқ умр, соғлиқ-саломатлик тилаб қолувчи, оддий фикрларни билдирган, собиқ ўқитувчи, пенсионер:

Равшанбек Норматов,

Фарғона вилояти,

Учкўприк тумани

2010 йил 22 ноябрь

Ассалому алайкум, Ислом Абдуғаниевич!

Эрталаб «Ахборот» теледастурида — дунёдаги кўплаб мамлакатларнинг президентлари Сизга Жаноби Олийлари деб табрик йўллашларини эшитиб, кўзимга беихтиёр ёш келди, наҳот, бегоналар Юртбошимиз қадрини шунчалар кўтарсалар-у, доимо биз учун яшаган, юртнинг тинчлигини, яна бир бор таъкидлайман, унинг тинчлиги ва осойишталигини (кечиринг мени, бу сўзнинг қадрини менчалик ҳеч ким билмаса керак, мен бунинг қадрини бошқача улуғлайман. Чунки ота-онам, бутун яқинларим Қирғизистон Республикасида яшайди), ободончилигини, гуллаб-яшнашини, гўзал келажагимизни ўйлаган улуғ бир инсоннинг қадр-қимматини унутиб қўйгандек, бегоналардан олдин Сизга табрик мактубларини жўнатмаганимиз учун кечиринг, биз нодон фарзандларингизни кечиринг!

Бечора ота-онам бундан йигирма йил олдин яккаю ёлғиз қизларининг келажагини ўйлаб, мени шу юртга кўчириб келишган экан, айтишади-ку, мен кўрмаганимни сен кўргин, болам, деб. Ота-онам менга бундай дейишган:

— Қизим, жон қизим, ҳали кўрасан, Ўзбекистоннинг келажаги буюк, ўша ерда яшаб ўзингни

ва фарзандларингнинг келажагини мустаҳкам ва гўзал қилгин, бунга ҳали жуда кенг имкониятлар яратилади, биз бунга ишонамиз, ақлимиз етаяпти. Чунки, Ислом Каримов жуда узоқни кўрадиган ва келажакни ўйлайдиган инсон бўлиб кўзимизга кўриняпти.

Бугун ўзим бунинг гувоҳи бўляпман.

Мана, йигирма йилга яқин шу юртнинг нон-тузини ичиб, меҳнат қилиб, фарзандларимни вояга етказиб, қўлимдан келганча шу заминга ўз фидойи меҳнатим билан ёш авлодни маънавиятли, билим савияси юқори, виждонли, ватанпарвар қилиб тарбиялашда ўз ҳиссамни қўшиб келмоқдаман.

Менинг бирдан-бир орзуим — Ўзбекистон Республикасининг асл фарзанди бўлиш. Мен — жуда бахтлиман, чунки фарзандларим Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, биз шу юртда яшаётганимиздан Оллоҳга шукроналар айтамиз. Буларнинг барчаси учун Сиздан миннатдормиз. Ташаккур!

Биласизми, айтсам ҳеч ким ишонмайди, қанақасига, ахир, сиз Қирғизистонда туғилгансиз-ку, деб. Йўқ, мен 16 ёшимда Марғилонга келганман, мени бу юрт ўқитди, касб-ҳунарли қилди, оқу қорани танитди, уйли-жойли қилди, иш ўрнига эга қилди, шу ерда обрў-эътибор қозондим, дўстлар, ёру биродарлар, қўшнилари, таниш-билишлар орттирдим, буларга шукрона келтиришимиз керак-ку, ахир!

Марғилон ҳудудига илк қадамимни қўйишим билан беихтиёр яйрайман, ўзимни жуда хотиржам, эркин ҳис қиламан.

Азиз Ислом Абдуғаниевич!

Юқоридаги ҳар бир сўзим чин дилдан, юракдан чиққан, қачонлардан бери ичимда сақлаб келаётган самимий туйғуларим, холос.

Яна бир бор қизингиз Замирахоннинг чин дилдан йўллаган табригини қабул қилинг. Мустақиллик, озодлик, фаровонлик, гўзал ҳаёт барчамизга абадий ёр бўлсин!

Ҳурмат билан:

**Замирахон Саримсоқова,
Фарғона вилояти, Марғилон
шаҳри, Марғилоний кўчаси,
98-уй, 12-хонадон**

2011 йил 29 август

**Ассалому алайкум, азиз Президентимиз
Ислом Абдуғаниевич Каримов!**

Мен яқинда телевизор орқали Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган «Шарқ тароналари» фестивалини томоша қилдим. Бутун дунёдан санъаткорлар иштирок этган бу ажойиб байрам халқимизнинг юксак меҳмондўстлик анъаналарини яна бир бор намойиш қилди. Меҳмонлар қадимий обидаларимиз, бой маданиятимиз билан яқиндан танишди.

Менга, айниқса, италиялик машҳур санъаткор Албанонинг кўшиғи, унинг тупроғимизни ўпиб, Ватанимизга юксак эҳтиром кўрсатгани ва Сизни ўзининг Президенти деб атагани чуқур таъсир қилди. Дарҳақиқат, Сизни наинки юртимизда, балки чет мамлакатларда ҳам севишади ва ҳурмат қилишади.

Ўзбекистондек жаннатмонанд диёрда туғилганимдан чексиз бахтиёрман. Сиздек Президентим, Ўзбекистондек Ватаним борлиги учун фахрланаман ҳамда шукроналар келтираман.

Сизга мустақкам соғлиқ ва узоқ умр тилайман. Халқимиз бахти ва фароғатини ўйлаб қилаётган барча ишларингиз учун миннатдорлик билдираман.

Сизга таъзим ва эҳтиром ила:

**Нигора Саидова,
Бухоро шаҳри**

2011 йил 12 сентябрь

**Ассалому алайкум, муҳтарам Президентимиз
Ислом Абдуганиевич!**

Янги — 2011 йил байрами билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Яқинда Россия пойтахти Москва шаҳрида бўлиб ўтган анжуманда Қирғизистонда ўзбек миллати вакилларига қилинган хунрезликлар ҳақида гапирган гапларингизни эшитиб, тўлқинланиб кетдим. «Бу — Ўзбекистон Президенти, бу — ўзбек фарзанди, ўзбек миллатининг халоскори», дея ғурурландим. Худо шоҳид, бир неча бор Сизни тушимда кўрдим. Мана шу Москвада гапирган гапларингиздан таъсирланиб мактуб йўллашга аҳд қилдим.

Бизнинг Ўзбекистонимизга, ўзбек миллатимизга Оллоҳнинг назари тушган, ҳамиша мададкор бўлиб келган. Жаннатмакон юртимиздан дунё тан олган буюк алломалар, олиму уламолар, саркардалар етишиб чиққани ҳақида кўп ёзиш мумкин.

Мен бир нарсани ўйлаб қоламан. Босқинчилик зулми остида яшаётган халқимизга Оллоҳ ўзи суйган зот — Соҳибқирон бобомизни юборди. Аввалига ҳозирги Қарши ҳудудларини қўлга киритган бобомиз охири давлат тепасига келди. Халқини мўғул босқинчиларидан озод этиб, фаровон бир давлатни барпо этди.

Президентимизнинг ҳам давлат тепасига келиши, халқимизни мустақилликка олиб чиқиши, Ўзбекистон дея аталувчи давлатимизнинг равнақ топиши бу — Оллоҳнинг халқимиз бошига яна бир адолатли ҳукмдорни юбориши, деб ўйлайман.

Сиз урф-одатларимиз, анъана ва маросимларимиз, миллийлигимизни асраб қолдингиз. Боболаримиз орзиқиб кутган, интилиб курашган озодликни қўлга киритиб, уларнинг руҳини шод этдингиз. Шўролар даврида номлари қораланган алломаларимиз, азиз-авлиёларимиз, олиму уламоларимиз номларини, бузиб ташланган муқаддас қадамжоларини қайта тиклаб, улар қолдирган маънавий бойликларни асраб-авайлаб, Ўзбекистон деган тинч, фаровон, озод ўлкани дунёга танитиш — буларнинг барчаси буюклик.

Ҳурматли Президент Ислом Абдуғаниевич, ўзбек халқи бошига омон бўлинг. Ўзбек халқи мана шундай буюк фарзандлари билан улуғдир.

Келаётган янги йил халқимиз учун янада омадли бўлсин.

Яна бир бор Янги йил байрами билан табриклайман.

Ҳурмат ва эҳтиром билан фуқаронгиз:

**Нормаат Йўлдошев,
Қашқадарё вилояти, Касби тумани,
Байдоқчи қишлоғи**

2011 йил 6 январь

ЁШЛАР – БУГУНГИ ВА ЭРТАНГИ КУНИМИЗНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧИ

Президентимиз Ислом Каримов номига мамлакатимизнинг турли шаҳар ва қишлоқларида яшаётган ёшлардан ҳам ҳар куни кўплаб хатлар келади. Улар ўзлари таълим олаётган мактаблар, лицей ва коллежлар, олий ўқув юртларида, меҳнат қилаётган жамоаларда яратилган замонавий шароитлар, амалга оширилаётган ижобий ўзгаришлар аввало давлатимиз раҳбарининг ёшларга бўлган доимий эътибор ва ғамхўрлигининг натижаси эканини таъкидлаб, бунинг учун Юртбошимизга самимий миннатдорлик билдиришади.

Бундай мактубларни ўқир эканмиз, мустақиллик йилларида туғилиб вояга етган соғлом ва баркамол авлодга хос бўлган мустақил фикрлаш, миллий ўзликни англаш, она юртга муҳаббат, замонавий илм-фан ва касб-ҳунарларни эгаллашга астойдил интилиш, Ўзбекистоннинг бугунги ва эртанги куни учун ёниб яшашга тайёрлик каби энг муҳим хусусиятлар уларда ўз ифодасини топганини кўрамиз. Хат муаллифлари ҳаётнинг турли соҳаларида эришган дастлабки қувончли ютуқлари ҳақида фахр билан фикр юритишар экан, инсон фақат эркин ва озод Ватандагина шундай на-

тижсаларга эришиши, том маънода бахтли бўлиши мумкин эканини, шунинг учун ҳам гўзал диёримизни, унинг мустақиллигини, бугунги тинч ва фаровон ҳаёт, мусаффо осмонни қадрига етиб, уларни ҳимоя қилиб яшаш ўзларининг муқаддас бурчи деб билишларини алоҳида уқтириб ўтишади.

Бу хатларда «Биз — буюк зотларнинг авлодимиз, уларнинг шонли анъаналарини давом эттиришга, Президентимиз ғояларини амалга оширишга қодир-миз» деган фикр яққол сезилиб туради. Мазкур хатлар ана шундай даъваткор руҳи билан алоҳида қимматга эга, деб ўйлаймиз.

**Ассалому алайкум, азиз ва меҳрибон
Ислом ота!**

Мен, аввало, Сизни яқинлашиб келаётган туғилган кунингиз билан чин қалбимдан табриклайман. Сизга ҳамиша соғлиқ-саломатлик ва омонлик, оилангизга тинчлик ва бахт-саодат тилайман.

Мен – Жумаев Жасур Алимбоевич Сизнинг Ўзбекистонда яшаётган миллион-миллион фарзандларингиздан бири эканимдан фахрланаман. 1984 йил 24 декабрда Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги Сижжак қишлоғида туғилганман.

Афсуски, тақдиримда бор экан, 1997 йил 4 майда белимдаги асаб томири шамоллаши туфайли икки оёғим ишламай, ногиронлик аравачасига ўтириб қолдим ва биринчи гуруҳ ногиронига айландим. Энди камолга етиб келаётган ёшимда ногирон бўлиб қолганимдан қанчалар қийналганимни, кечалари ўксиб-ўксиб йиғлаб чиққанларимни, чопқиллаб юрган жўраларимга ҳавас билан қараб қолганларимни асло унута олмайман.

Шу зайлда йиллар ўтди. 2004 йилда отамнинг дўсти Владимир Петрович Фотиннинг маслаҳати билан илк бор «сомон санъати» сирларини ўргана бошладим ва шу йўналишда устозим Отабек Йўл-

дошевга шогирд тушдим. Кейинчалик — 2007 йилда Тошкент шаҳридаги имконияти чекланган ўқувчилар республика касб-ҳунар коллежида компьютер ва компьютер ускуналари бўлимида таҳсил олдим.

Коллежда компьютер сирларини ўрганган, шунингдек, «сомон санъати» билан шуғулланиб келаётган бўлсам-да, кўнглимда ўзимга ишончсизлик, қандайдир тушкунлик бор эди. «Сомон санъати» билан ҳам асосан уйдагиларнинг кўнгли учун, вақтни бекор ўтказмаслик учун шуғулланардим. Шундай бир пайтда, яъни 2008 йилнинг ёзида ўртоқларим Сизнинг «Юксак маънавият — энгилмас куч» китобингизни келтириб беришди. Китобни ўқир эканман, бутунлай бошқа дунёга тушиб қолгандек бўлдим. Айниқса, асарнинг «Энг буюк жасорат» деб номланган бўлимини кўзимда ёш билан ўқидим. Ундаги «Энг буюк жасорат — бу маънавий жасоратдир», деган сўзларингиз, Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддиновнинг касалманд, ногирон ҳолда қандай катта ишлар қилгани ҳақида, агар одам чин дилдан интилса, мақсадга албатта етиши ҳақида билдирган фикрларингиз мен учун ниҳоятда катта сабоқ бўлди.

Китобни қўлимдан қўймай ўқиб чиқар эканман, худди дунёга қайта келгандек бўлдим. Қалбимда ўзимга нисбатан ишонч туғилди ва санъат билан қаттиқ шуғулланишга аҳд қилдим. Бу интилишларим эса, аввало, Сизнинг ёшларга кўрсатаётган

доимий эътибор ва ғамхўрлигингиз, яратиб бераётган шароитларингиз туфайли тезда ўз самарасини берди ва менинг ўзимга, ўз кучимга, истеъдодимга бўлган ишончимни янада мустаҳкамлади. Хусусан, 2008 йил мен учун ниҳоятда омадли келди. Мен «Келажак овози» кўрик-танловида «сомон санъати» йўналишидаги асарларим билан иштирок этиб, республика босқичи совриндори бўлдим ва имтиёзли равишда Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институтига ўқишга қабул қилиндим. Шу йили «Асрлар садоси» анъанавий маданият фестивалида ҳам фаол қатнашдим. 2009 йилда эса Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилган «Ташаббус – 2009» танловининг Мирзо Улуғбек тумани босқичида ғолиб ва Тошкент шаҳар босқичида учинчи ўрин соҳиби бўлдим. Шу йили яна Ўзбекистон Бадиий академияси бир қатор тегишли ташкилотлар билан биргаликда ташкил этган «Тасвирий санъат ҳафталиги – 2009» кўрғазмаси ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган «Озод юртнинг обод пойтахти» танлов-кўрғазмасида, шунингдек, Конституция кунига бағишланган «Ватанни улуғлар навқирон авлод» кўрғазмаларида ўз асарларим билан иштирок этдим.

Айни пайтда фаолиятимни «Арт ёғду» ижодий гуруҳи аъзоси сифатида «сомон санъати» устаси Анвар Назаров билан биргаликда давом эттирмақдаман.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Сизнинг бебаҳо асарингиз туфайли ҳаётимда эришган ютуқлар менга янги-янги куч-қувват бағишламоқда. Бу муқаддас Ватанда яшаб, ўз фаолиятим мисолида юракдан ҳис қилиб шуни айтмоқчиманки, инсон астойдил интилса, меҳнат қилса, заҳматлари бесамар кетмас экан.

Ҳозир мен ўзимни ногирон деб ҳисобламайман. Шундай озод Ватанга, унинг донишманд раҳбарига, қолаверса, ҳаётга, санъатга бўлган муҳаббат ҳар қандай дардни даволашга, қийинчиликларни енгишга қодир экан.

Буларнинг барчаси учун Сизга бутун ўзбекистонлик ёшлар, бахтли фарзандларингиз номидан яна бир бор чуқур миннатдорлик изҳор этиб, тугилган кунингизга арзимас бўлса-да, совға сифатида ўзим ишлаган асарларимдан намуналар юборишга журъат этдим. Агар фурсат топиб, ушбу асарларим билан таниша олсангиз ва ўз фикрларингизни билдирсангиз, ўзимни беҳад бахтиёр ҳисоблардим.

Самимий ҳурмат билан:

**Жасур Жумаев,
Тошкент вилояти, Бўстонлиқ
тумани, Сижжак қишлоғи**

2011 йил 23 январь

Ассалому алайкум, азиз бобожон!

Сўзимнинг аввалида Сизни ҳур-эркин Ўзбекистонимиз мустақиллигининг 20 йиллик тўйи муносабати билан муборакбод этаман. Шу ўринда мустақиллик деб аталмиш олий неъмат, истиқдолга эришишимизда кўрсатган беқиёс қаҳрамонлигингиз учун Сизга ўзим, оилам номидан ташаккур айтаман.

Ўрта мактабда ўқиган чоғларимда устозларимдан мустақилликка эришишимиздаги жасоратларингиз ҳақида жуда кўп эшитгандим. Лекин ўзим гувоҳ бўлмаганим сабабли бу ишларга бир қадар енгил қарардим. Кун кеча Ўзбекистон телевидениеси орқали намойиш этилган «Мустақиллик арафасида ёхуд шўроларнинг сўнгги талвасаси» ҳужжатли фильми менда улкан таассурот қолдирди.

Кўрсатувни томоша қилар эканман, Сиздаги жасорат, буюк ирода, сўнмас ақл-идрок мени беихтиёр лол қолдирди. Сиз буюк инсон эканингизга, Ўзбекистон учун яралганингизга яна бир карра амин бўлдим.

Мустақиллик учун курашдаги жасоратингизга ҳар қанча миннатдорлик билдирсак-да, ҳар қанча таҳсинлар айтсак-да, бу Сизнинг ўша даврда қил-

ган меҳнатларингизнинг бир қисмига ҳам тенг эмаслигини биламиз.

Мен 1991 йилда туғилганман. Мен — истиқлол фарзандиман, мустақиллик тенгдошиман, эсимни танибманки, атрофимдаги яқинларим, дўсту дугоналарим барча-барчамиз бугунги кунга қадар муҳтожлик нима эканини билмай улғайибмиз, барчамиз тенг ҳуқуқлимиз, аҳил-иноқ ҳаёт кечиряпмиз, бу ҳам бўлса, Сизнинг машаққатли саъй-ҳаракатларингиз натижаси экан.

Биз Сиздек етакчи билан ҳамиша фахрланамиз ва доимо Сизнинг изингиздан қадам-бақадам юрамиз. Сиз олиб бораётган ислоҳотларнинг келажакдаги давомчилари бўлишга ваъда берамиз.

Сизга чексиз ҳурмат билан:

**Малоҳат Мамадалиева,
Фарғона вилояти, Фарғона
тумани, Водил қишлоғи**

2011 йил 19 август

**Ассалому алайкум, меҳрибон
Президентимиз Ислом Каримов!**

Авваламбор, Сизни таваллуд айёмингиз билан оиламиз номидан чин қалбимдан табриклайман.

Мен бу хат орқали узоқ йиллар давомида юрагимнинг тубида сақлаб юрган сўзларимни ёзмақдаман.

Аввало, мен бундай гўзал диёр, тинч Ватанда мустақил инсон бўлиб яшаётганимдан фахрланаман. Сизнинг олиб бораётган сиёсатингиз халқимиз, айниқса, биз – ёшларга жуда катта имкониятлар яратиб бермоқда. Сиздек олижаноб, сахий Юртбошимизнинг *«Юртимизда яшаётган барча-барча ёшлар – менинг фарзандларим»* деган сўзларингиз ҳали-ҳануз қулоғим остида жаранглайди. Чунки бу сўзларнинг маъноси жуда ҳам теран. Шундай мард, меҳрибон Юртбошимиз борлигидан бениҳоя фахрланамиз.

Мен 2004 йили Тошкент давлат шарқшунослик институтига ўқишга кирдим ва Сизнинг биз – ёшларга яратиб берган имкониятларингиздан фойдаланиб, Жанубий Корея Республикасининг нуфузли университетидан грант асосида малакамни ошириб келдим. Бундай муваффақиятларга

эришишим, аввало, Сиздек меҳрибон Юртбошимизнинг ёшларга кенг йўл очиб берганингиз тугайлидир. Сизнинг **«Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт»** деган сўзларингиз бизларни руҳлантиради.

Сизнинг саъй-ҳаракатларингиз ва жонкуярлигингиз сабабли Ўзбекистонга ташриф буюрган ҳар бир меҳмон юртимизда бўлаётган бунёдкорлик ишларини кўриб, лол қолади. Ҳа, албатта, Ўзбекистоннинг қайси гўшасига бормайлик, бунёдкорлик ишлари кўзларни қувонтиради, дилларга завқ солади. Биз нафақат билимда, балки спорт соҳасида ҳам улкан ютуқларга эришмоқдамиз.

«Ҳеч бир нарса мамлакатни спортчалик дунёга тез танита олмайди» деган гапларингиз ўз исботини топяпти.

Шу ўринда айтиб ўтмоқчиманки, дадам Исmoil Матҳолиқов Сизнинг спортга берган алоҳида эътиборингиз тугайли «Дўстлик» ордени билан тақдирландилар. Акам, мен ва синглим дадамга берилган бу мукофотни кўрганимизда кўзларимиздан севинч ёшлари тошганди. Бунинг ҳаммаси Сизнинг халқимиз ва спортчиларимизга бўлган эътиборингиздан далолат беради. Ўзбекистондек юртни Сиздек оқил ва адолатли инсон бошқариб турганидан жуда ҳам фахрланамиз.

Ўзим ва оилам номидан, юртимизнинг барча ёшлари номидан Оллоҳдан, аввало, Сиз учун соғлиқ, узоқ умр сўрайман. Ўзбекистонни Сиз бошқариб турганингиздан фахрланамиз. Биз ёшлар ҳамisha ўзбек деган номни дунёга танитиш ва унга муносиб фарзанд бўлишга ҳаракат қиламиз.

Ҳурмат ила:

**Мавжуда Матҳолиқова,
Тошкент шаҳри,
Чилонзор, 8-даҳа,
1-уй, 52-хонадон**

**Ассалому алайкум, биз учун ҳамиша қадрли ва
ҳурматли бўлган Юртбошимиз
Ислом Абдуғаниевич!**

Сизни туғилган кунингиз билан чин юракдан табриклайман, Сизга узоқ умр, бахту саодат ва инсон учун ҳамиша зарур бўлган соғлиқ, саломатлик тилайман. Сиз бир инсон Ватан учун қилиши керак бўлган хизматларни юз чандон ортиғи билан адо этдингиз. Мустабид СССР мустамлакаси-дан қуруқ қўл билан халос бўлиб чиққан, салкам инқироз ёқасига келиб қолган давлатни ўз ақлу заковатингиз билан озод ва обод Ватанга айлан-тирдингиз. Ватанимизда бозор иқтисодиётининг йиллар сари ўсиб бориши, тадбиркорликнинг, хусусий бизнеснинг ривожланиши, катта-катта корхоналар, завод ва фабрикаларнинг қад кўтариши, мактаб ва боғчаларнинг қайтадан таъмирланиши, керак бўлса, янгитдан барпо этилиши, йўллар ва темир йўлларнинг қурилиши, фермерликнинг ривожланиши, шаҳар ва қишлоқларнинг ободлиги, гўзал ва шинам, барча талабларга жавоб берадиган уйлар қуриб битказилиб, биз — ёшларга топширилиши Сизнинг одилона сиёсатингиз туфайли амалга оширилмоқда.

Муҳтарам Ислом Абдуганиевич, дадам раҳматлик 1991 йил Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилинишидан олдин автоҳалокат туфайли 40 ёшида оламдан ўтган. Ўшанда биз – 4 нафар фарзанд ёлғиз онам билан қолганмиз, мен эса 6 яшар қизалоқ эдим. Ана шундай оғир пайтда Сизнинг боқувчисини йўқотган оилаларнинг 16 ёшгача бўлган фарзандларига давлат томонидан бериладиган ёрдам пули ҳақидаги фармонингизга биноан ҳар ой бизга пул берилар эди. Мактабимизда яна 15 нафар етим бола бор эди. Ўйлаб қарасам, биздан ташқари Ўзбекистон бўйича қанчадан-қанча етимлар, болалар уйларида эса минг-минглаб ота-онасиз, чин етим-есирлар Сизнинг ғамхўрлигингиз туфайли ўсиб-улгайиб, вояга етишди. Шундай экан, Сизга раҳматни бир ўзим номимдан эмас, минг-минглаб оналар ва болалар номидан айтаман. Ватан учун, Ватан болалари учун қилган яхшиликларингизни Оллоҳ ҳам кўриб турибди. Илоҳим, Оллоҳ Сизга икки дунё саодатини берсин.

Бобожон, ҳар йили туғилган кунимда тонгда кўзимни очаману Сиз ҳақингизда ўйлайман. Куни бўйи ҳам, кечаси ҳам Сизни ўйлайман. Чунки ўша куни Сизнинг ҳам туғилган кунингиз бўлади. Ҳа, бобожон, мен ҳам 30 январь куни туғилганман. Илоҳим, Сизнинг ёшингизга етиш менга ҳам насиб қилсин.

Бобожон, Сиз ҳечам 73 ёшга кирган инсонга ўхшамайсиз. Назаримизда, Сиз 50 ёшга кирганга

Ўхшайсиз. Биз эса Сизни ҳамиша ана шундай ёшариб, полвон ва кўркам бўлиб юришингизни хоҳлаймиз. Бахтимизга фарзандларингиз ва невараларингиз билан доимо соғ-саломат юринг.

Элу юртимиз тинч ва фаровон бўлсин, деб, қизингиз:

**Наимахон Метинова,
Фаргона вилояти,
Бағдод тумани**

2011 йил 28 январь

Ассалому алайкум, ҳурматли Президентимиз!

Мен кўп йиллардан буён Сизга табрик хати ёзишни орзу қилар эдим, лекин шу вақтгача мактуб йўллашга ботина олмаганман. Сабаби — бунга ўзимни лойиқ деб билмас эдим. Мана, энди, Сизга Ўзбекистон фарзанди сифатида мактуб йўллашга ўзимни лойиқ кўрдим. Мен — Андижон давлат университети педагогика факультети, педагогика-психология йўналиши учинчи босқич талабасиман.

Сизнинг ташаббусингиз билан 2010 йилнинг юртимизда «Баркамол авлод йили» деб эълон қилиниши менинг амалга ошираётган ва амалга оширмақчи бўлган лойиҳаларим учун ғойибона қанот берди, десам адашмайман. Кўп йиллардан буён маҳалла, оила, жамият, мактаб ҳамкорлиги асосидаги «Маҳаллада ўсмир ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш» лойиҳасининг муаллифи ва тарғиботчиси эдим.

2010 йил — «Баркамол авлод йили» давлат дастури биринчи бандининг мақсад ва вазифалари айнан бир неча йиллар давомида амалга ошириб келаётган лойиҳамнинг мақсад ва вазифалари билан ҳамоҳанглиги мени янада илҳомлантирди.

2010 йил январь ойининг иккинчи, учинчи ўн кунлигида вилоятимизнинг Избоскан туманидаги

«Бирлашган» маҳалла фуқаролар йиғини тасарруфидаги ўсмир ёшлар билан «Маҳалла хонадонларининг томорқаларидан оқилона фойдаланиш» мавзусида, март ойида Андижон шаҳридаги 9-сонли «Кўшариқ машъали» маҳалла фуқаролар йиғини тасарруфидаги ўсмир ёшлар билан «Биз — баркамол авлодмиз» мавзусида учрашувлар ўтказдим. Шунингдек, 20–24 апрелга қадар 9-сонли маҳалла фуқаролар йиғини тасарруфидаги 3-умумтаълим мактаби ўқувчилари билан «Дин ниқоби остидаги экстремистик оқимларга қарши курашда ёшлар онгида мафкуравий иммунитетни шакллантириш» мавзусида вилоят миқёсида семинар тренинг, яъни машғулот ўтказдим.

Бундан ташқари, «Глобаллашув жараёнида ахборот-психологик хавфсизликни шакллантириш масалалари» мавзусида илмий иш бошладим. Энг қувонарлиси, илмий ишим бўйича чоп этилган мақолаларим, маърузаларим билан университет, вилоят, республика миқёсида ўтказилган илмий-услубий анжуманларда қатнашиб, «Энг яхши тадқиқот иши» (2010 йил 18 март), «Энг яхши мақола муаллифи» (2010 йил 23 апрель) номинацияларида ғолиб бўлдим.

2010 йили «Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мактаби» дастурида таҳсил олиб, сертификат билан қайтдим ва ўзимнинг газ ва электр ресурсларини тежашга қаратилган «Ёғ-мой чиқиндиларидан энергия манбаи сифатида фойдаланиш тизимини яратиш» мавзусидаги лойиҳам билан Ўзбекистон

Либерал-демократик партияси Андижон вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган «Диплом билан бизнесга» номли лойиҳалар танловида биринчи ўринни олдим.

Устозларимнинг ўғити, изланишларим натижасида 2010 йил Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан Алишер Навоий номидаги давлат стипендиясига муносиб деб топилдим.

Эришган ютуқларимнинг ҳар бирига алоҳида тўхталиш нокамтарлик туюлмасин. Бу ютуқларим аввало Сизнинг олиб бораётган оқилона сиёсатингиз, сабъ-ҳаракатларингиз натижаси деб биламан. Ҳеч бир бошқа давлат оддий талабанинг яратган лойиҳасига, олиб бораётган фаолиятига бизнинг давлатимиздагидек эътибор қаратиб, юксак баҳоламайди.

Мен — бир оддий фуқаро, талаба Ўзбекистон Республикаси Президентига таваллуд куни муносабати билан қандай совға қилишим мумкин, деб кўп ўйладим. Шу кунгача мен эришган барча ютуқлар Сизнинг оқилона сиёсатингиз маҳсули деб ҳисоблайман ва таваллуд айёмингизга шу ютуқларимдан кўра муносиб ҳадя топа олмадим.

Сизга чексиз ҳурмат билан:

**Отабек Мухторов,
Андижон шаҳри, Шимолий
кичик даҳа, 28-«Г» уй, 21-хонадон**

2011 йил 25 январь

**Ассалому алайкум, муҳтарам
Юртбошимиз!**

Мен Сизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобингизни ўқиб, ўлкамизга озодлик ва ободлик, беқиёс яратувчилик руҳини олиб келган истиқлолимизнинг ўз-ўзидан қўлга киритилмаганини, бу улуғ неъмат буюк бир жасорат, азму шижоат ва матонатнинг маҳсули эканини чин қалбимдан англадим. Китобдан жой олган нутқ ва маърузаларингиздан бениҳоя ҳайратга тушдим.

Ҳайратларимни Сиз ишонган, халқимизнинг таянчи ва суянчи деб биладиган менинг тенгдошларим – Ўзбекистон ёшлари билан баҳам кўришга ижозат беришингизни сўрайман.

Сизга чуқур эҳтиром билан қизингиз:

**Фарида Умаралиева,
Данғара саноат касб-ҳунар
коллежининг учинчи
босқич ўқувчиси,
Зулфия номидаги давлат
мукофоти совриндори**

ҲАЙРАТ

*Президент Ислом Каримовнинг
«Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида»
китобини ўқиб*

Азиз тенгдошим, мен ҳам сиз каби истиқлол фарзандиман. Миллион-миллион навқирон ёшларимиз қатори мен ҳам озод ва ҳур Ватанда туғилганимдан чексиз фахрланаман. Мустақиллик ҳавосидан тўйиб нафас олиб, эркин муҳитда ўсиб-улгайдим. Мустақиллик деб, Ватаним деб тилим чиқди. Жонажон юртимга, бунёдкор элимга, шундай фаровон ҳаётимизнинг ижодкори, илҳомчиси бўлган халқимга, Президентимга бўлган жўшқин меҳрим, дилимга сизмаган завқим қўлларимга беихтиёр қалам тутқазди.

«Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китоби онгу тафаккуримда янги бир оламга йўл очди. Мустақилликка эришиш осон бўлмагани, истиқлол учун халқимиз муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида қанчалар фидойилик кўрсатганини ҳар қачонгидан ҳам чуқурроқ ҳис этдим. Истиқлолимиз берган буюк неъматларни таърифлаб дostonлар ёзиш орзуси қалбимни чулғаб

олди. Орзуларимнинг дебочаси бўлган бу илк рисоламни «Ҳайрат» деб атадим ва сизнинг қалбингиз ҳайратларига ҳамоҳанг бўлса, деб умид қилдим, қадрли тенгдошлар!

ҚУДРАТЛИ ЗАРБА

«Биз бундан буён эскича яшолмаймиз...»

Китобнинг дастлабки саҳифаларини варақлаб, шу сўзларни ўқир эканман, шуурумда яшин чақнагандек бўлди. Юртбошимизнинг қалбидан вулқондек отилиб чиққан бу оташин сўзлар «СССР» деб ном олган, бутун дунёга дағдаға солган улкан империянинг мутлақо яроқсиз эканини аёвсиз фош этган эди.

Ҳолбуки, ўша пайтда Ўзбекистон ҳам ана шу салтанатга қарам бир ўлка эди.

«Биз бундан буён эскича яшолмаймиз ва бундай яшашга замоннинг ўзи йўл қўймайди» деган бу сўзлар Ислоом Каримов республикаимиз раҳбари этиб сайланган куннинг эртасигаёқ, яъни 1989 йил 24 июнь куни Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Фарғона водийси областларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш масалаларига бағишланган кенгашида сўзланган тарихий нутқнинг бош ғояси бўлди.

Бу — 70 йилдан зиёд вақт давомида не-не элу элатларни, қанча-қанча халқларни қарамликда, мутеликда, зулм исканжасида тутиб келган мустабид «Марказ»нинг пўлат зирҳли қалъасига Ўзбе-

кистон раҳбари томонидан берилган биринчи ва қақшатқич зарба эди.

Бу даъваткор сўзлар юртимиз осмонини юз йиллардан буён қоплаб ётган қора булутлар бағрини тилка-пора қилган, зулм кўргонини ларзага келтирган қудратли чақмоқ бўлди.

Бу мардона сўзлар юртимиз уфқини ёритиб, истиқлол қуёши кўтарилиб келаётганидан дарак берган ажиб бир мужда, ҳуррият бонги эди.

Китоб муаллифи ўша тарихий нутқида залда ўтирган кўпчилик раҳбарларнинг юрагида эл учун фидойилик ҳисси йўқлигини очиқ ифода этган ҳолда, **«Лекин, афсуски, бугунги муҳокамадаги ёндашув ва усуллар бу ерда ўтирган ва ўша масалалар учун жавобгар бўлган одамларнинг масъулияти ўзгармасдан қолганини кўрсатмоқда»**, деб куюнчаклик билан сўз бошлаган эди.

Истиқлолнинг тўлиқ ғалабаси учун ҳали олдинда қанча-қанча машаққатли, изтиробли курашлар турганига қарамасдан, ана шу тарихий нутқ Ўзбекистонимиз истиқлолининг биринчи ва ёрқин ғалабаси эди.

Ўзбекистон етакчиси ўзининг илк оташин нутқи билан мустабид тузумга қарши очиқ майдонга чиқди. Унинг юзида, сўзида, кўзида, ишида, бутун вужудида жасорат ва фидойилик ҳисси яққол намён бўлиб турар эди.

Кенгашни ўтказиб бўлибоқ, ўт-олов ичида қолган Фарғонага — газабга тўлган халқнинг ичига

ёлғиз ўзи кириб бориши, кейинчалик Наманганда кўтарилган даҳшатли ғалаёнлардан чўчимасдан, ҳақиқатнинг кўзига тик қараб, ваҳший оломонни кутилмаган азму шижоати билан лол қолдириши — бундай фидойилик намуналари ўша нутқда ифода этилган жасоратнинг амалий ифодаси эди.

Азиз Юртбошим халқимиз, Ватанимиз тақдир, биздек ёш авлод келажагини ўйлаб, ўта қалтис бир беллашувга, таъбир жоиз бўлса, ҳаёт-мамот жангига кирганларида, қанча-қанча одамларни домига тортиб кетаётган даҳшатли тўфонни тўсишга бел боғлаганларида қандай туйғулар вужудларини ларзага солган экан?

Мустабид «Марказ»нинг ўт-олов сочиб турган замбаракларига кўксини қалқон қилганларида қайси қудратли кучга таяндилар экан?

Хаёлларимни чулғаб олган бундай саволларнинг адоғи йўқ.

Юрагимнинг қат-қатларига назар ташлайман. Олис мозийга хаёлан саёҳат қиламан. Тарих зар-варақларини қайта-қайта очаман. Мустақиллигимиз остонасига тиниқ ўйлар билан боқаман. Дилимни қийнаган ўтли саволларга жавобни «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобидан топаман: **«Мамлакат катта фалокат ёқасига, жар ёқасига келиб қолганини кўриб турибмиз!»** «**Неча йиллар давомида ўзбек... «катта оға»-га қарамлигини ҳис этиб келди. Нима учун бунга чидаш керак?!»**

Юртбошимиз ўша таҳликали вазиятда ўз фаолиятини бирор дақиқани ҳам бой бермасдан, буюк азму шижоат билан эл-юрт олдидаги фарзандлик бурчини адо этиш — жамиятимизга нисбатан ўтказиб келинган ноҳақлик ва адолатсизликка чек қўйишдан бошлади. Чунки зўравонлик асосига қурилган тоталитар машина мавжуд экан, барча халқларни, ўнгу сўлига қарамасдан, жарлик сари суриб бораверишини у кўп йиллик раҳбарлик тажрибасидан яхши тушунар эди.

Оммавий қатағонлар

Халқимизни ўз ери, ўз уйида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий камситиш, унинг хоҳиш-истакларини менсимаслик 1917 йилги октябрь тўнтарышидан сўнг қоида тусини олган ва бунга барча кўникиб қолган эди.

Шўролар қисқа вақт ичида Туркистон халқининг миллий давлатчилигига барҳам берди, уни ўз тарихидан маҳрум қилди, тилига кишан солди, маданият ва маънавиятини горат этди. Бундай ёвузликлар аниқ режа асосида олиб борилди. Шўролар даврида Ўрта Осиёнинг энг йирик миллати бўлган ўзбеклар миллат сифатида ҳалокат ёқасига келиб қолди. Зўравон тузум ҳар қандай ҳақли талаб билан майдонга чиққан кишига «миллатчи», «халқ душмани» деган тамғани уриб, уларни аёвсиз равишда қатағон оловига ташлар эди.

Азиз Юртбошим истиқлол ғалабаси учун курашар экан, бу жараёнда халқимизни мутелиқдан

халос этди, унинг руҳиятини ёритиб, бир мушт қилиб бирлаштириб, буюк ишлар ижодкори даражасига, буюк халқ даражасига кўтаргани қалбимда кучли бир фахрланиш туйғусини уйғотади.

Абдулла Қодирий, Чўлпон, Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунавварқори каби фидойи халқ фарзандларининг табаррук сиймолари кўз ўнгимда намоён бўлади. Уларни ажал тегирмонига, азоблар гирдобига ташлаб, йўқлик қаърига улоқтирмоқчи бўлган машъум қатағон сиёсатига, мустабид тузумга лаънатлар бўлсин, дейман.

1941–1945 йиллардаги урушда ўзбек халқи озмунча фидойилик кўрсатдимиз, озмунча азоб чекдимиз, озмунча қурбонлар бердимиз? Булар ҳам етмагандек, уруш тугаганидан кейин, жафокаш халқимиз, ана энди кўкрагимизга шабада тегди, деб турганида, 50-йилларга келиб, 20–30-йиллардаги оммавий қирғин тўлқини янгитдан бош кўтарди. Йўқ ердан баҳона топиб, шоир демай, олим демай, раҳбар ёки ишчи демай, яна «қама-қама»лар бошланди. Яна қанча-қанча қурбонлар, бахтсиз оилалар, хўрлик ва жудоликлар...

Ўзбекистонда 80-йилларнинг иккинчи ярмида бошланган янги қатағонлар «ўзбек иши», «пахта иши» деган ғирт туҳмат ва бўҳтондан иборат кампаниялар халқимиз учун яна бир офатга айланди. Юртбошимиз сўзлари билан айтганда, *«минглаб оддий ижрочиларга қарши ялпи жазолашларнинг авж олдирилиши халқнинг дарди устига чипқон бўлди»*.

Мана, қандай дарду изтироблар Юртбошимизнинг қалбини ларзага солган ва ёвузлик ўчоғи бўлган тоталитар салтанатга қарши беаёв ва шиддатли курашга чоғлаган эди!

Бунчалар фидойилик, бунчалар мардлик ва шижоатнинг манбаи халқимизга, диёримизга бўлган чексиз муҳаббатда эди. Бутун вужуди эл меҳри билан йўғрилган инсонгина Ватанга бутун борлиғини фидо эта олади. Юртбошимизнинг имконият-ни қўлга киритган онлардан бошлаб — республика раҳбари сифатида иш бошлаган кунидан эътиборан жонажон халқини мустабид «Марказ» зўравонлигидан ҳимоя қилиш учун ўзини қалқон қилгани фикримизнинг далилидир.

Эл нидоси

«Офтоб абадий булут остида қолмас», дейди доно халқимиз. 80-йилларга келиб мустабид тузумнинг адолатсизлигига, унинг зулмига қарши норозиликлар ниҳоятда нозик пардаларга ўралган ҳолда, турли усулларда амалга оширилар эди. Бу айниқса бадий адабиётда яққол кузатилди. Атоқли ёзувчимиз Шухрат «Жаннат қидирганлар» романида персонажи тилидан «Қачонгача бир миллат иккинчисини эзиб яшайди?» деган, халқимизнинг қалб нидоси бўлган сўзларни баён этади. Шу тариқа эл-юртимизнинг ҳасратларга тўла кўнглини бир оз бўшатиб олгандек бўлади. Лекин бу нидоларни

эшитадиган бирон-бир кимса йўқ, халқнинг аламли нидолари қанчалик изтиробли бўлмасин, нидолигича қолар эди.

Халқимиз кутган халоскор

Дарҳақиқат, халқ, тарих ўз халоскорини кутар эди.

Тарих шундай зотни кутмоқда ва унинг ўзи бундай инсонни яратиб, буюк ишларга тайёрламоқда эди.

Юртнинг фидойи фарзанди, энг аввало:

қалбида, юрагидаги ўз эли, ўз юртига бўлган буюк муҳаббатга таянди;

ўз халқини мустақилликка олиб чиқишдек пок ва улуғ мақсадга таянди;

бутун фикру хаёлини банд этган қатъиятга таянди;

адолатнинг ўзгармас кучи ва қудратига таянди;

ўз қалбидаги азму қарорнинг ҳақлигига таянди;

озодлик учун курашган боболаримизнинг руҳи покларига таянди;

энг муҳими, халқимизнинг ўз кучи, ўз Юртбошисига бўлган самимий ишончига таянди.

Бу омиллар китобдаги **«фақат ўз кучимиз, ўз салоҳиятимизга таяниб иш кўришимиз керак»**, **«ўзимиз ҳаракат қилмасак, биров четдан келиб бизга ёрдам бермайди»** деган даъваткор сўзларда аниқ ва лўнда ифода этилган.

Ёшлар, ёшлар!

Инсонга муҳаббат Юртбошимиз қалбининг тўридан жой олгани муаллифнинг китобдаги ҳар бир нутқида яққол акс этиб туради.

«Нима учун одамларни икки сортга ажратиб қўйишибди?...»

Сизлар эртага бизда ҳам шундай кайфият, яъни одамларни биринчи ва иккинчи сортга бўлиш кайфияти туғилишини истайсизми?..» дейилади ўша тарихий нутқда.

Республикамизда катта-кичик барча миллат ва элат вакилларининг гуллаб-яшнаши учун катта имкониятлар яратиб берилди. Юртимизда 130 дан зиёд миллат вакилларининг бир оила фарзандларидек аҳил ва иноқ яшаётганини кўриб, дунё бизга ҳавас билан қарамоқда.

Ўша тарихий нутқда, айниқса, ёшлар масаласига алоҳида эътибор қаратилади.

«...Биз ёш кадрларни тарбиялаш, уларга илғор меҳнат ва тафаккур усулларини сингдириш учун нима қилмоқдамиз? Тан олиш керакки, деярли ҳеч иш қилаётганимиз йўқ. ...молия министрими таланти ёшлар учун махсус стипендиялар белгилаш, уларни мамлакатимизнинг етакчи минтақаларига республикамиз ажратадиган ана шу стипендия ёки ёрдам ҳисобидан билим олишга юбориш ҳақида ўйлаб кўриши керакдир. Назаримда, бугун ана шу ишнинг фурсати етди.»

...Ишонаман, бу масалада бизни ёшларимиз ҳам, халқимиз ҳам қўллаб-қувватлайди».

Ёшлар масаласи мустақилликкача бўлган даврда ҳам, истиқлолимиздан кейин ҳам Ислом Каримов ижтимоий-сиёсий фаолиятининг бош мезони бўлиб келмоқда. Бундай эътибор ва ғамхўрлик ҳозирги кунга келиб улкан самара бермоқда.

Фарғона: кечаги қоронғи, бугунги ёруғ кунлар

Ўшанда – 1989 йил 25 июнь куни Ислом Каримов Министрлар Советида Фарғона водийсини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга бағишланган кенгашдан кейин жанжал-тўполонлар алангаси ичида қолиб кетган Фарғонага йўл олади. *«Ловуллаб ёнаётган уйлар, таҳлика ва саросимага тушган шаҳар ва қишлоқлар, қахр-ғазабга тўлган одамларнинг ичига дадил кириб боради»* («Ўзбекистон мустақилликка эришиши остонасида». Сўзбоши, 8-бет).

Ана шундай суронли дамларда одамлар билан чин дилдан гаплашди.

Юртбошимизнинг ҳаммага тушунарли бўлган оддий ва самимий, халқона сўзлари одамларнинг янги раҳбарга ишончи, эътибори ва меҳрини оширди. Юракдан чиққан сўзлар юракларга етиб борди, кишилар қалбида умид ва ишонч туйғуларини уйғотди.

Асрлар давомида бир ҳамдard раҳбарга, жасур инсонга интиқ бўлиб яшаган элнинг дилида ар-

мон бўлиб келган оғир муаммолар ўз ечимини топ-
гандек бўлди.

Она Фарғона, сен мард ва фидойи Юртбошингга
ишонган эдинг. Унинг чексиз меҳрига таянган
эдинг, ёруғ кунлар умиди сени оёққа турғизган эди.

Мана, бугун ўша ёруғ кунларга етдинг!

Юртбошимизнинг Ўзбекистон раҳбари сифатида
қўйган биринчи қадамларига қадамжо бўлдинг. Бу
қадам табаррук қадам эди, қутлуғ қадам эди! Бу
қадам билан бирга вужудингга ҳаёт нафаси, бунёд-
корлик руҳи қайтганини бугунги тараққиётинг ис-
ботлаб турибди. Бу қадам билан бағрингга тинч-
лик-осойишталик, тиниқлик, яратувчилик, ижод-
корлик кириб келганини унутиб бўладими!

Эзгулик ва гўзалликка ошно кўнгил

Ўйга толаман... Азиз Юртбошимнинг: *«Обод-
лик — кўнгилдан бошланади»* деган сўзларининг за-
мирида қандай катта маъно бор! Дарҳақиқат, обод-
лик ҳам, гўзаллик ҳам кўнгилдан бошланади. Элим
деб, юртим деб ёниб яшаган, дунёга, инсонларга
фақат эзгулик тилайдиган кўнгилдан бошланади.

«Шунга аминманки, — деган эди Президентимиз, — одам биргина яхши сўз туфайли, мажозий қилиб айтганда, тоғни толқон қилиши мумкин».

Президентимизнинг меҳри, инсонларга ишончи,
буюк ишларга илҳомлантирувчи сўzlари одамлари-
мизни ўз юрти, ўз ҳаётининг бунёдкорига, ҳар қа-

дамда эзгулик ва гўзаллик яратувчи кучга айлантирди. Бугун сўлим диёримизга, шу диёрнинг ижодкори ва бунёдкори бўлган халқимизга бутун дунё қойил қолаётганининг сабаби ҳам шунда, деб ўйлайман.

Халқ — бу тил демак

Юртбошимиз раҳбарликка сайланганидан сўнг катта-катта минбарлардаги нутқ ва маърузаларини ўзбек тилида сўзладилар.

Муаллиф «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобида қуйидагиларни таъкидлайди: *«... ўз она тилини билмаган одам ўзининг шажарасини, ўзининг илдизини билмайдиган, келажакги йўқ одам, киши тилини билмайдиган унинг дилини ҳам билмайди, деб жуда тўғри айтишади».*

Табиийки, халқимизнинг барча қатламлари учун тушунарли бўлган содда ва равон, жозибали, таъсирчан услубда сўзланган нутқлар она тилимизнинг мақомини жойига қўйиш, эл-юртимизнинг руҳини кўтаришга хизмат қилди. Миллий қадриятларимизнинг асосий устуни бўлган она тилимизга юксак эътибор туфайли 1989 йилнинг 21 октябрь кuni қизгин баҳс ва тортишувлардан сўнг сиёсий-маънавий ҳаётимизда унутилмас тарихий ҳодиса юз берди — Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши томонидан Ўзбекистон ССРнинг давлат тили ҳақидаги қонуни қабул қилиниб, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди.

Мен «Ўзбекистон мустақилликка эришиш осто-насида» китобини ўқиб, жонажон элимга, юртимга бўлган меҳрим, муҳаббатим, гурур-ифтихоримнинг илдизи ниҳоятда чуқур эканини англадим.

Бу асар биз — ёшларнинг ҳар бир ишимизда энг мўътабар дастур эканини чуқур ҳис этдим.

Англадимки, тарих ҳақиқатини, ҳаёт ҳақиқати-ни бор бўйича тушуниб етмасдан, ўзимни эл иши-га бахш етмасдан туриб, юртимнинг фидойи фар-зандиман, дейишга ҳақли эмасман.

Англадимки, Юртбошим ўз халқининг матонат-ли, қатъиятли, жасоратли, шижоатли ва фидойи фарзанди, мустақил давлатимиз асосчисидир.

Англадимки, Ислом Каримовдек ҳар жиҳатдан кенг фикрлайдиган, узоқни кўзлаб сиёсат олиб борадиган, ҳар бир ишда фақат халқни, унинг ман-фаатини ўйлайдиган донишманд, жасур ва фидойи раҳбарни тақдирнинг ўзи бизга ато этган.

Яна ўйга толаман... биз элимизни, Юртбоши-мизни у киши бизни севганидек сева оламизми?!

Давлатимиз раҳбарининг қалбига, шуурига бу-тун вужудимиз билан қулоқ тутиб, у бошлаган иш-ларни муносиб давом эттира оламизми?!

Бизга Юртбошимиз қандай эзгу орзу-умидлар билан, катта ишонч билан қараганидек, эл ишига садоқатли, жонкуяр ва муносиб фарзанд бўлиб ети-ша оламизми?!

Мен ишонаманки, биз албатта халқимиз, Пре-зидентимиз орзу қилган ҳар томонлама соғлом ва

баркамол авлод бўлиб вояга етамиз ва келгусида ҳамма соҳада юксак чўққиларни забт этамиз.

Кўз олдимда фидойиликнинг буюк тимсоли намоён бўлади. Навқирон тенгдошларимга, меҳнаткаш халқимга бор овозим билан элим деб, юртим деб ёниб яшашни муҳтарам Юртбошимиздан ўрганайлик, деб ҳайқиргим келади.

Азиз тенгдошим, сўзларимга ҳали нуқта кўйганим йўқ.

Улуғ инсоннинг буюк жасорати, матонати, фидойилиги ҳақида ёзажак дostonимнинг дебочасини эътиборингизга ҳавола қилдим, холос.

Ўйлайманки, «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобини диққат билан ўқиб чиқиб, сиз ҳам ўзингиз учун гоаят муҳим фикр ва таассуротларга, ибратли хулосаларга эга бўласиз, бу асар биз — ёшларнинг мустақиллигимиз қандай оғир ва машаққатли курашлар эвазига қўлга киритилганини билиб, англаб, унинг қадрига етиб яшашимиз учун ёзилганига ишонч ҳосил қиласиз.

Фарида Умаралиева



Бухоро шаҳри. «Кўҳна ва боқий Бухоро» монументи



Болаларим, Ўзбекистон байроғини доимо баланд кўтаринг!

*Ўзбекистон
маданияти*



Шахмат бўйича халқаро гроссмейстер Нафиса Мўминова:
Президент совғасини олиш – мен учун улкан бахт.




Ҳеч қачон кам бўлманг, азиз фарзандларим!



Шахмат бўйича 9 яшар жаҳон чемпиони Нодирбек Абдусатторов: кичкина деманг бизни...

*Президентга
2-д.
шахматъ.сар*



Тенглар ичра тенг бўлдик.

*Президент
и
государь*





Сизга Соҳибқирон Амир Темур юртидан салом,
Хуан Карлос Жаноби Олийлари!

ЖАҲОН ЭЪТИРОФИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига келаётган хатлар орасида хорижий давлатлар фуқаролари, атоқли сиёсат ва жамоат арбоблари, илм-фан ва маданият намояндалари, давлат етакчиларининг мактублари алоҳида ўрин тутади. Бундай хатларда, аввало, халқимизга, юртимизга, унинг раҳбарига ҳурмат-эҳтиром туйғуси яққол сезилиб туради.

Ўзбекистоннинг тарихан қисқа муддатда ўз мустақил тараққиётида улкан натижаларга эришаётгани, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллаётганида биринчи навбатда Юртбошимиз томонидан стратегик ривожланиш йўли ҳар томонлама тўғри танланиб, изчиллик билан амалга оширилаётгани ҳал қилувчи омиллардан бири бўлаётгани мактуб муаллифлари томонидан ҳолис ва ҳаққоний эътироф этилади. Айни вақтда ҳар бир халқ ва мамлакатнинг мустақилликка эришиш, миллий давлатчилиги, қадрият ва анъаналарини тиклаш жараёнидаги ўта мураккаб тарихий даврда айнан буюк жасорат ва матонатга, билим, тажриба ва тафаккурга, мустаҳкам иродага эга бўлган, узоқни кўзлаб иш юритадиган раҳбар шахснинг ўрни, аҳамия-

ти беқиёс экани қайд этилиб, Ўзбекистоннинг бу борада бахти, омади кулгани таъкидланади. Мақтуб муаллифлари мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов тимсолида айнан ана шундай буюк раҳбар шахс, давлат ва сиёсат арбобини кўрадилар.

Бир сўз билан айтганда, мазкур бўлимда эълон қилинаётган хатлар Ўзбекистонимиз, унинг ютуқ ва ғалабалари, ривожланиш салоҳияти дунё нигоҳида нақадар юксак баҳоланаётганини намоён этиши билан эътиборлидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Жорий йилнинг февраль оyi охирида менинг беш йиллик президентлик ваколатим муддати тугайди. Мен Президентлик вазифасини бажарган даврда Сиз, Жаноби Олийлари билан ўзаро ишонч асосига қурилган Корея Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги икки томонлама алоқаларни ривожлантиришга қаратилган ҳамкорлик йўлидаги саъй-ҳаракатларимизни юксак қадрлайман.

Шуни мамнуният билан таъкидламоқчиманки, мен Сеул шаҳри мэри вазифасида фаолият юритган даврдаёқ Сиз, Жаноби Олийлари билан бошланган дўстона яқин муносабатларимиз сўнгги 5 йил давомида мамлакатларимиз ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва бошқа соҳаларни қамраб олган кўп қиррали стратегик муносабатларни мустақамлаш ва ривожлантиришда муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилди. 2012 йилда давлатларимиз ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганининг 20 йиллиги кенг нишонланди. Бу ҳам ўзаро ҳамкорлик алоқаларимизни янада чуқурлаштиришда муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

Жаноби Олийлари, Сиз менинг яқин дўстим-сиз: Президентлик лавозимига киришган 2008 йилда ўтказилган инаугурация маросимида шахсан иштирок этдингиз, биз мамлакатларимизга уюштирилган йиллик ташрифларимиз доирасида мунтазам равишда учрашув ва мулоқотлар ўтказдик. Буюк Темурийлар империясининг тарихий мероси ва Самарқанд шаҳридаги ислом маданиятига оид диққатга сазовор масканлар тўғрисидаги ҳикояларингиз хотирамда бир умр муҳрланиб қолган. Мен ўзаро дўстлигимизни ғоят ардоқлайман ва Сиз, Жаноби Олийлари билан бирга ўтказган вақтларимни ҳамиша ёдда сақлайман.

Жаноби Олийлари, Сизнинг бундан кейин ҳам давлатларимиз ўртасидаги ўзаро дўстона алоқаларни янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратишингизга ишонаман. Мен чин қалбимдан Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнашини тилайман, бундан кейин қаерда ишлашимдан қатъи назар, Жанубий Корея ва Ўзбекистон ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришга ўз ҳиссамни қўшишга доимо ҳаракат қиламан.

Сиз менинг туғилган кунимни ҳеч қачон эътиборсиз қолдирмагансиз. Оилам ва яқин дўстларим даврасида мен ҳамиша Сиз, Жаноби Олийлари билан дўстлигимиз тўғрисида фахр билан гапириб юраман ва Сиз ҳар мавсумда Ўзбекистондан совға қилиб жўнатадиган ноз-неъматлар — ширин-шакар мевалар, ёнғоқлар таъмини ҳеч қачон унутмай-

миз. Менинг яқинда бўлиб ўтган таваллуд куним муносабати билан юборган самимий табригингиз учун миннатдорлик билдираман ва ўз навбатида, 30 январда нишонланадиган 75 ёшингиз билан Сизни чин юракдан муборакбод этаман. Сизга соғлиқ-саломатлик, тинчлик ва бахту саодат тилайман. Шунингдек, рафиқангизга ҳам чуқур эҳтиромимни етказишингизни сўрайман. Президентлик лавозимидан истеъфога чиққанимдан сўнг, қулай вақт топиб, яна бир бор Ўзбекистонга ташриф буюриш ниятидаман.

Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ ва фаровонлик, мамлакатингизнинг эса ҳамиша гуллаб-яшнашини тилайман.

**Ли Мён Бак,
Корея Республикаси
Президенти**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Таваллуд кунингиз — 75 ёшга тўлганингиз муносабати билан самимий табригимни қабул қилгайсиз.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан буён ўтган 21 йил мобайнида мамлакатингизда сиёсий барқарорлик қарор топгани, иқтисодий тараққиёт ва аҳоли ҳаёт даражасининг узлуксиз ошишига эришилаётгани, Ўзбекистон минтақавий ва халқаро масалаларда ўз овозига эга бўлиб келаётганини мамнуният билан алоҳида таъкидлашни истайман. Сизнинг доно раҳнамолигингизда меҳнаткаш ва ақл-заковати юксак ўзбек халқи давлат қурилиши соҳасида янада салмоқли натижаларни қўлга киритишига ишонаман.

Сизнинг ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги дўстона ҳамкорликни кенгайтиришга қўшаётган улкан ҳиссангизни юксак баҳолайман. Хитой Ўзбекистон билан муносабатда дўстлик тамойилларига қатъий амал қилмоқда ва мамлакатингиз билан биргаликда давлатларимиз

ҳамда халқларимиз равнақи йўлида стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантиришга тайёрдир.

Жаноби Олийлари, Сизга доимо мустаҳкам сихат-саломатлик ва барча ишларингизда муваффақиятлар ёр бўлсин!

Ўзбекистонга тинчлик ва равнақ, халқингизга бахт-саодат ва фаровонлик тилайман.

Эҳтиром ила:

**Ху Цзиньтао,
Хитой Халқ Республикаси
Раиси**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Юбилейингиз муносабати билан самимий табригимни қабул қилгайсиз. Сизга чин қалбдан бахт-саодат, тинчлик-хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ ва Ўзбекистон халқи фаровонлиги йўлидаги масъулиятли фаолиятингизда янгидан-янги муваффақиятлар тилайман.

Сизнинг номингиз билан ўзбек давлатчилигини ривожлантириш борасидаги улкан иқтисодий, ижтимоий ва маданий ютуқлар, халқаро майдондаги йирик муваффақиятларга бой бўлган бутун бир давр бевосита боғлиқдир. Сиз доно, тажрибали ва узоқни кўра биладиган сиёсатчи, ўз халқининг ҳақиқий раҳнамоси сифатида ўз Ватанингиз ва хорижда ҳам ҳақли равишда улкан обрў-эътибор қозонгансиз. Сизнинг Россия ва Ўзбекистон ўртасида дўстлик ҳамда стратегик шериклик тамойилларига асосланган муносабатларни ривожлантиришга қўшаётган ҳиссангиз беқиёсдир.

Ўртамизда қарор топган ўзаро ҳамжиҳатлик ва ишончни юксак қадрлайман. Бизнинг бундан буён

ҳам ана шундай амалий йўналишда баҳамжиҳат ишлашимизга ишончим комил.

Сизга ва оилангизга бўлган самимий ҳурмат ва эзгу тилакларимни изҳор этаман.

**Владимир Путин,
Россия Федерацияси
Президенти**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Жаноби Олийлари!

Сизни муборак етмиш беш ёшлик таваллуд кунингиз билан самимий қутлайман ва Сизга чин қалбимдан ҳамиша бахту саодат ёр бўлишини тилайман.

Мамлакатларимиз ўртасида ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш йўлидаги ишларни изчил давом эттирамиз, деб ишонаман. Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Президент жанобларига чуқур ва самимий ҳурматимни изҳор этмоқчиман. Сизга, Жаноби Олийлари ва қалбимга яқин бўлган ўзбек халқига тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Самимий тилаклар билан:

**Хуан Карлос,
Испания Қироли**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Жаноби Олийлари!

Қутлуғ 75 ёшлиқ таваллуд айёмингиз муносабати билан шахсан ўзим ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастури номидан Сиз, Жаноби Олийларини табриклаш менга катта мамнуният бағишлайди.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга мустақкам соғлиқ, Ўзбекистон халқига тинчлик ва фаровонлик тилашга ижозат бергайсиз.

2011 йил май ойида Сиз билан бўлиб ўтган учрашувимиз ҳамда Ўзбекистоннинг тараққиёт йўли, жумладан, Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш борасидаги ютуқлари билан боғлиқ муҳим масалалар бўйича ўз қарашларингизни баён этганингиз учун Сизга яна бир бор миннатдорлик изҳор этмоқчиман.

Мен БМТ Тараққиёт дастурининг Мамлакатлараро офиси билан Ўзбекистондаги расмий шерик ташкилотлар ўртасидаги яқин ҳамкорликни юксак қадрлайман. Биз Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида энг илғор тажриба ва билим-

ларни сафарбар қилишни давом эттириш ниятидамиз. Сизнинг доимий эътиборингиз натижасида Ўзбекистон билан биргаликдаги саъй-ҳаракатларимизни ривожлантириш ва янада кенгайтириш борасидаги ҳамкорлик алоқалари давом этишига ишонамиз.

Сизни ишонтириб айтаманки, БМТ Тараққиёт дастури Ўзбекистоннинг миллий салоҳиятини мустаҳкамлаш ва ривожланиш йўлидаги инновацион ечимларни излашини қўллаб-қувватлаш бўйича бундан кейин ҳам изчил иш олиб боради. Ўзбекистоннинг БМТ Тараққиёт дастури билан ҳамкорлиги Ўзбекистон халқи фаровонлиги йўлида янада мустаҳкамланиб боришига ишончим комил.

Самимий ҳурмат билан:

**Хелен Кларк хоним,
Бирлашган Миллатлар Ташкилоти
Тараққиёт дастури администратори**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Жаноби Олийлари!

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳу ва баракотуҳу.

Фурсаддан фойдаланиб, Ислом тараққиёт банки номидан Сизни 75 ёшлик таваллуд кунингиз билан табриклаб, Сизга самимий ва энг яхши тилакларимни изҳор этмоқчиман.

Сизнинг Ўзбекистон халқи ва ислом умматига хизмат қилишингиз йўлида Оллоҳдан Сизга мустақкам соғлиқ, бахт ва узоқ умр сўрайман. Ўзбекистон халқига бардавом тараққиёт ва фаровонлик тилайман.

Сизга бўлган юксак ҳурмат-эҳтиромимни қабул этгайсиз.

Чуқур ҳурмат ва энг яхши тилаклар билан:

**Аҳмад Муҳаммад Али,
Ислом тараққиёт банки
президенти**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Жаноби Олийлари!

Сизни таваллуд кунингиз билан табриклаш мен учун катта шарафдир. «KOGAS» компанияси номидан Сизни чин юракдан самимий қутлашга ижозат бергайсиз.

Мамлакатингиз иқтисодиётини, хусусан, энергетика соҳасини ривожлантириш борасидаги улкан саъй-ҳаракатларингиз ва бу борадаги интилишларни қўллаб-қувватлаётганингиз учун Сиздан ҳар қанча миннатдор бўлса, арзийди. Сиз юритаётган изчил сиёсат ва тўғри танланган тараққиёт йўли тугайли Ўзбекистон Республикаси изчил ривожланмоқда. Бу мамлакатингиз фуқаролари учун ҳам, биз учун ҳам катта имкониятлар очмоқда. Сизнинг оқилона раҳнамолигингиз натижасида «KOGAS» компанияси Қорақалпоғистон Республикасида «Сурғил» лойиҳасини ва бошқа лойиҳаларни муваффақиятли амалга оширмоқда.

Сизнинг раҳбарлигингизда бу ишларимиз муваффақиятли яқунланишига ҳамда давлатларимиз ўртасида фаровонлик ва дўстлик рамзи бўлиб қолишига ишонаман.

Яна бир бор Сизга самимий табрик ва истакларимни изҳор этаман. Сизга ва бутун ўзбек халқига тинчлик-омонлик ва бахту саодат тилашга ижозат бергайсиз.

Самимий тилаклар билан:

**Чу Канг Су,
Корея газ корпорацияси
президенти**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Муҳарам жаноб Президент!

«Женерал моторс» ва «Женерал моторс Корея» концерни номидан 75 йиллик таваллуд аёмингиз муносабати билан Сизга энг яхши тилакларимизни изҳор этамиз.

Ҳаётингизни Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланиши асосларини яратишдек буюк ишга бағишлаганингизни биз юксак қадрлаймиз. Бу мамлакатингиз халқининг ёруғ келажагини таъминлади.

Айни пайтда Сизга «Женерал моторс» концернини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаганингиз учун чуқур миннатдорлик билдирамыз. Ўзбекистон ва «Женерал моторс» ҳамкорликда иш олиб бориб, улкан ютуқларга эришди. Биз Ўзбекистон фаровонлиги йўлида шериклигимизни янада мустаҳкамлаш тарафдоримиз.

Яна бир бор самимий тилакларимизни қабул этгайсиз. Келгусида Ўзбекистонга ташрифим давомида Сиз билан учрашиш имкониятини орзиқиб кутаман.

Самимият билан:

**Серджио Роча,
«ЖиЭм Корея» компанияси президенти**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Жаноби Олийлари!

Хурматли жаноб Президент!

Сизни туғилган кунингизга 75 йил тўлиши муносабати билан табриклашга руҳсат бергайсиз. Бундан буён ҳам барча эзгу ниятларингиз амалга ошишини тилайман. Биринчи навбатда Сизга мустақкам соғлиқ тилаймиз, чунки айнан саломатлик Ўзбекистон Республикасининг равнақи йўлидаги масъулиятли фаолиятингизга доир вазифаларни бажариш, ютуқларга эришишда асосий омилдир.

Ҳар бир туғилган кун одамга хурсандчилик келтириши лозим. Қалбан ёш бўлиб қолиш, куч-қувватга тўлган ҳолда, ҳаётга чанқоқ бўлиб яшаш — ҳаётда омадли бўлиш ва муваффақият қозониш, руҳан тетик ва қувноқ кайфиятни сақлаш гарови ҳисобланади.

Сизга оилавий фаровонлик, тинчлик, меҳроқибат, хурсандчилик ва қўйилган мақсадларга эришишда қатъият тилаш билан бирга, энг асосийси, доимо омад, ишончли ва содиқ маслақдошлар ҳамроҳ бўлсин, деймиз. Чунки, шундай одамларсиз режаларимиз ва ишларимизни амалга оши-

риш мушкул. Мамлакатингиз ривожланишини янада самарали, фуқаролар ҳаётини янада фаровон бўлишини таъминлашга қаратилган ҳал қилувчи қарорларни қабул қилишда Сизга ҳамиша оилангиз, ҳамкасбларингиз ва дўстларингизнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши ёр бўлсин.

Ишончимиз комилки, умрингизнинг янги йили Сизга ва бутун халқингизга фақат ижобий натижалар ва ютуқлар олиб келади. Ўз навбатида, умид қиламизки, давлатларимиз ўртасидаги самарали ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик келгусида ҳам ривожланиб бораверади.

Ҳурмат билан:

**Виктор Лемкен,
Германиянинг «Lemken»
фирмаси раҳбари;
Франц-Георг фон Буссе,
фирма бош директори**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Хурматли Ислом Абдуганиевич!

Туғилган кунингиз муносабати билан энг самимий тилакларимни қабул этгайсиз.

Сизнинг узоқни кўра билишингиз, донолигингиз, иқтидорингиз ва ғайрат-шижоатингиз туфайли Ўзбекистон замонавий, қудратли ва мустақил давлатга айланди. Мамлакат иқтисодиётининг барча тармоқлари жадал ривожланмоқда ва йил сайин халқнинг фаровонлиги ортиб бормоқда.

Ишончим комилки, давлат раҳбари сифатидаги фидокорона меҳнатингиз бундан буён ҳам Ўзбекистоннинг янги улкан ютуқларига, шунингдек, унинг халқаро майдондаги мавқеини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Мамлакатда яратилган қулай сармоявий муҳит, стратегик шерикликнинг юқори даражага кўтарилгани ҳамда Россия билан Ўзбекистон ўртасидаги анъанавий дўстона муносабатлар ҳар икки мамлакат компанияларига самарали ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш имконини бераётир.

«ЛУКОЙЛ» очиқ акциядорлик жамияти Ўзбекистон раҳбарияти томонидан билдирилган ишонч-

ни юксак қадрлайди. Сизни ишонтириб айтаманки, биз сўзсиз бу юксак ишончни оқлашга ҳаракат қиламиз. Мамлакатингиз иқтисодиёти ривожига ва Россия–Ўзбекистон алоқаларини янада мустаҳкамлашга ўз ҳиссамизни қўшамиз.

Бугунги таваллуд кунингизда Сизга, ҳурматли Ислом Абдуғаниевич, чин қалбимдан мустаҳкам соғлиқ, фаровонлик ҳамда дўст Ўзбекистонга раҳбарлик қилишдек масъулиятли фаолиятингизда янги ёрқин ютуқлар ёр бўлишини тилайман.

Яна бир бор Сизга бўлган чуқур эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

**В. Ю. Алекперов,
«Лукойл» ОАЖ президенти**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Жаноби Олийлари!

Таваллуд кунингиз муносабати билан Сизга табрикларим ва энг яхши тилакларимни билдиришга ижозат бергайсиз.

Биз, францияликлар Ўзбекистонга айнан Сиз раҳбарлик қилаётганингиздан хурсандмиз. Сиз муҳим шахс сифатида нафақат Ўзбекистон, балки бутун жаҳон учун ҳам катта аҳамият касб этасиз.

Сизнинг раҳнамолигингизда экстремизмга қарши кураш, нафақат мамлакатингизда, балки бутун минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш борасида қабул қилинаётган чора-тадбирлар ўз самарасини беришига қатъий ишонамиз.

Амалга ошираётган саъй-ҳаракатларингиз таҳсинга сазовор эканини билдиришга ижозат бергайсиз.

Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар жадал ривожланишига чин дилдан ишонаман. Сизга бир неча аниқ таклифлар тақдим этиш мен учун катта шараф бўлур эди. Сизга уларни шахсан тақдим этсам, бағоят хурсанд бўлардим.

Сизга ва мамлакатингизга тинчлик-омонлик,
бахт-саодат тилаб билдирган истакларимни қабул
қилгайсиз.

Энг яхши тилаклар билан:

**Мари-Элен Берар,
Франциянинг «MBS SAS»
инвестиция-консалтинг
компанияси раҳбари**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

*Муҳтарам Президент Жаноблари!
Қадрли Ислом Абдуғаниевич!*

Замонамизнинг атоқли сиёсат ва давлат арбобларидан бири бўлган Сиз, азизимизни 2013 йил 30 январь кундаги муҳим сана билан чин юракдан табриклайман.

Сизнинг ҳаётингиз кўплар учун алоҳида ибрат бўлишга арзийди. Энг янги тарихнинг қалтис бурилиш паллаларида Ўзбекистондек буюк ва гўзал мамлакатни сақлаб қолиш, унинг келгуси тараққиётини таъминлаш йўлида ўзининг мислсиз иродаси, чексиз ишонч ва қатъиятини намоён этиш учун одам қанчалик тайёрланган ва интилувчан шахс бўлиши керак! Мамлакатингиз инсоният тарихида умумбашарий тараққиётга улкан ҳисса қўшган ўлкалар сирасига киради. Бу диёрнинг қандай оғир синов ва машаққатлардан мардона ўтгани, жаҳон майдонида мағрур туриши ва ёруғ истиқболга эга эканида Сизнинг хизматларингиз беқиёс.

Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш ва айниқса, клиник тиббиётнинг мураккаб бўлимлари, яъни она-

лик ва болалик, юрак-қон томир жарроҳлиги ва қатор бошқа йўналишларни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётганини таъкидлаш менга катта мамнуният бахш этади. Аҳолига юқори технологик тиббиётнинг хизмат қилаётгани миллат саломатлиги, инсонлар узоқ ва сифатли ҳаёт кечиршининг муҳим гаровидир. Ўзбекистон Республикасида, аввало, Сиз томонингиздан бу борадаги ишларга катта эътибор қаратилмоқда.

Сизга ва яқинларингизга мустаҳкам соғлиқ, фаровонлик ва барча ишларингизда янги ва улкан муваффақиятлар тилайман.

**Л. А. Бокерия,
Россия Тиббиёт фанлари академиясининг
А. Н. Бакулев номидаги юрак-қон томир
жарроҳлиги илмий маркази
федерал давлат бюджети муассасаси директори,
Россия Фанлар академияси ва Россия Тиббиёт
фанлари академияси академиги**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Грузия Миллий фанлар академияси номидан Сизни – ўзбек халқининг ажойиб ўғлони, атоқли давлат, сиёсат ва жамоат арбоби, машҳур олим, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси аъзосини қутлуғ сана – туғилган кунингизга 75 йил тўлиши муносабати билан самимий қутлашга ижозат бергайсиз.

Сизнинг Ватан олдидаги хизматларингиз беқиёсдир. Сиз мамлакатингизда олиб борилаётган тарихий ўзгаришларнинг ташаббускори ва раҳнамосидирсиз. Сизнинг раҳбарлигингизда Ўзбекистонда миллий давлатчилик ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, тинчликни сақлаш ва мустақамлаш, турли миллатлар ва динларга мансуб фуқаролар ўртасида барқарорлик ва тотувликни таъминлаш асослари яратилди, янги асрда мамлакатни барқарор ривожлантириш ва халқ фаровонлигини таъминлашнинг энг муҳим устувор йўналишлари белгиланди.

Ўзбекистон Республикасида неча минг йиллик тарихга эга бўлган илм-фан ва маданиятни асраб-

авайлаш, ривожлантириш, унинг ёрқин истиқболни таъминлашда Сизнинг ҳиссангиз бағоят каттадир. Иқтисодиёт, илм-фан, таълимни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссангиз учун Сиз Ўзбекистон Фанлар академиясининг аъзоси ҳамда қатор хорижий университетларнинг фахрий доктори этиб сайлангансиз.

Ўзбекистон ва Грузия ўртасидаги қардошлик, дўстона муносабатларнинг давом этаётгани ва йилдан-йилга мустаҳкамланиб бораётгани, бу Ўзбекистон ва Грузия Фанлар академиялари ўртасидаги ҳамкорликка ижобий таъсир қилаётгани қувонарлидир. Машҳур тарихчи олим, яқинда Грузия Миллий фанлар академиясининг хорижий аъзоси сифатида сайланган ҳамюртимиз Эдвард Ртвеладзенинг Ўзбекистон Фанлар академияси академиги экани бизга катта мамнуният бахш этади.

Сиз мустақил давлатларимиз ўртасида дўстона муносабатлар ўрнатиш, грузин маданияти, фани ва санъатини оммалаштириш ишига қўшган алоҳида ҳиссангиз учун Грузиянинг чет эл фуқаролигига бериладиган энг нуфузли мукофотларидан бири – Олтин Руно ордени кавалери эканингизни алоҳида мамнуният билан таъкидлашни истаймиз.

Мамлакатларимиздаги мавжуд улкан салоҳият ўзаро манфаатли ва самарали илмий-техник, иқтисодий ва маданий алоқаларни янада жадал ривожлантиришга хизмат қилади, деб ишонамиз.

Муҳтарам Ислоҳ Абдуғаниевич!

Сизнинг бутун ҳаётингиз, давлат, жамоат арбоби сифатидаги ва ижодий фаолиятингиз — ўз халқига фидокорона хизмат қилишнинг ёрқин намунаси. Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, шахсий ҳаётингизда бахту саодат ва жонажон Ватанингиз — мустақил Ўзбекистон Республикаси фаровонлиги ва келажаги йўлида давлат раҳбари сифатида олиб бораётган масъулиятли ишингизда янги-янги муваффақиятлар тилаймиз.

**Т. В. Гамкрелидзе,
Грузия Миллий фанлар
академияси президенти**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Муҳтарам Ислом Абуғаниевич!

Шахсан ўзим ва Москва давлат университетининг кўп минг кишилиқ жамоаси номидан Сизни 75 йиллик таваллуд айёмингиз билан чин юракдан муборакбод этаман. Биз Сизга – Ўзбекистон Республикасининг раҳбари, ўз халқининг етакчисига самимий табрикларимизни йўллар эканмиз, Сизнинг Ўзбекистон тараққиёти ва гуллаб-яшнаши учун қилаётган беқиёс саъй-ҳаракатларингиз, бутун Ўзбекистон халқининг бахти, ёруғ келажаги йўлида кўрсатаётган улкан ғамхўрлигингиз учун таҳсин айтамыз, самимий ва чуқур хурмат-эҳтиромимизни изҳор этамыз.

Сиз раҳбарлик қилаётган даврда Ўзбекистон изчил ривожланмоқда, халқаро ҳамжамиятда ўз нуфузини тобора мустаҳкамламоқда. Биз Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида олий таълим соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштиришга қўшган шахсий ҳиссангизни юксак қадрлаймиз. Мамлакатларимиз ҳамкорликда амалга ошираётган илмий-педагогик лойиҳаларга Сизнинг қарорингиз асосида ташкил этилган, 2006 йилдан буён муваффақиятли фаолият кўрсатиб келаётган Москва университетининг Тошкент филиали яққол мисол бўла олади. Маз-

кур филиал самарали ишламоқда ва ишончимиз комилки, Сизнинг доимий эътиборингиз самарасида у келажакда ҳам мустақил тараққиёт йўлидан бораётган Ўзбекистоннинг нуфузли, юқори малакали кадрлар тайёрлаш маскани — етакчи олий таълим даргоҳи сифатида ривожланади.

Ўрнатли Ислон Абдуғаниевич, Сиз — университетимиз жамоасининг тенг ҳуқуқли аъзоси, Москва университетининг фахрий профессорига самимий табрик сўзлари билан мурожаат этиш менга алоҳида мамнуният бағишлайди. Бизнинг эшикларимиз Сиз учун доимо очик, таълим масканимизга ташрифингиз ва маърузангиз Москва университети учун доимо катта байрам ва хурсандчилик бўлади.

Шубҳа йўқки, Россия ва Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий ва гуманитар соҳалардаги самарали ҳамкорлигининг янада кенгайиши халқларимиз манфаатларига мос келади ва минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлашга хизмат қилади.

Ушбу қувончли кунда, қадрли Ислон Абдуғаниевич, Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, ҳар қандай муаммоларни ҳал қилишда қатъият ва зукколик, ҳаётингиз доимо маъно-мазмунга бой, қизиқарли кечишини тилайман.

Ўрнат-эҳтиром билан:

**В. А. Садовничий,
М. В. Ломоносов номидаги Москва давлат
университети ректори, Россия Фанлар
академияси вице-президенти, Россия
Фанлар академияси академиги**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Сизни чин юракдан таваллуд айёмингиз билан табриклашга ижозат бергайсиз!

Ўзбекистон иқтисодиётини изчил тараққий эттириш борасидаги фидокорона меҳнатингиз ва халқ фаровонлиги йўлидаги гамхўрлигингиз Сизга нафақат мамлакатингизда, балки чет элларда ҳам катта обрў-эътибор келтирди.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилаётган улкан муваффақиятлари Сизнинг номингиз ва оқилона сиёсатингиз билан чамбарчас боғлиқдир.

Узоқни кўра биладиган, донишманд давлат раҳбари сифатидаги ёрқин фазилатларингиз, иқтисодий вазифаларни белгилашдаги кенг тафаккурингиз ва уларни амалга оширишдаги қатъиятнингиз, сиёсий фаолиятда орттирган бой тажрибангиз доимо Ўзбекистон ривожига хизмат қилиб келган ва хизмат қилмоқда.

Сиз фахрий доктори бўлган Г. В. Плеханов номидаги Россия Иқтисодиёт университети олим ва иқтисодчилари Ўзбекистон Республикасининг пух-

та ўйланган стратегик иқтисодий сиёсати асосини ташкил этадиган, жаҳон иқтисодиёт назарияси ва амалиётига қўшган улкан ҳиссангизни юксак қадрлайди.

Сизга Ўзбекистон ва Россия ўртасида фан ва таълим соҳасидаги ҳамкорликни мустақамлаш йўлида кўрсатаётган амалий ёрдамнингиз ҳамда мана, 15 йилдирки, Ўзбекистон иқтисодиёти равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилаётган юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш ишига муносиб ҳисса қўшиб келаётган университетимизнинг Тошкент филиали фаолиятини қўллаб-қувватлаётганингиз учун чин дилдан самимий миннатдорлик изҳор этишни истардим.

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич, Сизга мустақам сиҳат-саломатлик, узоқ умр ва давлат раҳбари сифатида Ўзбекистон равнақи йўлида олиб бораётган фаолиятингизда янги муваффақиятлар тилайман.

Юксак ва самимий эҳтиром ила:

**В. И. Гришин,
Г. В. Плеханов номидаги Россия
Иқтисодиёт университети ректори,
иқтисод фанлари доктори, профессор**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Сиз Ўзбекистонни нафақат мустақил, балки қудратли давлатга айлантиришдек машаққатли, лекин шарафли вазифани ўз зиммангизга олдингиз.

Сизнинг соғлиқни сақлаш соҳаси ривожига нечоғлиқ катта эътибор беришингизга ўзим бевосита гувоҳ бўлганман. Барча соҳаларда бўлганидек, соғлиқни сақлаш тизимида ҳам муаммолар кўп. Бундай муаммоларни мамлакатингиз ва халқингиз, барчамизнинг фаровонлигимиз учун Сиз ҳал қилишингизни жуда-жуда истардим. Бунинг учун эса, аввало, соғлиқ керак, шундай экан, 75 йиллик таваллуд айёмингизда Сизга мустаҳкам соғлиқ тилайман.

Камоли эҳтиром ила:

**Л. Рошаль,
Жаҳон болалар шифокори**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Хурматли Ислом Абдуғаниевич!

Туғилган кунингиз, 75 йиллик таваллуд айёмингиз муносабати билан самимий табрикларимни қабул қилгайсиз. Сизнинг Ўзбекистон давлатчилигини тиклаш ва унинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузини мустаҳкамлаш ишига қўшган шахсий ҳиссангиз янги тарих саҳифаларига абадий муҳрланади.

Жисмоний тарбия ва спортни, айниқса, унинг кураш турларини ривожлантиришга қаратаётган эътиборингиз учун самимий миннатдорлигимни қабул этгайсиз. Сизнинг оқилона сиёсатингиз ва самарали фаолиятингиз натижасида Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасидаги иқтисодий, маданий алоқаларда конструктив ўзгаришлар рўй бергани яхши маълум. Халқларимиз ўртасидаги анъанавий дўстона муносабатлар ва ўзаро яқинлик янада мустаҳкамланиб ва ривожланиб боришига ишонаман.

Ушбу қувончли кунда Сизга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт, куч-ғайрат, Ўзбекистон Республикаси фаровонлиги ва тараққиёти йўлидаги фаолият-

тингизда янги муваффақиятлар тилайман. Сизга ва
яқинларингизга тинчлик, эзгулик ва бахт-саодат
доимо ҳамроҳ бўлсин!

Самимий ҳурмат ила:

**Александр Карелин,
Россия Федерацияси
Давлат думаси депутаты**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Муҳтарам Президент Ислом Каримов!

Ишонаманки, янги 2013 йилни кўтаринки кайфият билан янада куч-гайратга тўлган ҳолда кутиб олгансиз!

Жаҳоннинг 192 мамлакати ва ҳудудларида фаолият юритаётган «Сокка Гаккай Интернэшнл»нинг барча аъзолари номидан Сиз, атоқли давлат арбоби ва ҳақиқий инсонпарвар сиёсатчини 75 йиллик таваллуд айёмингиз билан қутлашга ижозат бергайсиз.

Боқий инсонпарварлик ва адолат қадриятларини ривожлантириш борасида эришган юксак муваффақиятларингизни эътироф этаётган барча одамлар жаҳоннинг турли мамлакатларида бу қутлуқ санани нишонламоқда.

Йигирма икки йил давомида Президент сифатида Ўзбекистонда демократик давлат барпо этиш йўлидаги изчил ва фидокорона саъй-ҳаракатларингиз учун Сизга юксак ҳурмат-эҳтиромимни изҳор этишга ижозат бергайсиз. Шубҳа йўқки, буюк номингиз ва халқингиз ишониб, қўллаб-қувватлаётган фаолиятингиз инсоният тарихи саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан битилгусидир.

Яна шунга ишончим комилки, Сизнинг оқилона ташаббусларингиз келажакда ҳам Ер куррасида халқлар ўртасидаги тинчлик ва тотувликни ўрнатишга қаратилган йўлимизни ёритиб туради.

Муҳтарам Президент, мен асос солган Сока университетининг азиз фахрий доктори! Биз, барча профессор ва талабалар, Японияга ташрифингиз чоғида бизнинг олий таълим даргоҳимизга ҳам ташриф буюрсангиз, биз бундан бағоят бахтли бўлур эдик. Сока университетининг бутун жамоаси бебаҳо совғангиз — буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий ҳайкали олдида Сизни самимий кутиб олади.

Пировардида Сизга — жаҳоннинг атоқли шахслари намояндасига чин дилдан мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, барча эзгу ишларингизда катта муваффақиятлар ҳамда биз учун сеvimли бўлган Ўзбекистон заминиға абадий равнақ тилашға ижозат бергайсиз.

Чуқур иззат-эҳтиром ила:

**Дайсеку Икеда,
«Сокка Гаккай Интернэшнл»
президенти**

**Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи
ва баракотуху,
муҳтарам Президент Жаноблари!**

Таваллуд айёмингиз муносабати билан Сизни самимий қутлар эканмиз, Оллоҳ таолодан Сиз Жаноби Олийларига узоқ умр ва мустаҳкам соғлиқ ато этишини сўраб қоламиз.

Эътироф этиш лозимки, Ўзбекистон диёри мустақиллик неъматига Сиз туфайли мушарраф бўлди.

Жаҳон мамлакатлари 5–10 йиллик бир қарор билан аста-секинликда олдинга қараб интилади. Сизнинг ҳар йилга бир муайян ном беришингиз билан мазкур беш-ўн йиллик даврни бир йилда босиб ўтаётгани Ўзбекистоннинг бугунги мислсиз тараққиётга эришаётганидан далолатдир. Ташаббусингиз ила барча соҳаларда олиб борилаётган хайрли ишлар нафақат халқингиз томонидан, балки жаҳон ҳамжамиятининг ҳам юксак эътирофига сазовор бўлмоқда.

Ҳурматли Президент, она Ватан – Ўзбекистондаги осуда ҳаёт, мусаффо осмон, азиз болажонларнинг кулгиси, ота-оналарнинг фаровон умр кечиришини таъминлаш борасида фидокорона меҳнатларингиз юксак баҳоларга сазовор бўлиб, шуб-

ҳасиз, тарих саҳифаларига олтин ҳарфлар ила битилажак.

Жаноби Олийлари, Оллоҳ таоло Сизни доимо ўз ҳифзи ҳимояти ва паноҳида асрасин.

Юксак ҳурмат ва эҳтиромлар ила,

Саудия Арабистонида истиқомат қилаётган ўзбек ватандошлар номидан:

**Сафохон Жалолхон Тўра Марғилоний,
Абдулҳалим Вафоуллоҳ Самарқандий,
Муҳаммад Умар Тошкандий,
Муҳаммад Носир Муҳаммад Солиҳ,
Муҳаммад Амин Муқим,
Аҳмад Сафохон,
Акмал Аъзамхон ва бошқалар**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Хурматли жаноб Президент!

Сизни қутлуғ 75 ёшингиз билан табриклаш менга катта мамнуният бағишлайди.

Шахсан ўз номимдан ва дунёдаги барча Бухоро яҳудийлари жамоалари номидан Сизга узоқ умр, саломатлик ва бахт-саодат тилашга ижозат бергайсиз. Сизга ҳар доим омад ёр бўлсин, хонадонингиздан ҳеч қачон самимият, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик аримасин.

Сизнинг бутун ҳаётингиз Ўзбекистон Республикаси билан чамбарчас боғланган, доимо унинг гуллаб-яшнаши, ушбу заминда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, уни мустаҳкамлаш ҳақида қайғурасиз. Ўзбекистон Республикаси халқи томонидан Сизга билдирилган юксак ишонч Сизнинг давлат арбоби сифатидаги юксак обрў-эътиборингиз ва катта тажрибангиз, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланиш борасидаги саъй-ҳаракатларингизга берилган муносиб баҳодир.

Ўз ҳаётингиз мисолида барчани сабр-тоқатли, яқинларга нисбатан меҳр-оқибатли бўлишга ўрга-

тасиз, етакчи сифатида миллатларни бирлаштиришга ва маънавий яқинлаштиришга интиласиз.

Сизга юксак лавозимингизда янги ва улкан муваффақиятлар тилайман. Умид қиламанки, бизнинг алоқаларимиз янги босқичга кўтарилади, турли соҳалардаги ҳамкорлигимиз эса ҳар томонлама ривожланиб бораверади.

Фаолиятингизда хуш кайфият ва келажакка ишонч доимо ҳамроҳ бўлсин ва улар давлатни ривожлантириш, унинг гуллаб-яшнашига кўмаклашиш борасида янги ютуқларнинг гаровига айлансин.

Чуқур эҳтиром ила:

**Лев Леваев,
Бухоро яҳудийларининг жаҳон
конгресси президенти,
Россия ва МДХ яҳудийлар
жамоалари федерациясининг
президенти**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Хурматли Ислом Абдуғаниевич!

Сиз Жаноби Олийларини Кавказ мусулмонлари номидан ва шахсан ўз номимдан чуқур эҳтиром билан қутлайман. Сизни — буюк давлат арбоби, туркий дунёнинг энг тажрибали етакчисини ва ўзбек халқининг донишманд йўлбошчисини муборақ таваллуд кунингиз билан табриклайман ва шу муносабат билан эзгу тилакларимни қабул қилишингизни сўрайман.

Ана шу қутлуғ сана муносабати билан Сизга ўзимнинг чуқур эҳтиромим ва қардошлиқ меҳримни изҳор этишга, Сизнинг хайрли фаолиятингизга муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз. Оллоҳ Сизни ўз паноҳида асраб, узоқ умр ато этсин. Доимо соғ-саломат бўлиб, Ватанингиз равнақи йўлида хизмат қилиб юриш насиб этсин.

Муқаддас Қуръони каримда айтилганидек, «Оллоҳ фазли кенг, билгувчи Зотдирки, раҳматини Ўзи истаган кишига хос қилиб беради». Тарихнинг ниҳоятда мураккаб даврида Оллоҳ ўзбек халқига муносиб етакчи, донишманд давлат арбоби,

Ўз Ватанига хизмат қилишни ҳаётининг мазмуни ва мақсади деб биладиган буюк шахсни ато этди.

Сиз, Жаноби Олийларининг тимсолида биз улуг халқни бошқаришга қодир ўзбек халқининг буюк ўғлонини кўрамиз. Мамлакат тикланаётган буюк бир даврда Сиз ўзбек халқига раҳнамолик қилдингиз ва бу халқ жадал ривожланаётган тараққиёт ўзанида ўзининг бой маънавий меросини авайлаган ҳолда сақлаб келмоқда. Сизнинг донишмандлигингиз, юксак обрў-эътиборингиз ва катта тажрибангиз ҳозирги кунда халқларимиз ва мамлакатларимизни ташвишлантираётган ниҳоятда муҳим муаммоларни ҳал қилишда улкан аҳамият касб этаётир.

Чуқур ҳурмат туйғуси билан Сиз, Жаноби Олийларига, бутун Ўзбекистон халқига Оллоҳ марҳамати ёғилишини сўрайман. Сизнинг раҳбарлигингиз даврида Ўзбекистон гуллаб-яшнаган ўлкага айланди, мамлакатингизга ташриф буюрганимда ҳар гал сизнинг ютуқларингиздан ниҳоятда хурсанд бўламан.

Мен учун Сиз каби буюк шахс, айниқса, менинг иккинчи Ватаним бўлган муқаддас Ўзбекистон етакчиси билан мулоқот қилиш имконияти ҳар доим улкан аҳамият касб этган. Қардошлик руҳида ўтган учрашувларимизда менга берган доно маслаҳатларингизни ҳеч қачон унутмайман.

Муборак саналар чуқур эҳтиром билдириш учун ажойиб имкониятдир. Ушбу қутлуғ кунда Сиз,

Жаноби Олийларига Оллоҳдан барча неъматларни тилаб, энг яхши истакларимни билдираман. Қардош Ўзбекистон халқига эса янада гуллаб-яшнаш ва бахт-саодат ёр бўлишини тилайман.

Оллоҳга илтижо қилиб, Сиз, Жаноби Олийлари ва Илҳом Алиев Жаноби Олийлари раҳбарлик қилаётган халқларимиз янада кўпроқ ютуқларга эришишини, фаровон турмуш кечиришини тилаб қоламан.

Сизга доимо тинчлик, Оллоҳнинг марҳамати ёр бўлсин!

Чуқур ҳурмат ва эҳтиром билан:

**Шайхулислом Оллоҳшукур Пошшозода,
Кавказ мусулмонлари
бошқармасининг раиси**

Хурматли Ислом Абдуганиевич!

Таваллуд кунингиз билан самимий муборакбод этаман!

Мен, Анвар Аблякимов, Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида 20 йилдан зиёд вақт мобайнида фаолият кўрсатган киши сифатида Сизнинг раҳнамолигингизда Ўзбекистонда амалга оширилаётган улкан ўзгаришларни катта эътибор ва қизиқиш билан кузатиб бораман. Мамлакатда замонавий спорт базалари ва иншоотлари (стадионлар, теннис кортлари, спорт заллари) қурилди ва қурилмоқда, барча вилоятларда ихтисослаштирилган футбол интернатлари, олимпия захиралари спорт коллежлари очилган ва самарали фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон спортчилари Олимпия ўйинлари, жаҳон ва Осиё чемпионатлари ҳамда бошқа энг нуфузли мусобақаларда тобора кўп ютуқларни қўлга киритиб, Ўзбекистон шухратини бутун дунёга ёймоқда.

Украина телевидениеси илгари машҳур футболчи бўлган, ҳозирги кунда эса мураббийлик («Насаф» футбол клуби) қилаётган Анатолий Демьяненко билан суҳбатни намойиш этди. У Ўзбекис-

тонда спорт соҳасида амалга оширилаётган ишлар, Сиз давлат раҳбари сифатида футбол ривожини, унинг мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий роли юзасидан суҳбатлашиш учун вақт ажратганингиз тўғрисида батафсил сўзлаб берди. Буни эшитган бошқа республикалар спортчилари ўзбекистонликларга ҳавас билан қараганига аминман.

Сизга мустаҳкам соғлиқ, Ўзбекистон халқи бахтига узоқ йиллар мамлакатга раҳбар бўлиб юришингизни тилаб қоламан!

Ўзим ҳақимда: 1949 йилда Фарғонада туғилганман. Қарийб 15 йил Фарғона вилояти спорт кўмитаси раиси бўлиб ишладим. 1994 йил 6 октябрда Фарғонада Сиз билан учрашиш шарафига муяссар бўлганман. Бу воқеа бир умр ёдимдан чиқмайди. Қримга кўчиб ўтгач, 2001 йилда республика олимпия захиралари олий мактаби директори ўринбосари бўлиб ишладим. Ҳозир ногиронлик нафақасидаман.

Ҳурмат билан:

**Анвар Аблякимов,
Украина, Қрим,
Симферополь шаҳри**

2012 йил 15 январь

2010 йил июнь ойида Қирғизистон жанубида юз берган воқеалар муносабати билан Юртбошимиз номига хорижлик сиёсатчилар, фан ва маданият намояндалари, тинчликсевар инсонлар, айниқса, оддий фуқаролардан кўплаб хатлар, телеграммалар келган эди. Ана шундай телеграммалардан бири Қирғизистон фуқароси, кекса пенсионер Канин Чинибаевдан. Унда қуйидаги сўзлар битилган эди.

Қадрли Ислом Абдуғаниевич!

Сизни кириб келаётган янги 2011 йил билан чин қалбимдан табриклайман. Сизга мустаҳкам соғлиқ, оилангизга бахт ва омад тилайман. Сизга инсон учун энг муҳим бўлган қалб хотиржамлигини тилайман.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, мен — оддий пенсионерман. 2010 йил ёзда Қирғизистон жанубида рўй берган фожиалар вақтида узоқни кўра билиб, минтақада тинчликни сақлаб қолиш учун икки мамлакат халқини катта фалокатлардан, уруш оловидан асраб қолиш учун оталарча ғамхўрлик билан юритган оқилона сиёсатингиз учун Сизга миннатдорлик билдираман.

Бунинг савобини Сизга Оллоҳ берсин, Яратган-
нинг ўзи паноҳида асрасин!

Ҳурмат билан:

**Канин Чинибаев,
пенсионер
Қирғизистон Республикаси,
Бишкек шаҳри**

2011 йил 7 январь

Хурматли Ислом Абдуганиевич!

Ривоятларга кўра, Сухайл ва Муштарий юлдузлари бир-бирига 600–800 йилда рўбарў келар экан. Ана шундай ўзаро яқинлашиш санасида туғилган инсонлар улуғ мутафаккир, буюк саркарда ёки юрт етакчиси бўлар экан. Назаримда, сизда ана шу хислатлар мужассам бўлган. Ахир, ўзбек халқи, Ўзбекистон тарихи саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан ёзилажак оламшумул ишларни амалга оширган, халқимизнинг бахтига, тахтига мустаҳкам пойдевор ярата олган мутафаккир Юртбоши деганда биз айнан Сизни тушунамиз.

Биз Сиз билан 1991 йилнинг март ойида Ўш қирғиз драма театридаги йиғилишда учрашган эдик. Ўшанда мен Ўш шаҳар ижроия кўмитаси раисининг ўринбосари эдим.

Мен – Абдугани Абдуғафуров, ёшим 70 да, Қирғизистонда хизмат кўрсатган маданият арбоби, 30 дан ортиқ бадиий асарлар муаллифиман. Бобур номидаги Ўш ўзбек академик театрига 15 йил директор ва бадиий раҳбар бўлдим, шунингдек, 12 йил «Ўш садо-си» вилоят газетасида бош муҳаррир бўлиб ишладим. Сизнинг «Ўзбекистон – келажаги буюк давлат» китобингизни қирғиз тилига таржима қилганман.

Ўзбек халқини, Ўзбекистонни мадҳ этган кўплаб асарларим матбуотда чоп этилган, Ўзбекистон театрларида ўнга яқин пьесам сахналаштирилган.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, Қирғизистон жанубида, жумладан, Ўшда юз берган июнь воқеаларида менинг уйим ҳам талон-торож қилинди. Менинг оилам (6 киши) уй-жойсиз, маблағсиз, кийим-кечаксиз кўчада қолиб кетдик. Хавф тобора кучайгач, оилам билан Бишкек шаҳри орқали самолётда Тошкентга учиб келиб, паноҳ топдик. Фарғонада қизим яшайди, у ички ишлар тизимида ишлаб, пенсияга чиққан.

Умр йўлдошим Эргашхон Шаҳрихонда туғилган, 70 ёшда. Менинг падари бузрукворим ҳам марфилонлик.

Ўша даҳшатли июнь кунларида юз минглаб ўшликларга, шу жумладан, менинг оила аъзоларимга, кекса умр йўлдошимга Ўзбекистондан паноҳ берганингиз, оталарча ғамхўрлик кўрсатганингиз, мутафаккирона, вазмин сиёсат билан барқарорликни, тинчликни, юз минглаб жабрдийдалар ҳаётини, шу жумладан, ўзбек-қирғиз халқларининг азалий қардошлик, дўстлик анъаналарини сақлаб қолганингиз учун Сиздек доно Йўлбошчимизга мингдан-минг ташаккурлар айтамиз.

Ўзбекистонни ўзининг тарихий, маънавий Ватани деб билган ақли расо, фикрини теран қила олган қирғизистонлик ўзбеклар Сизнинг ҳақингизга дуолар қилиб, Парвардигори оламдан Сиздек

нажоткор, саховатли, меҳрибон Юртбошига, бутун Ўзбекистон халқига баркамоллик, сиҳат-саломатлик, омад ва чексиз қувончлар тилаб, илтижо қилмоқдалар.

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич, Тошкент ва Фарғонадаги оламшумул, кўзни қувонтириб, дилни яшнатувчи бунёдкорлик ишларини кўриб, ўзбекистонликлар учун осойишта ва фаровон ҳаёт яратиб берганингизга шахсан гувоҳ бўлиб, Яратгандан умрингизни янада зиёда қилмоғини тиладик.

Қирғизистонлик ўзбек сифатида комил ишонч билан айта оламанки, Сиздек буюк инсон бор экан, ўзбек ва қирғиз халқлари дўстлиги ва қардошлигининг душманлари ўз қабиҳ ниятига ета олмайди, ҳудудимизда тинчлик барқарор бўлади.

Сизга Оллоҳ ёр бўлсин, ўзбек халқи бахтига соғомон бўлинг!

Ҳурмат билан:

Абдуғани Абдуғафуров

2011 йил 18 январь

Ассалому алайкум, мухтарам

Ислом Абдуғаниевич!

Сизга, Ўзбекистоннинг собиқ фуқароси, узоқ Канададан Александр Сенокосов ёзади. Узр, аввало ўзимни таништираман: мен, 1941 йил 12 январь куни Россия Федерацияси, Хакасия ўлкасининг Енисей дарёси қирғоғидаги кўҳна Батени қишлоғида туғилганман. Мен туғилган ойда, яъни 1941 йилнинг сентябрь ойида отамни фронтга олиб кетишган. Ўша йили отам урушда ҳалок бўлган. Шунинг учун ҳам мен отамни мутлақо эслолмайман.

Биз Тошкентга урушдан кейин, аниқроғи, 1948 йили Шарқий Сибирнинг Красноярск ўлкасидан онам, бобом, бувим ва биз – тўрт нафар гўдак бола, опа-сингилларим билан кўчиб келдик.

Тошкент – нон шаҳри, деб бежиз айтишмаган экан. Бу ҳақиқатни биз кўчиб келганимиздан кейин англаб етдик ва бу фикрнинг нечоғлиқ асосли эканининг гувоҳи ҳам бўлдик. Кўчиб келганимиздан сўнг онам, бобом ҳамда икки нафар опам ишга чиқиб кетишди. Мен эса ўрта мактабнинг 1-синфига ўқишга қатнай бошладим. 1958 йили мактабни тамомлаб, икки йил давомида заводда ишла-

дим. 1960 йили Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш институтига ўқишга кирдим. Мазкур институтни 1966 йили таъмомлаб, муҳандис даражасига эга бўлдим. Шу ерда ишладим, уйландим, яшадим, рафиқам билан уч нафар фарзанд кўрдик. Қизларим – Вера, Надежда ва Любовь ана шу юртда униб-ўсди, камолга етди. Айни пайтда улардан беш нафар набирам бор.

Ўша йиллари мен махсус қурилиш-пайвандлаш вазирлиги тизимида турли вазифаларда ишладим. Аввал ишчи, уста, сўнгра прораб, участка бошлиғи, бошқарма бошлиғи ўринбосари, трест бошлиғи каби лавозимларда жами 42 йил ишладим. 2001 йили пенсияга чиқдим.

Менинг фарзандларим Россия ва Канадага кўчиб кетишди. Битта қизим онаси билан мени ёлғиз қолмасин деб, Канадага олиб келди. Мана, Канаданинг Онтарио шаҳрида қизимизнинг уйида яшаётганимизга ҳам 7 йил тўлибди. Бу ернинг қонунлари ҳам бошқача, масалан, четдан келган пенсия ёшидаги киши узлуксиз 10 йил яшаганидан кейин унга кексалик компенсацияси берилар экан.

Юртни, Ўзбекистонни жуда соғинаман. Ўзимда ҳам ғалати ҳиссиётлар пайдо бўлган. Масалан, 68 ёшга кирганимда шеърлар ёза бошладим. Албатта, тушунаман, бу шеърларим профессионал даражада эмас. Шунинг учун ҳам мен Сиздан ке-

чирим сўрайман ва баъзи шеърларимдан Сизга жўнатаяпман.

Ҳурматли Ислоом Абдуғаниевич, мен Тошкентни жуда соғиндим, деярли 56 йиллик умрим — ўсмирлик, ёшлик, айна кучга тўлган ва фаол ишлаган даврим Тошкентда ўтди. Шунинг учун ҳам Тошкентсиз яшашим қийин бўляпти.

Муҳтарам Ислоом Абдуғаниевич, Сизни, оилангиз ва яқинларингизни янги — 2011 йил билан самимий табриклайман.

Сизга узоқ умр, соғлиқ-саломатлик, янги-янги ютуқлар, бахт ва омад тилаб қоламан.

Катта ҳурмат билан Ўзбекистон Республикасининг собиқ фуқароси:

**Александр Сенокосов,
Канада, Онтарио шахри**

2011 йил 12 январь

МУНДАРИЖА

Сўзбоши ўрнида	3
Миннатдорлик хатлари	7
Шукроналик	99
Ёшлар – бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи	145
Жаҳон эътирофи	177

ПРЕЗИДЕНТГА МАКТУБЛАР

Тошкент «Маънавият» 2013

Нашр учун масъул *Х. Султонов*

Тўпловчи *З. Мирзақулов*

Махсус муҳаррир *М. Қаршибоев*

Нашриёт муҳаррири *С. Аҳмедов*

Рассом *М. Агьямов*

Мусахҳиҳ *О. Бозорова*

Компьютерда тайёрловчи *Ш. Соҳибов*

Лицензия АІ №189, 10.05.2011 й. да берилган. Босишга 15.05.2013 й. да рухсат этилди. Бичими 84×108 $\frac{1}{32}$ Times гарнитураси. Офсет босма усулида босилди. Шартли б. т. 12,18 + 0,95 рангли вкл.
Нашр т. 14,5 + 1,0 рангли вкл. Адади 50 000 нусха.
1-завод 20 000 нусха. Буюртма №2981. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриёти. Тошкент, Тараққиёт 2-берккўча, 2-уй.
Шартнома 17–13.

**«SHARQ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида чоп этилди.
100000. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 2013.**